

# Agro Inform

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommmabop jurnal  
Аграрно-экономический, научно-популярный журнал  
Agricultural and economical accessible science journal

BOSH MUHARRIR:  
Sirojiddin RUSTAMOV

## TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

**Ravshan Mamutov,**  
O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis  
Qonunchilik palatasi Agrar va suv  
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

**Jamshid Xo'jayev,**  
O'zbekiston Respublikasi  
Qishloq xo'jaligi vaziri

**Ra'no Turdiboyeva,**  
Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi  
rais o'rinnbosari

**Aktam Xaitov,**  
O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari  
va tomorqa yer egalari kengashi raisi

**Rustam Matmatqulov,**  
"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki  
boshqaruvi raisi

**To'ra Xudoyberdiyev,**  
"Oqtosh Don" aksiyadorlik jamiyatni raisi

**Mahmud TOIROV,**  
Bosh muharrir o'rinnbosari

Mas'ul kotib:  
**Baxtiyor ESANOV**

Dizaynerlar:  
**Avazbek Topilov**  
**Ja'far Jabborov**

Musahhih:  
**Jo'rabeck SIROJIDDIN o'g'li**

Viloyat muxbirlari:  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va  
Xorazmda

**Shukurjon JABBOROV**

Buxoro va Navoiyda  
**Yashnorbek XUSANOV**

Samarqand va Jizzaxda  
**Murodulla TURSUNOV**

Sirdaryo va Toshkentda  
**Azamat TOIROV**

Andijon, Namangan va Farg'onada  
**Karimjon ERGASHEV**

Qashqadaryo va Surxondaryoda  
**Jahongir PIRIMQULOV**

Nashr O'zbekiston Respublikasi  
Oliy attestatsiya komissiyasi  
Rayosatining 2021-yil 31-iyuldaggi  
303/5-sonli qarori bilan  
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy  
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Jurnal 2000-yildan buyon chiqqa boshlagan  
The journal has been published since 2000

N1 [3] 2022

## TAHRIR HAY'ATI RAISI :

**Jamshid XO'JAYEV,**  
Toshkent davlat agrar universiteti rektori

## TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

**Ibrahim DILER,**  
Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

**Abdulloh UNLU,**  
G'arbii O'rta Yer dengizi Qishloq xo'jalik ilmiy-tadqiqot instituti direktori,  
professor (Turkiya)

**Pestis VITOLD,**  
Grodno davlat agrar universiteti rektori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori, professor,  
Milliy fanlar akademiyasi muxbir a'zosi, Xalqaro Vena universitetining  
faxriy professori (Belorusiya)

**Temirjan AYTBAEV,**  
Qozog'iston Milliy fanlar akademiyasi akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti  
Meva-sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasini mudiri, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Aziz NURBEKOV,**  
Birlashgan Millatlar Tashkiloti (FAO) Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi Tashkilotining  
O'zbekiston Respublikasidagi vakolatxonasi eksperti, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Zafar ISKANDAROV,**  
Turon Fanlar Akademiyasi vitse-prezidenti, texnika fanlari doktori, professor

**Sohib ISLAMOV,**  
Toshkent davlat agrar universiteti o'quv ishlari bo'yicha prorektori, q.x.f.d, professor

**Abduaziz ABDUVASIQOV,**  
Toshkent davlat agrar universiteti prorektori, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent

**Xurshid DALIYEV,**  
Toshkent davlat agrar universiteti rektorining matbuot kotibi –  
axborot siyosati masalalari bo'yicha maslahatchisi

**To'lqin FARMANOV,**  
Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi sohasida strategik rivojlanish va tadqiqotlar xalqaro  
markazi direktorining birinchi o'rinnbosari, i.f.d., professor

**Mas'udjon SATTAROV,**  
Sholichilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Safar ALIULOV,**  
O'simliklar genetik resurslari ilmiy-tadqiqot instituti direktori, qishloq xo'jaligi fanlari  
doktori

**Bekmurod HAYDAROV,**  
Lalmikor dehqonchilik ilmiy-tadqiqot direktori, qishloq xo'jaligi bo'yicha falsafa doktori

**Bekmurat TURDISHEV,**  
Qoraqalpog'iston dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, qishloq xo'jaligi bo'yicha  
falsafa doktori

**Shuxrat BOBOMURODOV,**  
Tuproqshunoslik va agrokimyo ilmiy-tekshirish instituti direktori, biologiya fanlari  
doktori

**Tojidian RAXIMOV,**  
Don va dukkakli ekinlar ilmiy tadkkot instituti direktori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori,  
Rossiya fanlari akademiyasi akademigi

**Baxrom MADARTOV,**  
Samarqand veterinariya medisinasini institutining Toshkent filiali direktori, q.x.f.d,  
professor

**Ibragim ERGASHEV,**  
Samarqand veterinariya meditsinasini instituti professori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Rasuljon JUMAYEV,**  
Toshkent davlat agrar universiteti professori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori (DSc).

**To'lqin SHAMSUTDINOV,**  
Meva-sabzavotchilik va uzumchilik fakulteti dekani, biologiya fanlari nomzodi

**Bahrom AZIZOV,**  
O'simlikshunoslik kafedrasini professori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Go'zal XOLMURODOVA,**  
Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasini professori,  
qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Norqobil NURMATOV,**  
Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti  
Meva-sabzavotchilik va texnologiya fakulteti dekani, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

**Bayramdurdji SAPAYEV,**  
Fizika va kimyo kafedrasini professori, fizika-matematika fanlari doktori

**Ra'no YULDASHEVA,**  
Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasini dotsenti, qishloq xo'jaligi  
fanlari doktori



## НАВРЎЗ – ДЕХҖОН ВА ЧОРВАДОРЛАР БАЙРАМИ

Наврўз айёми йил янгиланадиган, табиат уйғонадиган, дехҷон ва чорвадорлар учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган даврда нишонланади. Байрам дастлабки меҳнат тақсимоти ҳисобланган чорвачилик ва дехҷончилик, ибтидоий даврдаги одамларнинг овчилик ва зироатчилик фаолияти замираиде пайдо бўлганига тарихий далиллар кўп. Шу билан бирга, Наврўз жаҳондаги барча мавсумий маросимлар, уларнинг маҳаллий ёки халқаро миқёс касб этишидан қатъий назар йил фаслларини, ҳафталарини аниқловчи, уларнинг хусусиятларини белгилаб берувчи вақт ҳисоби — тақвимларга асосланади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, аждодларимиз қўёш, ой ва юлдузлар ҳаракатини жуда мукаммал ўзлаштиришган. Зеро, улуғ мутафаккир Беруний бобомизнинг “Ота-боболаримизнинг билимлари бир уммон бўлса, бизнинг биладиганларимиз унинг кўпигидек”, деб бежиз айтмаган.

Энг қадимги даврларда йил, даставвал, икки қисмга – ёз ва қиши фаслларига бўлинганига, қишининг аёзли, изғирили

куnlари, қаттиқ совуғи тугагач, наботот ва ҳайвонот олами уйғониб, табиат яшилликка буркангани ва иссиқ кунлар бошлангани ҳақидаги фикрларга шубҳа билан қарамасак ҳам бўлади.

Турмуш тарзи дехҷончилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлган отабоболаримиз экинларни қайси вақтда экиш, қандай парвариш қилиш, ҳосилни йиғишириб олишга қачон киришишни яхши билган. Шунинг учун яқин-яқингача “дехҷон ҳисоби”, “тўқсон ҳисоби” ва “юз ҳисоби” каби тақвимлар халқ орасида юритилган.

Шу ўринда яқин бир ўтмишимизга тўхталиб ўтмоқчиман. Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани асосан чоравачиликка ихтисослашган бўлиб, яқин-яқингача ҳам чўпон боболаримиз “чорва ҳисоби” тақвимига таяниб иш кўришар эди. Бугун ёши элликдан ошган кишиларнинг кўпчилиги шутуманинг Эжгант қишлоғида яшаган Ислом бобо Алмановнинг ой ва юлдузлар ҳаракатига қараб, бир ҳафта олдин об-ҳавонинг қандай келишини



айтиб берганини яхши эслашади. Чунки, баҳорда ток очиш вақтида қишлоқдошлар Ислом бобога мурожаат қилиб, "Ислом ака токни очаверсак бўладими ёки ҳали бир совуқ борми", — деб сўрашганларига ўзим ҳам бир неча бор гувоҳ бўлганман. Бобо, сабр қилинглар ёки бўлади, — дер эди. Шунга қараб, ток очиш бошланарди. 1970 йиллар — совет даври бўлгани учун бобонинг бу илмига назар-писанд қилинмагани туфайли, халқимиз орасидаги бундай кишиларнинг ноёб қобилияти бошқалар, ҳаттоқи, фарзандлари томонидан ҳам ўзлаштирилмади.

"Муаллим ака" номи билан эл орасида танилган Абдуқаюм бобо Эгамов тақвимда Наврӯз 21-куни бўлса-да, ойга қараб "Йил боши" байрамини баъзан 22 ёки 20 куни нишонлашни таклиф этиб, шу куни элдошларни қирга йиғиб, байрам тадбирини ўтказар эди.

Албатта, бу каби мисоллар қадимда мамлакатимизда астрономик билимлар тараққий этганини ва уни аждодларимиз яхши ўзлаштириб келганига яққол мисол бўла олади. Мана шундай ҳисобдон боболаримиз вақтни қуёшнинг йиллик ҳаракатини кузатишга асосланган "шамсий тақвим", ой фазаларининг муттасил

ўзгаришини ифодаловчи "қамарий тақвим"га таяниб ҳисоблашгани барчамизга маълум. Қолаверса, тарихий манбаларда қуёш ўз ҳаракат доирасида ўн иккинчи буржга кирган кундан эътиборан, шамсий ҳисоб бўйича бошланадиган қут ойи эски йилни якунлаб, янгисини бошлаб берадиган "қақрайда", "сариқсумалак", "очамсумалак", "аямажуз", "аҳман-даҳман", "хезим хирмон", "лайлак қор", "терак кучала", "ўрик гули" "носи наврӯз", "оби раҳмат", "куни бекор" каби тақвимий муддатларни ўз ичига олиши қайд этилган.

Албатта, булар тарихий атамалар бўлгани билан улардан "аямажуз" то шу кунга қадар халқимиз орасида истифода этиб келинади. Қишлоқларда "Аямажуз олти кун, қаҳрланса қаттиқ кун" ёки аямажуз тилидан тўқсонга, яъни тўқсон кунлик қишига қаратा "Тўқсон, бир кунимча йўқсан" деган фикрлар ҳанузгача айтиб келинади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Наврӯз деҳқон ва чорвадорлар байрами экан, демак, у халқ байрамидир.

**Шуҳрат Хуббимов,**  
илемий изланувчи

# АГРАР СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ — БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

**Тўлқин Саттаров,**  
**Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари**  
**Кенгashi раиси ўринбосари, Кенгаш ҳузуридаги Жамғарма ижро**  
**этувчи директори**

Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг узоқ муддатларга мўлжалланган стратегияси, унинг соҳалар ва тармоқлар бўйича таркибий тузилишини шакллантириш, келажакда аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда юзага келиши муқаррар бўлган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш мамлакат миллий иқтисодиёти юксалишига эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётнинг биронта соҳа ёки тармоғи давлатнинг бевосита иштирокисиз ривожланмайди. Айниқса, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, шу билан бирга, аҳолининг бандлигини таъминлаш билан боғлик, лекин тадбиркорлар учун инвестицион жозибадорлиги нисбатан паст бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида давлатнинг амалий ёрдамига эҳтиёж сезиларли даражада юқори бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори билан фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг бу соҳадаги ваколатлари янада кенгайтирилди.

Ушбу имкониятлар доирасида 2021 йил фермер хўжаликларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, уларнинг фойдасини кўзлаб судларга 6089 та даъво аризалари киритилди. Шундан 5 542 тасининг қаноатлантирилиши оқибатида суд қарорлари қабул қилинди ва ҳозирга қадар 237,9 млрд. сўмлик етказилган зарар фермер

хўжаликлари фойдасига ундириб берилди. Хизмат кўрсатувчи қарздор ташкилотларга киритилган талабномалардан 8 941 таси қаноатлантирилди ва фермер хўжаликлари фойдасига 228,2 млрд. сўмлик маблағ ундириб берилди. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш йўналишидаги, дастурга асоссан, 2021 йилда 16 мингдан ортиқ фермер хўжаликлирида қўшимча фаолият турлари йўлга қўйилиб, 49,2 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ушбу мақсадлар учун жами 2 трлн. 800 млрд. сўмдан ортиқ маблағ жалб этилди (шундан, қарийб 700 млрд. сўми тижорат банклари кредити). Амалга оширилган лойиҳалар натижасида, 15,5 минг гектар интенсив боғ, 6,6 минг гектар узумзор ва 724 гектар майдонда иссиқхоналар барпо этилди.

Худудларда “Темир дафтар”га киритилган 416,3 минг нафар ёшларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун жами 126,3 минг гектар ер майдонлари ажратиб берилди. Дехқон хўжаликлари ва томорқаларда экишни ташкил этиш бўйича 2021 йил баҳорида 5,5 млн.дан ортиқ аҳоли томорқаларида 347,8 минг гектарга эртаки, 267,4 минг гектар майдонга тақорорий ўртаки, 191,8 минг гектарга тўқсонности усулида сабзавот экинлари экилиши таъминланниб, жами 11,8 млн. тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Шунингдек, кам таъминланган 604,8 мингта хонадонга 58,8 мингта салоҳиятли фермер хўжаликлари бириктирилди. Улар томонидан 35,3 минг гектар ер тайёрлаб берилди, 33,5 минг гектар томорқа ерларига турли экинлар экилишига эришилди ва ўз навбатида, томорқа ер эгаларига 99 минг кг. уруғлик, 1,1 млн. дона мевали дараҳт кўчатлари ҳамда муҳтоҷ оиласарга 3 бош сигир, 12 минг бош жўжа, 1,1 мингта қуён етказиб берилди.

Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ, сув таъминоти оғир бўлган қишлоқ ва

овулларда қазилган артезиан қудуклари учун Республика бўйича жами 565 нафар талаборга 52 млрд. 165,8 млн. сўм миқдорида субсидия маблағи ажратиб берилди. Натижада, 15,2 минг аҳоли хонадонларига тегишли 2,5 минг гектар ер майдонлари сув билан таъминланниб, ердан икки-уч марта ҳосил олиш, маҳсулот этишириш орқали даромадга эга бўлиш имконияти яратилди. Мамлакатимиз бўйича 669 та “Томорқа хизмати” МЧЖлари томонидан 22,2 мингта аҳоли томорқа ерлари шудгорланиб, уларнинг экин экишларига қўмаклашилди, аҳоли томорқаларига 427,9 тонна уруғлик, 9,2 млн. дона мевали дараҳт кўчатлари етказиб берилди. Шу билан бирга, мазкур МЧЖлар томонидан 26,3 минг хонадоннинг 2 497 гектар томорқасига ихчам иссиқхоналар қуриб берилди, 1 615 та хонадонга 9 050 та асалари уяси, 1,4 мингта хонадонга қуён, 5,4 мингта хонадонга курка, 11,1 мингта хонадонга парранда, 519 та хонадонга эчки, 3,5 мингта хонадонга қорамол ва қўй етказиб берилди.

Кенгаш хузуридаги Жамғарма томонидан фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини ҳамда “Томорқа хизмати” МЧЖларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жами 255,9 млрд. сўм пул маблағлари ажратилган бўлиб, шундан: томорқа ер эгаларига 99,7 млрд. сўм, фермер ва дехқон хўжаликларига 20,7 млрд. сўм, “Томорқа хизмати” ва бошқа масъулияти чекланган жамиятларга кредит шаклида 128,6 млрд. сўм, “Томорқа хизмати” МЧЖ корхоналари устав фондига Жамғарма улуши сифатида 18,8 млрд. сўм маблағ киритилган бўлса, қишлоқ хўжалиги кооперативларига 4,0 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит, лизинг хизматларини молиялаштириш учун жами 2,8 млрд. сўм миқдорида сармоя ажратилди. Кенгаш хузуридаги Жамғарма ҳисобидан 9 874 талойиҳа ташаббускорларига тижорат банклари орқали ажратилган кредит маблағи 234,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида томорқа ер эгаларига ҳудудий кенгашлар, Қува томорқа ер участкаларини ривожлантиришилмий маркази ва ҳудудлардаги “Томорқа кўчатчилиги ва маслаҳат марказлари” орқали услубий амалий ёрдамлар кўрсатилади, намунали фермер, дехқон ва томорқачиларнинг илғортажрибалари кенгтарғиб ётилади. Қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали экспорт ҳажмини ошириш

ва географиясини кенгайтириш борасида дунё бозорларида органик маҳсулотларга талаб ўсиб бораётгани инобатга олиниб, фермер, дехқон хўжаликлари томорқаларида органик мева-сабзавот маҳсулотлари етиширишга ҳамда ички ва ташқи бозорларга сотища ҳар томонлама кўмаклашилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги қарорига асосан, ҳудудларда 36 та томорқа хизмати кластерлари фаолиятини йўлга қўйиб, уларнинг сонини 68 тага етказиш бўйича долзарб вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган. Шу билан бирга, сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқа ер майдонларини суғориш учун қазилаётган вертикал суғориш қудукларини бурғулаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш учун 50 млрд. сўмлик субсидия маблағлари, Кенгаш хузуридаги Жамғарма ҳисобидан фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, “Томорқа хизмати” МЧЖлар ва кластерларни қўллаб-қувватлаш учун йил мобайнида 431 млрд. сўм, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги қарорига мувофиқ, томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмига субсидия маблағлари ажратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришда фермерларнинг иштирокини янада кенгайтириш мақсадида, “Агробанк” АТБ билан ҳамкорликда Фермерлар мактаби негизида 30 мингга яқин фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг билимини ошириш, Кенгаш хузуридаги Жамғармадан томорқа хизмати корхоналари, фермер хўжаликлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, 1 075 млрд. сўм маблағ ажратиш чораларини кўриш мўлжалланган.

Юқорида қайд этилган ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг янада фаоллашувига ҳамда халқимиз дастурхони янада тўкин-сочин бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз.



**ишилари бўйича проректори, қишлоқ хўжалиги  
фанлари доктори, профессор  
Соҳиб Исламов.**

**— Сұхбатимиз аввалида ўтган йил давомида амалга оширилган энг муҳим ўзгаришлар ҳақида айтиб ўтсангиз.**

— Ўтган йилги энг муҳим янгиликлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги қарори билан Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали негизида Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 октябрдаги қарори билан Термиз филиали негизида Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланишинститути ташкил этилганлигини тилга олиш мумкин. Шунингдек, университет ташкилий тузилмаси ҳамда факультет ва кафедралар тузилмаси мақбуллаштирилди. Бунинг натижасида кафедралар сони 30 тадан 22 тага қисқарди, 1 та бўлим, 1 та марказ фаолияти тўхтатилиб, улар базасида юридик ва тиббиёт бўлимлари ташкил этилди.

Шунингдек, муассаса ўкув ва илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича 9 нафархорижий, 16 нафар маҳаллий эксперт, молиявий ҳамда бизнес фаолиятини такомиллаштириш бўйича 10 нафар малакали эксперталар жалб этилди. Улар томонидан университет фаолиятини такомиллаштириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларни оптималлаштириш бўйича ўйлар хариталари ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, 4 нафар проректор (ш.ж. 2 нафари хорижда таҳсил олган), 7 нафар факультет декани, 17 нафар кафедра мудирлиги лавозимларига ёш ва истиқболли кадрлар тайинланди.

**— Бу университетда таҳсил олаётган талабалар сонига, таълим сифатига қанчалик таъсир кўрсатди?**

— Албатта, бу каби ўзгаришларнинг ўкув жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Ҳозирги кунда таҳсил олаётган талабаларимизнинг сони 10 минг 636 нафарни ташкил этади. Шундан, бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кундузги таълим шаклида 4 минг 430 нафар, сиртқи таълимда 5 минг 62 нафар,

## МАҚБУЛЛАШТИРИШ – ТАЪЛИМНИНГ МАЪҚУЛ ТИЗИМИ

**— дейди  
сұхбатдошимиз**

**Тошкент давлат аграр  
университетининг ўкув**

**ишилари бўйича проректори, қишлоқ хўжалиги  
фанлари доктори, профессор  
Соҳиб Исламов.**

магистратурада 717 нафар, қўшма таълим дастурлари бўйича 427 нафар талаба таҳсил олиб келмоқда.

2020/2021 ўкув йилидан бошлаб, таълимнинг кредит-модуль тизими босқичма-босқич жорий этилиб келинмоқда. Бу албатта, талабаларнинг мустақил ишлаш қўникмаларини шакллантиришга, академик мобиллигини таъминлашга ҳамда уларнинг билимларини баҳолашда шаффофликни таъминлашга хизмат қиласди.

2021/2022 ўкув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси ҳамда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича Номли давлат стипендияларига ўтказиладиган танловнинг 2 босқичида иштирок этиш учун 13 нафар иқтидорли талабалар тавсия этилган бўлса, танлов натижаларига кўра, 2 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендианти, 1 нафари Ислом Каримов номли, 2 нафари Беруний номли, 1 нафари А.Навоий номли давлат стипендияси соҳиби бўлишиди.

### **— Профессор-ўқитувчилар фаолиятигачи?**

— Бу борада ҳам ижобий натижаларни кўриш мумкин. Ҳозирда университетнинг асосий штатида 504 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Улардан 316 нафари илмий даражали профессор-ўқитувчи, шундан 104 нафари фан доктори, 212 нафари фан номзоди, доцент ва фалсафа докторлари (PhD)дир. Илмий салоҳият 69%ни ташкил этади.

441 нафар раҳбар ва педагог-ходимларнинг касбий малака ва қўникмалари аттестациядан ўтказилди ҳамда аттестация натижасига кўра, 16 нафар профессор-ўқитувчининг лавозими оширилди, 50 нафари рағбатлантиришга тавсия этилди.

Яни бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим, деб ҳисоблайман, 2021 йилда бўлиб ўтган “Йилнинг энг яхши педагоги” танловининг республика босқичида университетнинг 2 нафар ёш истиқболли профессори-ўқитувчилари Б.Ўлмасов, С.Аминовлар ғолибликни кўлга киритишиди.

### **— Таълим жараёнига ҳам тўх-талсангиз?**

— 2021-2022 ўкув йиллари учун 35 та бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда 36 та магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўкув режалари таълимнинг кредит-модул тизими асосида қайта ишлаб чиқилди. Бакалавриат таълим йўналишлари ўкув режасининг мажбурий ва танлов фанлари блокида гуманитар, табиий-илмий фанлар учун 900 соат (13,8%), умумкасбий ва ихтисослик (максус) фанлари учун

5640 соат (86,2%) ажратилган. Ўқув режалари билан биргаликда мажбурий тарэда фанлар кесимида ҳар бир кафедра томонидан касбий компетенциялар жадвали ишлаб чиқилган. Ўқув режаларини шакллантиришда қишлоқ хўжалиги ривожланган АҚШ, Германия, Италия, Австрия, Венгрия, Литва, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Хиндистон, Хитой, Россия ва Белоруссия каби хорижий давлатлардаги 60 дан ортиқ олий таълим муассасаларининг таълим бериш тизими тажриба сифатида атрофлича ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги қарорига асосан 2021-2022 ўқув йилида янгидан 10 та бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда 3 та магистратура мутахассисликлари бўйича қабул жараёни ташкил этилди. Ва шу ўқув йилидан эътиборан университетимизда профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш жара-ёнига ҳам суҳбатлаши, билимларини тест синовлари орқали аниқлаш бўйича янги механизм татбиқ этилди. Шу билан бирга, университетимиз ўқув жараёнига илмий-тадқиқот институтлари ҳамда турдош олий таълим муассасаларидан 55 нафар профессор-ўқитувчи жалб этилди. Агрокластер раҳбарлари иштирокида 25 та мавзуда маҳорат дарсларини ўтказиш режа-жадвали ишлаб чиқилди.

**— Талабаларни сифатли таълим олишлари учун уларни мунтазам равишда зарур илмий адабиётлар, қўлланма ва дастурлар билан таъминлаш лозим бўлади. Бу масала қандай йўлга қўйилган?**

— Таълим даргоҳимизда Ахборот-ресурс маркази фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унинг умумий китоб фонди 225.692 та номдаги 1.092.310 нусхани ташкил этади. Жумладан, 12.529 номдаги 215.579 нусхада дарсликлар, 36.318 номдаги 289.466 нусхада ўқув қўлланмалар, 25.765 номдаги 81.478 нусхада илмий адабиётлар, 2.637 номдаги 3.205 нусхада хорижий адабиётлар, 36.940 номдаги 63.381 нусхада бадиий адабиётлар ва 83.945 номдаги 411.174 нусхада бошқа турдаги адабиётлар изланувчи олимларимиз ва талабаларимиз ихтиёрида. Марказ фонди 2021 йилда 931 номдаги 8.849 нусхадан иборат янги китоблар билан тўлдирилди.

Ҳар йили профессор-ўқитувчиларимиз томонидан хорижий тажрибалар асосида, ўртача, 120-150 номда ўқув адабиётлари яратиб келинмоқда. Ўз навбатида, янгидан ташкил этилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш бўйича ҳам муаллифлар гуруҳи шакллантирилган.

**— Маълумки, университетда мамлакатимизнинг турли чекка ҳудудларидан келган йигит-қизлар ҳам таҳсил олмоқда, уларни тураржой билан таъминлаш масаласи қандай ҳал қилиняпти?**

— Ушбу масала энг муҳим масалалардан бири

бўлиб, университетимиз раҳбариятининг диққат марказидан ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни тураржой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, университетда кундузги таълим шаклида 1-3 босқичда таҳсил олаётган 3 минг 712 нафар талаба учун 27 нафар тьютор ишга қабул қилинди. Улар ҳар бир талабабининг ўқиши ва яшаш шароити билан яқиндан танишиб, ўзларининг зарур маслаҳати ва амалий кўмагини бера бошлади. Дейлик, 2021 йилда кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 1875 нафар йигит-қиз талабалар тураржойида яшаган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 2166 нафарга етди. Негаки, ижара шароитидаги ўқиши ва яшаш шароити талабга жавоб бермайди, деб ҳисобланган йигит-қизларнинг маълум қисми қайтариб олиб келинди ва 20 нафарининг ижара пуллари бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди.

Шунингдек, талабаларни турар жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш мақсадида, давлат хусусий-шериклик асосида, 2023 ва 2025 йилда 800 ўринга мўлжалланган 2 та талабалар турар жойларини қуриш режалаштирилган.

**— Фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини инобатга олган ҳолда, улар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Университетда йил давомида олиб борилган илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишлар натижасида профессор-ўқитувчilar томонидан 55 та монография, 12 та ихтирога патент, 20 дан ортиқ электрон дастурларга патент гувоҳномалари, 25 та ишланманинг амалиётга татбиқи бўйича далолатнома олинди. Докторантурага кириш имтиҳонларини адолатли ва шаффоғ ўтказиш тизими яратилиб, уларнинг чет тилларини билиш даражасини TOEFL тизими орқали аниқлаш йўлга қўйилди.

Шунингдек, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг малакавий амалиётларини етакчи корхона, ташкилот ва қишлоқ хўжалиги кластерларида сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда, аграр соҳадаги кластерларрўйхати шакллантирилиб, улар билан университетдаги 18 та мутахассислик бўйича кафедралар томонидан 136 та ҳамкорлик шартномалари тузилган. Шундан, 33 таси илмий-тадқиқот муассасалари, 89 та ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, 14 таси қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кластерларни ташкил этади. Давлат илмий-техник дастурлари доирасида 18 та



мавзуга оид аграр соҳанинг устувор йўналишлари бўйича илмий лойиҳалар амалиётга изчил жорий этилмоқда. 2022 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги қарорига асосан муассасамиз молиявий мустақилликка ўтказилди. Ҳозирда талабалар тураржойлари ва ўқув биноларини доимий равишда иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида, қиймати 14,8 млрд. сўмга тенг бўлган 7 та замонавий қозонхона ва 4 та ер остидан сув чиқариш иншоотини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

2021 йил университетимизда илмий изланиш олиб борган 18 нафар тадқиқотчи, жумладан 4 нафар DSc ва 14 нафар PhD диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Жумладан, 4 нафар таянч докторант (А.Норкулов, Ж.Эшонкулов, Н.Рустамов, И.Дусбоеев) ва 1 нафар мустақил-тадқиқотчи (А.Ботирова) муддатидан олдин ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлишди.

Ўтган йил давомида олиб борилган илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишлар натижасида, профессор-ўқитувчилар томонидан 55 та монография, 12 та ихтиро учун патент, 20 дан ортиқ электрон дастурларга патент гувоҳномалари, 25 та ишланманинг амалиётга татбиқи бўйича далолатнома олинди. Шунингдек, улар томонидан илмий изланишларнинг натижалари Scopus халқаро маълумотлар базасидаги 177 та индексланган журналда, 510 дан ортиқ хорижий илмий нашрда, 700 дан ортиқ OAK тасарруфидаги журнал ва 850 дан ортиқ маҳаллий конференция материалларида, 2800 дан ортиқ халқаро хорижий конференцияларда кенг омма эътиборига ҳавола этилди. Мазкур чоп этилган мақолалардан келтирилган иқтибосларнинг умумий сони университет бўйича 6452 тани ташкил этади.

Абдулатторов Бахтиёржон Абдуғоппор ўғли 2022 йил учун Республика таянч докторантлари (PhD) ўртасида "Қишлоқ хўжалиги" йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиби бўлганлиги докторантлар учун етарли шароитлар яратиб берилаётганлигининг яққол мисоли бўла олади.

— Тошкент давлат аграр уни-верситетининг донғи яқин-узоқ хорижий давлатларга ҳам етиб

**борганлиги шуб-ҳасиз.** Шундан келиб чиқсан ҳолда, Университетнинг хорижий давлатлар-даги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳақида ҳам айтиб берсангиз.

— 2021 йилда университетимизга Туркия Сельджук университетининг ректори М.Эрсој, Литва Буюк Витовус университети қишлоқ хўжалиги академияси канцлери Астрида Мицейкене, Россия Федерацияси Астрахань давлат техника университети (АДТУ) ректори А.Невалённый бошлигидаги делегациялар ҳамда Польшанинг WSB университети вакиллари ташриф буоришиди. Ташриф давомида икки томонлама ҳамкорликни ўйлга қўйиш, қўшма таълим дастурларини жорий этиш, ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга келишиб олинди. Университетимизда халқаро молия ташки-лотлари билан ҳамкорликда қиймати 2,406 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 9 та халқаро лойиҳалар бажарилмоқда.

2021 йил 14 декабря эълон қилинган "UI GreenMetric" халқаро рейтинг натижасига кўра, Тошкент давлат аграр университети дунё бўйича 587-уринда қайд этилиб, Ўзбекистондаги З-Олий таълим муассасаси сифатида белгиланган.

— **Суҳбатимиз Наврӯзи олам байрами арафасида бўлаётганлигини инобатга олган ҳолда, журналишимиз ўқувчиларига тилакларингиз.**

— Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ёшу қари бу кунларни бирдек интиқиб кутадилар, шу кунга соғ-саломат етиб келганлари учун Яратганга шукроналар айтадилар. Мен нашр мухлисларини баҳор айёми — Наврӯз байрами билан табриклар эканман, уларга баҳт-саодат, ўқиш ва ишларида янгидан янги муваффақиятлар тилайман.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдирад эканман, таҳририятимиз номидан сизни ҳам ушбу баҳор айёми билан муборакбод этаман, Ватанимиз фаровонлиги ва юрт равнақи йўлидаги эзгу ишларингизга зафарлар тилайман.**

**Муродулла Турсунов,**  
ўз мухбиримиз.



# ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

*Раъно Турдибоева,*

*Тошкент давлат аграр университетининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, юридик фанлари номзоди, доцент.*

Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса, жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътиборда бўлган. Аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, сергайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистоннинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишининг муҳим омили эканини бугун ҳар биримиз чуқур англаб етмоғимиз лозим.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, Янги Ўзбекистонни қуриш тараққиёт стратегиясининг асосий мақсадларидан бири айнан ёшлар масалаларига қаратилган. 2022 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-92-сонли қарори ёшлар билан ишлашни тизимли ташкил этишда кўйилган салмоқли қадам бўлди. Унга кўра, ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмлари жорий этилди, улар билан ишлашнинг вертикал тизими яратилди, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида, "Ёшлар баланси"ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни "Ёшлар дафтари" ва "Ёшлар

портали" электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилишнинг аниқ йўналишлари белгиланди.

Қарор билан олий таълим муассасаларининг ёшлар масалалари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректорларига биринчи проректор мақоми берилди. Бу мақомнинг берилиши нафақат проректорлар, балки таълим муассасасида маънавий-маърифий йўналишда фаолият юритаётган барча раҳбар ва ходимларга яна ҳам кўпроқ масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 26 март куни «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор имзоланган эди. Ушбу қарор билан қуидагилар маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган: - эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш; - оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш; - аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мағкуравий иммунитетини кучайтириш; - геосиёсий ва мағкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш; - эл-юрт тақдирига лоқайдлик,

маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугун мамлакатимизда маънавий-ахлоқий масалаларга жуда катта аҳамият қаратилмоқда. Ушбу масъулиятни чукур ҳис этган ҳолда, Тошкент давлат аграр университетида маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанигина ошириш борасидаги ишлар тизимили йўлга қўйилган.

Маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишлар, ёшлар масалалари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректорлар раҳбарлигига ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, талабалар турар жойлари дирекцияси, декан ўринбосарлари, тьютор (ўргатувчи)лар ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргалиқда амалга оширилиб келинмоқда. Бунда, энг биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини амалга оширишни ташкил этиш ва қабул қилинган фармон ва қарорларни талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар орасида тарғибот қилиш ҳамда ҳар томонлама тушунтириш ишларини олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олиб борилаётган тадбирларда самардорликка эришиш мақсадида, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Ўзбекистон ёзувчилар ўюшмасининг Тошкент вилояти ҳамда Қиброй туманидаги бўлимлари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Улар билан маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, одам савdosига қарши курашиш масалаларига қаратилган мавзулар юзасидан учрашувлар, баҳс-мунозаралар, мулоқотлар, суҳбатлар, саволжавоб кечалари мунтазам равишда уюштириб

келинмоқда.

Ўтказиладиган тадбирларда ҳамкорлар томонидан тавсия этилган услуб ва воситалардан фойдаланиш билан биргалиқда ҳар бир тадбирда соҳа бўйича мутахассисларнинг бевосита иштироки таъминланыб келинмоқда. Шунингдек, раҳбар ходимлар, профессор-ўқитувчилар, ходимлар учун ҳафтада бир марта “Касбий маърифат” дарслари, талабалар учун “Ахборот соати” машғулотлари ташкил этилиб, мазкур машғулотларда улар мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар (ҳафта янгиликлари) билан таништириб борилмоқда.

Асосий мақсад ватанпарварлик, ҳалқа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган. Шундай экан, буни амалга оширишда энг асосий омиллардан бўлган университет жамоасининг одоб-ахлоқ билан боғлиқ масалалар маънавий-маърифий ишларга масъул шахсларнинг эътиборидан четда қолмайди.

2021 йил ноябрь ойида “Тошкент давлат аграр университетининг одоб-ахлоқ кодекси” қайта кўриб чиқилди, унинг айрим бўлим ва моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Янги таҳрирдаги кодекснинг мазмун-моҳияти жамоанинг барча аъзоларига тушунтирилди.

Президентнинг бешта муҳим ташабbusи доирасида университет жамоаси томонидан олиб борилаётган ишларни ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Бунга мисол тариқасида ҳар бир факультетда “Талабалар театр студиялари”, “Қувноқлар ва зукколар” жамоалари, “Мунозара” дебат клублари ташкил этилганлиги, талаба-ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантиришга қаратилган “Энг яхши китобхон”, “Тил билимдонлари” кўриктанловлари, “Мен севган адаб”, “Менинг севимли китобим”, “Мен севган асар” мавзуларида шоир ва адиллар билан учрашувлар ўтказиб келинаётганлиги, ташабbusининг 5-йўналиши “Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, талаба-қизларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, тадбиркорликка кенг жалб қилиш” бўйича талабалар турар жойларида ташкил этилган “Пазандачилик”, “Моҳир қўллар” “Каштацилик” тўгараклари фаолияти йўлга қўйилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

“Талабаларни жисмоний чиниктириш

ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш" йўналиши бўйича ҳам мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилган. Жумладан, университетда талабаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун 4 та очиқ майдон, 4 та ёпиқ зал, 1 та сузиш ҳавзаси мавжуд. Уларда талабалар шуғулланишлари учун шарт-шароитлар етарли. 17 та спорт тўгараги фаолияти йўлга қўйилган. Тўгаракларга 1800 нафардан ортиқ талабалар жалб қилинган.

Бундан ташқари, университет талабалари ўртасида гурухлараро, факультетлараро спорт мусобақалари, "Ректор қубоги" мусобақалари доимий ташкил этилиб келинмоқда. Мусобақалар ўtkaziladigan спорт майдонлари ва спорт заллари керакли жиҳозлар билан таъминланган. "Универсиада" мусобақаларига ҳам жиддий тайёргарлик олиб борилмоқда. Бу жараёнда ҳар ўкув иили давомида жами 150 дан ортиқ тадбир ва спорт мусобақалари ташкил этилиб, уларга 4800 нафардан ортиқ талабалар қамраб олинмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эрkin фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол ёшларни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, уларга ўз иқтидор ва истеъоддларини намойиш этиш учун имконият яратиш ҳамда рағбатлантириб бориш мақсадида йил давомида турли танловлар ташкил этилиб, танловларда ғолиб бўлган талабалар доимий рағбатлантириб келинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташрифи давомида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Xalқ ёзувчиси, жамоат арбоби Тўлепберген Қаипбергеновнинг ибратли ҳаёт йўли ва ижодини ёшлар орасида тарғибэтиш Тошкент давлат аграр университети жамоасига юклатилган эди. Университет жамоаси томонидан бу борада амалга ошириб келинаётган ишлар ҳам мақтовга лойиқ десак, муболага бўлмайди. Жамоа томонидан алоҳида тасдиқланган режа асосида Адиблар хиёбонида, университетда, факультетларда, талабалар

турар жойларида профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ўртасида Тўлепберген Қаипбергенов ижодига бағишлиланган турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда кўриктанловлар доимий ташкил этиб келинмоқда, ёзувчининг ҳаёти ва ижодига бағишлиланган музей ташкил этилган.

Бугунги кунда университетда биргина кундузги бўлимнинг ўзида 4561 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шундан 248 нафари ижарада, 116 нафари яқин қариндошиникида, 2258 нафари ўз уйида, 1939 нафари талабалар турар жойларида истиқомат қиласи. Ижарада яшовчи талабаларнинг яшаш шароитларидан доимий равища хабар олиб туриш, уларга яқиндан ёрдам бериш ишлари йўлга қўйилган. Мазкур масалаларга факультет деканлари масъуллиги белгиланган. Талабалар турар жойларида яшовчи талабалар учун зарур бўлган шароитлар: ошхона, ювиши хоналари, сув, электрэнергияси таъминоти бугунги кун талабларига жавоб беради. Талабаларнинг ота-оналари билан алоқалар ўрнатилган ва бу борадаги ишларга факультет деканлари раҳбарлигига декан ўринбосарлари ҳамда тьюторлар масъулият билан ёндашиб келмоқдалар.

Университетда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи маънавият ва маърифат кенгаши фаолият юритади. Кенгаш хузурида университетнинг раҳбар ходимларидан иборат таркибда мониторинг гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унда университетнинг ёшлар тарбиясига қаратилган ишларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиши ва улар асосида тизимдаги ишларнинг натижадорлигини мониторинг қилиб бориш тизими йўлга қўйилган. Мониторинг гуруҳи маҳсус ишлаб чиқилган Кенгаш йиғилишларига таҳлилий материаллар тайёрлаши белгилаб қўйилган.

Олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бериб келмоқда. Жумладан, сўнгги 3 йилда 1 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, 3 нафар талаба Ислом Каримов номидаги давлат стипендияси, 11 нафар талаба Беруний номидаги давлат стипендияси, 21 нафар талаба университет ички стипендияси соҳиби ва 2 нафар талаба "Йил талабаси" совриндори, 1 нафар талаба Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 1 нафар талаба

“Мард ўғлон” номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

1 нафар талаба “Келажак бунёдкори” медали соҳиби, 2 нафар талаба “Инновацион ғоялар етакчиси” кўкрак нишони соҳиби, 2 нафар талаба “Қишлоқ хўжалигида ёшларнинг инновацион лойиҳалари” танловида 50 млн. сўм пул мукофоти билан тақдирланган, 1 нафар талаба “Ўзбекистон аёлларининг 100 та инновацион лойиҳаси” Республика танловида “Иқтидорли қизларнинг энг истиқболли инновацион ғояси” номинацияси ғолиби бўлган, 7 нафар талаба олий таълим муассасалари талabalari ўртасида ўтказилган республика фан олимпиадасида ғолибликини қўлга киритган, 2 нафар талаба “Ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш соҳасига янгича ёндашув” мавзусидаги танловда иштирок этиб, Олий Мажлис парламенти комиссияси томонидан 110 млн. сўм пул мукофоти билан тақдирланган.

Университетда бугунги кунда маънавий-маърифий ишларнинг қамровини кенгайтириш баробарида талаба-ёшлар билан индивидуал тарзда ахлоқий тарбия ишларини амалга ошириш юзасидан аниқ тизимли чоратадбирлар белгиланган. Талаба-ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш мақсадида, махсус таъсис этилган тьюторликлавозимларигатайинланган ходимлар фаолиятини тизимли ташкил этиш ҳамда уларнинг дастлабки жараёнда ишни тизимли йўлга қўйишларида амалий услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида, 2022 йил 10-18 январь кунлари университетнинг маънавий-маърифий ишларга масъул бўлган раҳбар ва ходимларининг 53 нафари Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтида малака оширганилиги бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, декан ўринбосарлари ҳамда тьюторлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги томонидан ташкил этилган семинар-тренингларда ҳам фаол қатнашиб, ўз касбий маҳоратларини ва

билимларини ошириб келмоқдалар.

Юртимизда ёши улуғ инсонлар, меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келинади. Уларнинг ҳаётий тажрибаларидан сабоқ олиш келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларимизнинг порлок келажагини таъминлашга хизмат қиласди. Дарҳақиқат, ёшлар Ватанимиз келажагининг эгалари, ёши улуғ фахрийлар эса бугунги осуда, фаровон ва тинч ҳаёт кечиришимизга бевосита хизматлари сингган мўътабар инсонлардир.

Кексаларнинг ҳаёт даражасини, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, университетда жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятни олиб боришида, муаммоларни ўрганиш ва шу асосда тегишли таклифларни тайёрлашда, шунингдек, университет томонидан ўтказилаётган илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирларнинг амалга оширилишида уларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадида Тошкент давлат аграр университетининг Фахрийлар кенгаши тузилди. Шунингдек, хотин-қизлар масалалари маслаҳат Кенгаши таркибида ҳам фахрий профессор аёллардан иборат “Фахрийлар кенгаши” тузилди. Маънавий-маърифий соҳада университетнинг яқин истиқболдаги энг йирик лойиҳаларидан бири “Устоз-шогирд” тизимини йўлга қўйиш ва бу борадаги ишларни амалга оширишда Фахрийлар кенгаши ва жамоат ташкилотлари фаолиятидан, улар иштироқидаги “Уч авлод учрашув”ларидан кенг фойдаланишдир.

Фикрим хулосасида шуни айтмоқчиманки, ёшларнинг таълим ва тарбиясига масъул бўлган ҳар бир шахс, бу – раҳбар бўладими, отаона ёки ўқитувчи-педагог бўладими, маҳалла ёки жамоат ташкилотининг вакили бўладими, бу йўлда бепарвонликка ва хатога йўл қўйишга ҳаққи йўқ! Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, фарзандларимизнинг тарбиясини биронинг қўлига бериб қўймаймиз, уларни ўз юртининг корига ярайдиган комил инсон ва етук кадр этиб ўзимиз тарбиялаймиз!

**Таҳририятдан: журналиминг ушбу сони саҳифаланаётганда**  
**Раъно Турдибоева республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси**  
**ўринбосари этиб тайинланганлиги ҳақида хушхабар олдик. Ижодий**  
**жамоамиз ва муҳлисларимиз номидан мазкур фахрли ва масъулиятили**  
**лавозимга муносиб топилгани билан муборакбод этамиз.**



## "ТАЪЛИМНИНГ ҚУЛАШИ — МИЛЛАТНИНГ ҚУЛАШИ"

*Алишер Ташматов,*

*Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ*

*Илмий-тадқиқот ташкилотлари ассоциацияси*

*Ижрочи котиби,*

*Глобал қишлоқ ҳўжалиги илмий-тадқиқотлар форуми*

*Бошқарув Кенгашининг аъзоси,*

*иқтисад фанлари номзоди, доцент*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг б-бандида: "... молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларида қуидагилар қузатув кенгашларининг асосий ваколатлари этиб белгилансин: олий таълим муассасасининг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириши дастурини тасдиқлаш, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори ўринларидан жой олиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш" қайд этилган.**

Илм-фанни чуқур эгаллаш ва таълимтарбияга алоҳида эътибор қаратиш Исломдинининг бош мақсади ва ғояси бўлиб, Шарқда етишиб чиққан барча таниқли мутафаккирлар, алломалар, олиму уламолар илм эгаллашни ҳаётининг мазмуни ва мақсади сифатида қарашган. Албатта, бунда мадрасаларнинг ўрни ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган.

Ҳадиси шарифга назар қилсак: «Бир кун илм ўрганган 70 йил намоз ўқиганни савобига тенг». Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиласидар: “Илмдан бир боб ўрганиб тонг оттиришинг юз ракат намоз ўқишингдан афзалдир” (Имоми ибн Абдулбар Абу Зарр ривоят этган манба: [www.nasihat.uz http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/10010](http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/10010)).

Тарихимида энг буюк изланишлар олиб борилган ва кашфиётлар яратилган давр асосан,

биринчи ва иккинчи ренессанс даврига тўғри келади. Бугунги қунда эса учинчи ренессансга қадам қўйилишини, яъни мамлакатимизда илм-фан ва таълим-тарбия механизмининг янги замонавий тизимини яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, юқорида қайд этганимиздек, илм даргоҳларини ислоҳ қилишдан бошлангани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Янгиланиш, янгича фикрлаш, янгича ёндашиш, янгича дунёқараш масалалари Янги Ўзбекистоннинг бош ғоясига айланган десак муболаға бўлмайди. Шу мақсадда, илм даргоҳларининг халқаро майдонда ўз ўрнига ва нуфузига эга бўлиши, олимларнинг ўз илмий ишланма ва лойиҳалари билан қатнашиши муҳим аҳамиятга эга.

Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақасидаги олиб борилаётган улкан ишлар, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқотлар, амалиётга оид масалалар ҳам шу тарзда ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон бу йўналишда етакчи давлатлардан бири сифатида, қишлоқ ҳўжалиги илм-фани ва таълимотининг янгиланиши, илм даргоҳининг жаҳон ҳамжамиятияга мужассам кириб боришини таъминлаш йўлида, уни етакчи халқаро мингталик университетлар орасидан муносиб ўрин эгаллашига астойдил интилоқда.

Тарихга назар ташланса, Иттироқ даврида ҳам Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақасининг қишлоқ ҳўжалик тадқиқотлар маркази айнан Тошкентда бўлганлиги ва кўпгина тадқиқот ихтисослиги бўйича Илмий Кенгашлар айнан Тошкентда ўтказилганлиги

ҳам бежизга эмас.

Ўша даврда Ўзбекистоннинг иккита энг нуфузли Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институти ҳамда Тошкент қишлоқ ҳўжалиги механизацияси ва ирригацияси институтлари собиқ иттилоғнинг Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ республикалари учун мутахассислар тайёрлашда билан донг таратган ва Илмий салоҳият жиҳатидан етакчи олийгоҳлардан бири бўлган.

Жаҳон мамлакатларини ривожланиш стратегияси доирасида айрим мисолларга тўхтадиган бўлсак. Покистон ва Жанубий Корея мустақилликка эришган даврда кўпчилик Покистон тез ривожланиб кетади, деб тахмин қилганди. Сабаби, уларга Англиядан яхшигина инфратузилма қолганди, темир йўл, ишлаб чиқариш ва ҳоказо. Аммо, бугун Корея билан Покистонни солиштирганда фарқи қандайлигини ўзингиз кўриб турибсиз. Бунинг сабаби нимада, дейсизми? Сабаби, Покистон мустақилликдан сўнг, 20 йил давомида бор кучи ва иқтисодиётини текстил соҳасига қаратган, Корея эса таълим ва маданиятга сарфлаган. (<https://vseokoree.com/vse-o-koree/istoriya-korei/istoriya-korei-s-serediny-xx-do-nachala-xxi-veka. https://book.ivran.ru/f/belokrenickij-vyamoskalenko-vn--istoriya-pakistan-a-xx-vek-2008.pdf>).

Таълим соҳаси мунтазам назорат ва доимий эътиборни талаб этади. Яъни, бу соҳада муваффақиятларга эришиш таълим муассасаларидабилимли, тажрибали, қаттиқўл, баҳони талабанинг фақат билими, ўзлаштириш даражаси ва тушунчаси учун қўядиган, ҳеч қандай коррупцияга қўл урмайдиган устоз мураббийларнинг фаолият кўрсатиши билан бевосита боғлиқ. Касбнинг нуфузини, таълим сифатини талабчанлик асосида ошириш ва билимни тўғри баҳолаш тизимини назоратда тутиш, билимсизликка қарши қурашиш, баҳо қўйилишида мутлақо таниш-билишчиликка йўл қўймаслик, яъни «сиздан угина биздан бугина» таъбирида иш тутишдан воз кечиши каби принципларга оғишмай амал қилишимиз лозим. Бундай иллатлардан йироқ бўлган фарзандларимиз учун янги таълим тизимини ва муҳитини яратиш орқали миллатимиз келажагинизаифлик аломатларидан асранишимиз, ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тарбия ва ҳақиқий билим берилишига эришишимиз мумкин бўлади.

Миллатни келажагини заифлик аломатларидан асраш, ўсиб келаётган ёш авлодга тўғри тарбия ва билим беришлишини тақозо этади. Бу борада яна бир ажойиб намуна-нуфузли Жанубий Африканинг Стеллленбосс Университети биносига киришдаги ёзув эътиборингизни тортади:

"Ҳар қандай халқни йўқ қилиш атом бомбалари ёки узоқ масофали ракеталардан фойдаланишни талаб қилмайди.

Бу фақат таълим сифатини камайтириш ва талабалар томонидан имтиҳонларни алдаш муаммосини ҳал килишни талаб қиласди.

Беморлар бундай шифокорлар қўлида вафот этади.

Бинолар бундай муҳандисларнинг қўлида йўқ қилинади.

Пул бундай иқтисодчилар ва бухгалтерларнинг қўлида йўқолади.

Адолат бундай хукуқшунослар ва судялар қўлида йўқолади.

"Таълимнинг қулаши-миллатнинг қулаши" (<https://www.inpearls.ru/1263879>).

Маълумки, халқаро университетлар рейтингининг мингталигига киритилишида университет нуфузи, салоҳияти, ундаги таълим, илм-фан йўналишларидаги талаб ва тартибларнинг жавоб бериш даражаси ва бошقا қатор талабларнинг бажарилиши баҳолаш баллари асосида белгиланади.

Баҳолаш мезонлари баллар йигиндисидан иборат бўлган умумий яқуний жамланма йигиндидан олинади ва бу йигинди қатор шарт ва талаблар бажарилишини баҳолаш билан жамланади. Жумладан, жамичетэллик талабалар ва тадқиқотчиларнинг иштироки, ўқув, илмий ҳамда экстеншн фаолият жараёнларидаги натижаларнинг баллари бирма-бир ҳисобга олиш градацияси билан ўлчаб борилади ва яқуний натижага киритилади.

Рақобатбардошлиқ, тенг хукуқлилик, ҳалоллик, шаффоғлиқ ва долзарблиқ муҳитига жавоб бериш, жамоанинг мустақил фикрлаш ва муҳитнинг демократик тамойилларга асосланганлик даражаси, ўқитувчиларнинг билим савияси, таълим жараёнига етук малакали ўқитувчиларнинг жалб қилинганлик ҳолати, уларнинг рейтинг талабларига жавоб бериш мезонларини бажариши каби сифатлари олинади ва шу асосда белгиланади.

Бу талабларга жавоб бериши ўз-ўзидан университетни таълим илм-фан ва

---

экстенши соҳаларида эришаётган ютуқлари кўрсаткичларига ва уларни ривожлантиришдаги ҳолатига баҳо бўлиб, бошқа етук ўкув илмий муассасалар орасидаги ўрнини аниқлаб беради. Шунинг учун ҳам айнан шу жиҳатуни университетни касбларга йўналтириш механизмининг бажарилишида алоҳида ўрин тутади ва аграр соҳанинг жозибадорлик даражасини оширишда катта омил бўлиб хизмат қиласди.

Аграр таълимда илм-фан ва амалиётнинг узвий тизимини яратиш унинг амалга ошириш механизмини жорий этиш орқали эришилади. Бу механизм эса, ўз навбатида ўкув ва илмий-тадқиқот жараёнларини ягона тизимда, бир тартибда олиб бориш асосида яратилади.

Ўкув ва илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ қилиниши, эришилган натижаларнинг нуфузли халқаро илмий нашрларда чоп этилиши, университет фаолиятининг халқаро стандартларга тўлақонли жавоб бера олишига имкон яратади.

Албатта, бунда университет моддий-техник базасининг ҳолати, таълим ва илмий фаолият учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги қанчалик муҳим ўрин тутса, профессор-ўқитувчилар билим савиясининг давр талабига жавоб берадиган долзарб муаммо ва масалаларни еча олиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фандаги ўзгариш ва талабларни билиш ва янги услубий ёндашувларни қўллай олиш даражаси, мавжуд адабиётлардан тўлиқ фойдалана олишлик ва уларни иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитни асраш билан узвий боғлиқлик асосида олиб борилиши ундаги муаммоларни ҳал қилинишига қаратилганлик даражаси, унинг ўрни, билим савиясинининг етарлилиги, нуфузли халқаро илмий-тадқиқот муассасалари билан алоқадорлик даражаси ҳам профессор-ўқитувчиларга қўйиладиган муҳим талаблардан ҳисобланади.

Миллий ва хорижий тадқиқотлар билан мувофиқлаштирилган илмий мавзуларнинг университет, факультет ва кафедралараро тартибда белгиланганлиги, докторантлар, магистрантлар ва бакалаврларнинг илмий ишлар мавзулари малакали профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида бажарилиши аниқ тақсимланганлиги ва дастлабки жараён, курс ишлари ва илмий реферат ва эсселарини бажарилишида, жумладан 4-3-2-босқичлардаги илмий мавзулар барча

жараёнлар иштирокчилари ва масъуллари учун аниқ белгилаб берилганлиги кўрсатилганлиги, фойдаланилган адабиётлар, тажриба ва амалиёт ҳисоботларида акс эттирилганлиги ва уларни электрон шаклларида кафедра, факультет ва университет электрон базаларида жойлаштирилиши ва уларни ягона электрон базасини ташкил қилиниши ҳамда бу жараёнларнинг шаффоғлиги рақамлаштириш орқали таъминланилиши талаб этилади.

Бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг тақдимномалари ва уларни натижалари бўйича олинган патент, сертификат ҳамда татбиқ этилиши бўйича маълумотномалар, ҳисоботлар ҳам шу тартибда мунтазам бажарилиши ва уларни натижалари халқаро ва миллий илмий нашрларда, журналлар, илмий конференция мақолалари тўпламларида чоп этилиши таъминланади. Ҳар йили босма равища, инновация илмий лойиҳалар каталоглари чоп этилиши ва янгиланган университет вебсайтида жойлаштирилиши ва етакчи илмий ишланмалар авторлари ва иштирокчиларининг базаси яратилиши университетнинг фан-ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш имкониятини ҳам оширади.

Талабалар томонидан бажариладиган илмий мавзулар бакалавриатни 2-босқичидан бошлаб тақсимланиши, шаффоғ ва ҳар бир талабани хоҳиш-истакларига асосланган бўлиши, уларнинг илмий ишларни бажариш жараёнинг кетма-кетлиқда жалб қилиниши ҳамда бу жараённинг ҳар бир босқич амалиёт ишлари билан узвий боғланган бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Бундан ташқари, амалиёт ҳисоботларининг ҳар йили қафедра ва факультет махсус комиссиялари иштироқида қабул қилиш тартибини киритилиши орқалиқ энг қўйи жараёнидан бошланган илмий фаолият талаба учун келгусида уни илмий ишга мойиллигини ва кўнижасини шакллантириб бориши шарт.

Магистратура ва докторантурага йўлланма олиниши келгусида талаба ёшларнинг энг иқтидорлиларини танлаб олишга ва илмий ишларини давом эттиришига имконият яратиб бериши керак. Бу жараён, ўз навбатида, энг иқтидорли талаба, энг иқтидорли илмий ишланма ва энг иқтидорли мураббий каби қатор кўрик-танловлар ташкил қилинишини ҳам талаб этади.

Аграр соҳа илм-фанида замонавий илмий

мактабларнинг яратилиши, университетда илмий мұхитни яхшиланишига замин яратиб, илмий ишлар сифати ва самарадорлиги ошишини ҳамда диссертацияларнинг замон талабларига жавоб берса олишини таъминлайди.

Илмий ишларни шакллантириш ва бажаришдаги барча жараёнлар (маълумотларни түплаш, адабиётларни ўрганиш, мавзу долзарбилигини асослаш, таҳлилий маълумотларни келтириш), тадқиқотларни ўтказиш замонавий илмий услубиётга асосланган ва унга риоя этилган бажарилиши талаб этилади. Айниқса, фойдаланилган адабиётларнинг таҳлили ва маълумот базасининг яратилиши, олинган натижаларнинг умумлаштирилиб, таҳлил қилиниши ва ундаги қонуниятларнинг аниқ белгиланиши, уларда илмий асосланган хулоса ва мулоҳазаларнинг тўлиқ келтирилиши мұхим аҳамиятга эга. Хар бир тоифага мансуб тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ҳисоботлари ва дастлабки олинган натижалари бўйича ҳужжатлаштирилган маълумотлар журнallарда, баённомаларда ва дастлабки маълумот натижалари сифатида фойдаланишга асос бўлади.

Бу тартиб вертикал ва горизонтал ёндашувга асосланган бўлиши талаб этилади. Илмий мавзуларни мұхокама қилиниши ва белгиланиши хақидаги Илмий Кенгаш мажлислари баённомалари ва уларни ПДФ форматдаги тасдиқланган нусхалари университетни илмий ишлар ҳисоботлари ва тақдимот ҳужжатлар электрон базаларида жойлаштирилишини талаб этади.

Ушбу тизим барча иштирокчиларнинг фаолиятига холис баҳо бўлиб, бажарилганилмий ишларда иш улуши сифатида уларга тегишли малакавий баҳони аниқлаб беради. Шунингдек, магистрлик, докторлик диссертацияларида мавзунинг аниқ ифодаланишини таъминлайди ва илмий бўлимнинг докторантураси, магистратура ходимлари томонидан доимий назорат мониторингини олиб борища ҳамда электрон базасини шакллантиришда фойдаланиши мумкин.

Бундай базада «илмий мавзулар ва уларни бажарувчиларнинг электрон базаси», «илмий ҳисоботлар электрон базаси», «илмий мақолалар электрон базаси» ва бу йўналишлар бўйича барча фаолиятнинг олиб боришиши шундай рақамлаштирилган тартибда ташкил қилиниши ҳақида ишчи гуруҳнинг таклиф ва

хулосалари асосида Илмий Кенгаш қарори ва ректор бўйруғи қабул қилиниши орқали амалга оширилиши талаб этилади.

Иқтидорли талабаларнинг танлаб олган мавзу ва тадқиқотлари бўйича тизимли иш олиб борища, уларнинг илмий амалиётлари кафедра ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамда ушбу йўналишдаги қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, нуфузли аграр корхоналар, агрокластерлар, агрокооперация мажмуалари ҳамда энг илгор ва намунали фермер хўжаликлари билан шартномавий алоқалар ўрнатилган ҳолда ўтказилиши ташкил этилади.

Ушбу амалиёт тизимли, шаффоф ва барча иштирокчиларнинг масъуллиги ва натижавий ҳисоботлар ҳужжатлаштирилган шакллари электрон базаси тизимида олиб бориши ва доимий назорати таъминланиши ҳамда бу бўйича университетректорининг маҳсус бўйруғи ва Илмий Кенгаш қарорларида белгиланишини таъминлаш ишчи гуруҳ зиммасига юқлатилади.

Маҳсус ихтисослик фанлар дарслари маърузалари уларнинг амалий машғулот ишлари билан узвий боғланган бўлиб, замонавий билимларга, инновацион ёндашувларга ва технологияларга асосланиб олиб бориши жараёнини мукаммал ишлаб чиқишини ҳам талаб этади. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар илмий-тадқиқот ишлари ҳам шу тартиб асосида олиб бориши мұхим аҳамиятга эга. Бу тартиб талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашига, чуқур билим олиш учун бу жараёнда фаол қатнашиш кўникмаларини шакллантиришига замин яратади.

Хулоса сифатида қуйидаги АҚШ ланд гранд (аграр) университетлар тажрибасини келтириш мумкин:

қишлоқ хўжалигига биргина тупроқшунослик мисолида - тупроқшунослик фанида моделлаштириш орқали тупроқни унумдорлик даражасини аниқлаш ва шу асосда дала экинларини жойлаштириш орқали ҳамда унинг оптималлик ва самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин. Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги энг мұхим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалани тўғри ечими бутун ишлаб чиқаришнинг тақдирини ҳал қиласи. Белгиланган ҳосилдорликнинг дастурлаштирилиши унинг аниқ моделларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Мавжуд шарт-шароитларни тўғри баҳолаш, тупроқшунослик, ўсимликшунослик, мелиора-

ция, агрономия, информацион технологияни билиш ва амалда қўллай билиш иқтисодий самарадорликни аниқлашда қўл келади. Демак, бу жараёнда барча кафедра ва бўйлимларни жалб этиш орқали масалага комплекс ёндашувни ташкил қилиш зарур бўлади.

Шу билан бирга, тупроқдаги нитратлар миқдорини аниқлаш, сув билан таъминланиш ва сизот сувларини чуқурлик даражаси, тупроқни таркиби, шўрланиш даражаси ва шу каби қатор омилларни ҳисобга олиш масалаларини рақамлаштириш орқали таъминланган бўлиши айнан дала паспортини юритиш тартибига асосланиб амалга оширилади. Унда дала тарихи, ундаги барча олиб борилган агрокимёвий текширувлар ва тупроқнинг унумдорлик ҳолати, уни балл бонитети, нитратларга бойлигини таҳлиллари келтирилади. Ўлчаш услугларини энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқлаш тартибларига риоя қилишни талаб этади.

Дастурлаш асосида тупроқшунослик ва ахборот технологиялари кафедраларининг ҳамкорлик фаолияти оқибатида, орқали маъруза ва амалий машғулотларни компьютерлаштирилган тарзда олиб бориш имкониятини яратади.

Технологик хариталарда агрокимёвий таҳлиллар ёрдамида тупроқ унумдорлиги ва сизот сувларининг чуқурлиги, шўрланиш даражаси, шамол эрозияси ва нитратларга бойтилганлиги даражаси таҳлиллари асосида тузилиши, алмашлаб экиш схемаларига риоя қилиниши, томчилатиб сугориш, сувни тақсимлаш ҳамда сугориш талабларини бажаришда белгиланган миқдорларга риоя қилиш услубларини қўллаш акс этади.

Мутахассисликни тўлиқ ўзлаштиришга қаратилган барча жараёнларнинг рақамлаштириш тартибларини тўлақонли бажарилишини ўргатиш ва ўрганишга асосланган бўлиши, дарслар долзарб амалий муаммоларни ҳал қиласидан машғулотлар билан бойтилиши лозим.

АҚШнинг Колорадо давлат университетининг Агроиқтисодиёт кафедрасида олиб бориладиган «Фермер ҳўжалиги бошқаруви» фани фермер ҳўжалиги бошқаруви ҳолати тўлиқ компьютерлаштирилган катта

аудиторияда ўтказилади. Бутун дарс жараёнида талабалар амалий вазифани мустақил персонал компьютер ёрдамида бажаришади ва дастурлаштирилган масала бўйича аниқ фермер ҳўжалиги мисолида дала паспортини шакллантиришади.

Бутун жараён экиш давридан йигим-теримгача технологик харита ёрдамида ҳар бир экин тури бўйича режалаштирилиб, натижавий қўрсаткичлар олгунга қадар, барча харажатлар шу харитага асосан бажарилади. Мазкур ёндашув илмий ишларни амалиёт билан боғлиқлик даражасини белгилаб беради ва кафедраларро олимларни ҳамкорлик даражаси қанчалигини ва уларнинг илмий ишларни тўғри ташкил қилишга қаратилган экстеншн тизими билан боғлиқ равища ташкил қилинганини кўрсатади.

Ўқитувчилардан экстешн фаолияти билан ҳам шуғуланиши талаб этилади. Ушбу тажрибага асосан барча жараён бир-бири билан узвий боғлиқ "АҚШ университет экстешн тизими" кенгоммагамашхуртизим ҳисобланади. Таълим, илмий ва ишлаб чиқариш амалиёти ўртасида катта бир тизимни ташкил қиласиди. Бу тизимни татбиқ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари университет тизимида янгича ёндашувга асос бўлади.

Албатта, бу тажрибага асосан, иш ташкил этиш ҳар бир йўналишда аниқ дастурлар ишлаб чиқилишини талаб этади, қолаверса, ҳар бир иштирокчи кафедра ва фан дастурлари ушбу тартибга қатъий риоя қилиши шарт ва зарур бўлади.

**Замонавий ишлаб чиқариш амалиётида илгор кластер, кооператив ва фермер ҳўжалиги мисолида ҳамда университетнинг дала амалиёти кафедралари илмий лабораторияларидағи ишлар билан боғланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, янгича таълим ва илм-фанни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларни янада жсадаллаштирилишига олиб келади.**



# МУТАНОСИБ ОВҚАТЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

*Масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунга ўтган, 2021 йил Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинганини ёрқин мисол бўла олади. Шундан келиб чиққан ҳолда журналишимиз мухбири Турон Фанлар Академияси вице-президенти, соғлом турмуш тарзининг фаол тарғиботчиси Зафар Самандарович Искандоровга бир қатор саволлар билан мурожсаат қилди.*

— Хурматли, Зафар Самандарович, маълумки, Сиз аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга оид бир қатор китоблар, қўлланма ва мақолалар муаллифисиз. Уларда Сиз тўғри, рационал овқатланишнинг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратгансиз? Шулар ҳақида айтиб берсангиз.

— Мутаносиб овқатланиш кишининг ёшига, физиологик ривожланиш даражасига қараб индивидуал ёндашувни талаб қиласидиган асосий тамойиллардан бири хисобланади. Овқатланиш тартибига риоя этиш нафақат ҳар бир инсоннинг, балки бутун аҳолининг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлашда энг муҳим жиҳатлардан бири саналади. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асл моҳиятини ташкил этувчи овқатланиш гигиенаси қадимдан мавжуд бўлишига қарамасдан, мутаносиб овқатланиш тушунчаси пайдо бўлганига унча кўп бўлгани йўқ. Озиқ-овқат маҳсулотлари турларининг кўпайиши, озиқ-овқат саноатида ирсий ўзгартирилган технологияларнинг қўлланилиши ушбу маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шунинг учун, мутаносиб овқатланишни учта асосий ёндашувга бўламиз: баланслашган, адекват ва оптимал овқатланиш.

Баланслашган овқатланиш — кундалик сарф қилинаётган энергиянинг овқатдаги витаминларга мос бўлишини тақозо этади.

Адекват овқатланиш — соғлик учун фойдали, ҳазми енгил, умумий аҳволни яхшилаб, кайфиятни кўтарадиган таомланишга айтилади.

Оптимал овқатланиш эса овқат таркибида меъёрий ҳаёт фаолияти учун юзлаб моддалар бўлишини талаб қиласи ҳамда ёшга қараб оқсил, ёғлар ва углеводларга нисбатан эҳтиёжнинг ўзгариши билан характерланади. Масалан, кексаларда бошқаларга нисбатан талаб камайиб боради. Агар 30-40 ёшда тавсия қилинадиган калория миқдори 100% деб қабул қилинса, 41-50 ёшда 90% га, 51-60 ёшда 80% га, 61-70 ёшда 70% га, 71 ёшдан ошганлар учун 60% гача камайтириш лозим. Бунда қўпчилигимизга хос бўлган — ортиқча овқат еб қўйиш ҳамда аралаш-қуралаш ейишдан сақланиш лозим. Овқат кундалик сарф қилинаётган энергияга мос бўлиши лозим. Овқатланганда оғиздаги таомни яхшилаб чайнаш, секин, шошмасдан ейиш тавсия этилади. Чайнаш овқат ҳазм бўлишива унинг организмга тез сингишининг муҳим босқичи эканлигини унутмаслигимиз лозим.

— Овқатланиш жараёнининг муҳим омили сифатида, яна қандай тановул тартибига алоҳида эътибор бериш зарур

## **бўлади?**

— Таом тановул қилишда сув муҳим рол ўйнайди ва овқатланиш жараёнининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Унинг кундалик нормаси катта ёшдагилар учун 2-2,5 литрдан кам бўлмаслиги лозим. Сув эритувчи, организмни шлаклардан тозаловчи восита ҳисобланади. Сувни овқатдан 20 дақиқадан олдин ҳамда овқатланиб бўлгач, 20 дақиқадан кейин истеъмол қилиш тавсия этилади. Бу ошқозондаги кислоталикнинг пасайиш эҳтимоли билан боғлиқ. Унинг ҳарорати хона ҳароратига мос бўлиши тавсия этилади. Юқорида таъкидланганидек, кунига 2,5 литргача сув ичилиши лозим бўлса, эрталаб хўплаб 400 мл гача, кун давомида эса кичик хўплам билан ичиш тавсия қилинади.

**— Инсон ёши улғайган сари овқатни ҳазм қилиши қийинлашиб, иштаҳаси пасайиб боради. Шу муносабат билан нималарни тавсия қилган бўлар эдингиз?**

— Кексалар таомининг таркиби хилма хил бўлиши ва улар таркибига: ёғсиз барра мол гўшти, балиқ, сут, творог, пишлок, қора нон, дуккакли дон маҳсулотларидан тайёрланган бўтқалар, жўхори ва кунгабоқар ёғлари, турли кўкатлар ва сабзавотлар, мевалар кириши зарур. Бундан ташқари, карам, сабзи, ловия, нўхат, анжир каби клетчатка ва пектинга бой озуқалар ейиш тавсия этилади. Улар ичаклардаги ҳаракат — секреция фаолиятини ошириб, қабзиятнинг олдини олади, холестериннинг чиқиб кетишини таъминлайди ҳамда ичаклар микрофлорасини кучайтиради. Кундалик овқатланишга янги сабзавот ва мевалар, кўкатлар, цитрус мевалар, кефир, сут ва дон маҳсулотлари киритилиши витаминаларга бўлган эҳтиёжларни қондиради. Сўнгги асрда миллатимизга хос бўлган овқатланиш жараёни одатда чой ва нон ейишдан бошланади. Кейин салатлар билан биринчи ва иккинчи таомлар ейилгач, мева ҳамда ҳар хил ширинликлар ейилади. Бу нотўғридир. Бунда сабзавот ва мевалар “оғир” егуликлар ҳазм бўлишини кутиб, ошқозонда чирий ва бижғий бошлайди. Бу эса энг камида, овқат ҳазм қилишнинг бузилиши ёки овқатлангандан кейин жигилдон қайнashiiga олиб келади. Ошқозонда газларнинг пайдо бўлиши, кекириш, қорин дам бўлиши, оғиздаги тахирлик, овқатдан кейин диққатни узоқ муддат жамлай олмаслик каби ноҳушликлар ҳам содир бўлиши мумкин. Бундай нотўғри овқатланиш ҳазм

қилиш муддатини иккidan саккиз соатгacha узайтиради. Овқат ҳазм қилиш жараёни учун жуда кўп қувват сарф бўлади, бу эса тез толиқишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси асабийлик, тушкунлик, ёмон қайфият келтириб, шунингдек, вужудда заҳарли моддалар йиғилишига сабаб бўлиши мумкин. Иммун тизимини бўшаштиради, тез қаришига, жинсий майлнинг пасайиши ва жинсий лаёқатсизликка олиб келади. Қисқасини айтганда, маҳсулотлар номутаносиблиги жисмоний, ақлий ва руҳий саломатликнинг ёмонлашуви, ҳатто умрнинг қисқаришига олиб келишга қодирдир. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, озиқ-овқатларни ҳазм бўлиш муддатига қараб кетма-кетлигини танлаш зарур. Маҳсулотларни уларнинг суви камайиши тартибида еган, энг охирида суви камроқ ҳамда қуюкроқ таомларни тановул қилган маъқул. Масалан, озиқ-овқатларни ҳазм бўлиш муддатига қараб кетма-кетлигини танлаб, овқатланишдан 20 минут аввал озроқ сув, шарбат, кейин мева, тарвуз, сўнгра салат, сўнг биринчи, кейин иккинчи овқат ва охирида ёнғоқ, бодом каби егуликлардан ейиш тавсия қилинади. Маҳсулотлар ошқозонга навбати билан тушганида, овқатларнинг ҳар хил қатламларида турлича ҳазм қилиш жараёнлари содир бўлади. Ҳар битта қатлам учун ошқозон деворларидан турлича ферментлар чиқади, натижада, бутун овқат ҳазм қилиш жараёни самарадорлиги ортади. Мабодо ортиқча вазнингиз бўлса, ундан кутуласиз, озғинликдан азият чекаётган бўлсангиз, семирасиз.

**— Суҳбатимиз мавзусидан келиб чиққан ҳолда, журналхонларга қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?**

— Тўғри овқатланиш саломатлигимиз асосини ташкил этишини инобатга олган ҳолда, барчага қуйидагиларга қатъий амал қилишининг тавсия этган бўлар эдим: овқатни токи аталага айланиб суюлмагунига қадар чайнаверинг, камроқ енг; ҳар куни биттадан хом тухум сарифини ютинг. Буни ё овқатдан олдин, ё кейин ютган маъқул, бироқ зинҳор овқатланаётган чоғда эмас; бир ўтирганда тановул қилинадиган овқат турини энг кам миқдорга етказинг. Бу касал бўлмасдан ва бақувват ҳолда узоқ ва баҳтиёр умр кечириш учун зарур бўлган тўйимли моддалар билан вужудни таъминлайдиган энг кам миқдордаги сифатли таомдир.

**— Суҳбатимиз умумҳалқ “Наврӯз”**



байрами араfasида ўтаётганлигини инобатга олган ҳолда, журналимиз ўқувчиларига тилакларингиз?

— Журналхонларни Наврўзи олам билан муборакбод этар эканман, барчага соғликомонлик, мусаффо осмон ва дастурхонлари тўкин-сочин бўлишини тилайман.

— Қизиқарли ва мазмунли сұхбатингиз учун журналимиз таҳририяти номидан

миннатдорчилик билдирап эканман, Сизга ва оила аъзоларингизга баҳт-саодат, сиҳатсаломатлик, Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман. Омад доим ёр бўлсин!

**Сироғицдин Рустамов**  
сұхбатлаши.

#### **КЕТМА-КЕТ ОВҚАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ:**

1. Овқатланишни энг суюқ таомдан бошлаб, қуюқроғи билан тугалланг.
2. Овқатланаётганда ичимлик кам ичишга ҳаракат қилинг, чунки ичимликлар ошқозондаги ҳазм қилувчи ферментларни суюлтириб, ювиб юборади.
3. Сабзавотли салатларни (ёғ қўшмай) мевалардан олдин енг, шунда минерал моддалар яхши сингади.
4. Агар ҳамма қолган маҳсулотлардан аввал мевалар ейилса, ҳеч қандай нохушликлар пайдо бўлмайди.
5. Крахмалли, оқсилли ва ёғли овқатлардан кейин ҳеч қачон ширинлик еманг, шарбат ичманг ва янги ёки қуритилган қоқи меваларни истеъмол қилманг.
6. Икки-учта балиқ тури худди икки хилдаги парранда гўшти каби ўзаро мутаносиб келади. Бироқ таомларнинг турларини ҳаддан зиёд кўпайтиришдан қочиш керак.
7. Крахмалли таомлардан кейин ҳеч қачон нордон маҳсулотлар, шу жумладан, нордон меваларни еманг.
8. Мабодо бир кунда бир марта овқатлансангиз, овқатингиз яхшироқ ҳазм бўлиши учун тайёрланган сабзавот ва меваларни ейиш орасида ярим соатлик танаффус қилинг.
9. Овқат ҳазм қилишни яхшилаш ҳамда мустаҳкам соғлом бўлиш учун нимани қўшиб ейиш мумкин ёки аралаштириб бўлмаслиги баён этилган маҳсулотлар мутаносиблиги тамойилларига таяниш зарур.



# ИЖТИМОЙ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

**Шавкат ДУРХОДЖАЕВ,**  
Тошкент давлат аграр университети  
Касаба уюшмасы құмитаси раиси.

Бугунги кунда **юртимизда тинчлик ва барқарорлықни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, әркинликларини ва манфаатларини таъминлаш, ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрү-әътиборини юксалтириш борасыда кенг құламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.** Айниқса, сүнгги уч йилда **сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгарды.**

Ана шу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳәтида ўз ифодасини топмоқда. Аҳолининг ҳәёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлық ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қызлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий әътибор ва ғамхүрлик күрсатишига қаратылған дастурлар самараси нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам әътироф этилаётгани буни яққол тасдиқлады. Бу борада олиб борилаётган ишларда мамлакатда энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир.

Маълумки, амалдаги "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тұғрисида"ғи қонун 1992 йил 2 июлда, яъни бундан 28 йил илгари қабул қилинган эди. 3 та боб ва 22 та моддадан иборат ушбу қонунга 2001 йил 7 декабрь, 2016 йил 28 ноябрда күшимча ва ўзgartышлар киритилган.

Очиқ айтиш керак, амалдаги қонун анча эскирган бўлиб, Мехнат кодекси, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тұғрисида"ғи, "Мехнатни муҳофаза қилиш тұғрисида"ғи, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тұғрисида"ғи қонунлар нормаларини акс эттиrmайди. Шу муносабат билан, ушбу

соҳани тартибга соладиган янги қонун ишлаб чиқиши ва қабул қилиш зарурияты юзага келди.

Шу маънода, "Касаба уюшмалари тұғрисида"ғи янги қонуннинг қабул қилиниши касаба уюшмалари фаолиятидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди десак, янгилишмаган бўламиз. Фуқароларнинг касаба уюшмалари га бирлашиш ҳуқуқини таъминлашга, шунингдек, касаба уюшмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ушбу ҳужжат Тошкент давлат аграр университетида ҳам ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишини кучайтиришда катта роль ўйнамоқда.

Тошкент давлат аграр университетида 7 та факультет ва 1 та техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими мавжуд бўлиб, ҳар бир факультет ва бўлимдан бир нафардан касаба уюшмаси цех ташкилотчилари сайланган. Университет касаба уюшмаси Қўмитаси аъзолари сони 9 нафардан иборат бўлиб, асосий штат бирлигига уч нафар ходим ҳисобланади. Қолган қўмита аъзолари жамоатчилик асосида фаолият олиб боради.

Айни вақтда, ушбу таълим муассасасида 2019 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи ходим фаолият юритаётган бўлса, шундан 2018 нафари касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинган. Уларнинг 540 нафарини хотин-қызлар ташкил этади. 138 нафари фахрий нафақа ёшидаги ишчи-ходим ҳамда профессор-ўқитувчилар, 104 нафари эса университетда узоқ йиллар меҳнат қилиб, нафақа ёшида уйида ўтирган нуронийлар ҳисобланади.

Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда 2021 йил – "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилиниши муносабати билан тасдиқланган қўмита иш-режаси доирасида



иш берувчи билан тузилган ва қабул қилингандык жамоа шартномалари орқали 7 нафар пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишиларидан аввал университет касаба уюшмаси ва иш берувчи томонидан моддий рағбатлантирилди.

2 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан эсадалик совғалари берилди. 1 нафар ишламайдиган пенсионерга (корхоналарнинг собиқ ходимларига) давлат мукофоти билан тақдирлаш мақсадида, тавсиянома берилди. Икки ўшдан уч ўшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 48 нафар ёш онага 366 660 000 сўмлик таътил пуллари берилди.

Тўй маросимлари учун 31 та ишчи-ходимга 42 664 335 сўм, дағн маросимлари учун 18 та ишчи-ходимга 29 409 300 сўм, соғлиги ва оиласи шароити оғир 179 та ишчи-ходимга 289 210 079 сўм, жами 361 000 000 сўм миқдорида моддий ёрдам пули берилди. 2021 йил давомида барча ишчи-ходимлар жами 3 773 919 238 сўм миқдорида моддий рағбатлантирилди.

Касаба уюшмаси кўмитаси университетда маънавий-маърифий ишларнинг ташкиллашиб тирилишига ҳам катта ҳисса кўшиб келмоқда. Кўмита томонидан байрам тадбирлари, спорт мусобақалари, турли учрашуввадаврасуҳбатлари юқори савияда ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020

йил 24 январдаги “Жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғриси”даги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон фармони асосида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасаларида талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчилар фаолияти учун кўшимча шароитлар яратиш, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг илгари сурган “5 та ташаббус”ни амалиётда татбиқ этиш мақсадида, 2021 йил май ойида талаба-ёшлар ҳамда тумандаги уюшмаган ёшлар ўртасида “Соғлом ҳаёт сари катта қадам!” шиори остида ёшлар ҳафталиги таш-кил этилди. З кун давомида университет талаба-ёшлари ҳамда маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар, раҳбарлар билан биргаликда “Заковат” интеллектуал ўйини ва 5 та (велоспорт, югуриш, шахмат, стол тениси, бадминтон) спорт турдаги мусобақаларда кураш олиб бордилар. Мусобақаларнинг сўнгги натижаларига кўра, ютуқни қўлга киритган иштирокчиларни тақдирлаш “Ёшлар оқшоми” очилиш маросими доирасида тантанали равиша концерт дастури бўлиб ўтди. Ишчи-ходимлар ўртасида “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик” мавзусида,

---

“Соғлиқ учун курашмоқ керак!” шиори остида “РЕКТОР КУБОГИ” катта футбол мусобақаси ўтказилди. “9 май — Хотира ва қадрлаш” ҳамда 13 май — Рамазон ҳайити кунлари муносабати билан университет жамоаси томонидан университетда кўп йиллар самарали меҳнат қилган ёши улуғустозлар ҳолидан хабар олинди. 1 июнь — “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш” куни муносабати билан “Болаларга беринг дунёни” мавзусида ҳамда “Дунё шодлиги сизга бўлсин, болалар” шиори остида байрам тадбири ўтказилди.

1 октябрь — “Ўқитувчи ва мураббийлар” куни байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида, Касаба уюшмаси қўмитасининг молиявий имкониятидан келиб чиқсан ҳолда, университетда фаол ишлаб келаётган, фидокор, жонқуяр, меҳнаткаш профессор-ўқитувчиларни тақдирлаш мақсадида, “Устозларни қадрлаймиз” мавзусида байрам тадбири ўтказилди. Байрам тадбирини юқори савияда, кўтаринки руҳда нишонлаш мақсадида, Тошкент шаҳридаги театр маъмурияти билан ҳисоб-қитоб шартномасига мувофиқ университетда кўчма театр намойиши ўтказилди.

Иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан бири бўлган туризмга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, университет касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ички туризмни ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар ташкил этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Пандемия даврида шифокорлар билан елкама-елка бир сафда ёшларга, келажак авлодга таълим-тарбия беришда фаол иштирок этиб, ташабbus кўрсатиб, фидойилик, меҳнатсеварлик билан ишлаб келаётган ғайратли шижаотли профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларнинг маданий хордиқ чиқариши учун режа асосида касаба уюшмаси қўмитаси ташабbusи билан Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида жойлашган зиёратгоҳларга, Тошкент шаҳри Юнусобод туманида жойлашган ООО “Турон палов маркази”да 40 нафар профессор-ўқитувчичи ва ишчи-ходимлар учун “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури асосида экскурсия ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 781-сонли “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари иштироқида китобхонликни кенг тарғиб этиш, уларнинг китобга бўлган қизиқишиларини ошириш, иқтидор ва салоҳиятларини қўллаб-куватлаш, шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, ишчи-ходимларнинг бўш вақтни мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташабbus доирасида “Энг яхши китобхон жамоа” кўрик-танлови ўтказилди.

Қўмита бугунги кунда олиб бораётган фаолияти билан республикада ўз ўрнига эга. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қўмита республика миқёсида ўтказилиб келинаётган турли танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Ана шундай ютуқлардан бирини 2021 йилда қўлга киритди. Яъни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар Кенгаши Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидағи ташкилотларда Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан “Инқирозни кўра билиб, тайёргарлик кўриш ва унга қарши курашиш – барқарор хавфсизлик тизимларига сармоя киритиш” шиори остида ўтказилган Республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида Меҳнат муҳофазаси бўйича “Энг яхши ташкилот” номинацияси бўйича Тошкент давлат аграр университети Касаба уюшмаси қўмитаси II даражали диплом, мукофот пули ва эсдалик совға билан тақдирланди.

**Бугунги кунда университет  
Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан  
8 марта — Халқаро хотин-қизлар  
куни ҳамда Наврӯзи олам байрамини  
кенг нишонлаш бўйича тайёргарлик  
кўрилмоқда. Фурсатдан фойда-ланиб,  
университетимизнинг барча профессор-ўқитувчи  
ва талабаларини қўшалоқ баҳор байрамлари билан муборакбод  
этаман, уларга баҳт-саодат, сиҳат-  
саломатлик, тинчлик-хотир-жамлик  
тилайман.**



## ДАРАХТ ЭКИНГ – ЎРМОННИ АСРАНГ

Ўрмонлар ҳақли равища сайёрамизнинг ўпкалари деб аталади, чунки улар ҳаётий муҳим экотизим вазифаларини бажарадилар. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Глобал Экологик Жамғарманинг “Ўзбекистон тоғ ва водий худудларида ўрмонларни барқарор бошқариш” лойиҳаси доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг Миллий ҳамкори Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳисобланади. Лойиҳа 2018 йилдан буён Сирдарё, Поп, Китоб ва Дехқонобод ўрмон хўжаликларида амалга оширилмоқда. Бунда ўрмон хўжалигини бошқариш ва ўрмон ресурсларидан фойдаланишининг шундай усулини кўллаш назарда тутилмоқдаки, унга кўра, маҳаллий аҳолига ўрмон маҳсулотларидан янада кенгроқ фойдаланиш, ўрмонларни бошқаришда бевосита иштирок этиш, ўрмон ҳосилдорлиги ва шу билан бирга, уларнинг экологик функцияси, эстетикаси ва рекреацион қимматини, биологик ва ландшафт хилмачиллигини сақлаб қолиш имкони берилади.

— Лойиҳамиз 4 йилдан буён Ўзбекистон ўрмон хўжалигидаги асосий муаммоларга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Ҳар йили ФАОнинг халқаро ва миллий экспертлари қишлоқ аҳолисининг салоҳиятини ошириш мақсадида ўкув семинарлари ўтказадилар,

уларга боғ ва дарахтзорларни ривожлантириш, доривор ва қишлоқ хўжалик экинларини етишириш бўйича илмий тавсиялар берилади, — деб қайд этди лойиҳанинг техник координатори Олимжон Каҳҳоров.

2021 йил декабрь ойида ФАО кўмагида Дехқонобод ўрмон хўжалигига деярли 13 гектар майдонда ўтинбоп дарахт плантациялари, тоғ террасалари ва уруғ ҳамда ниҳол қаламчалари ўстириладиган ниҳолхоналардан иборат лойиҳанинг кўргазмали участкалари ташкил этилди. Бунинг учун ФАО томонидан 16 минг донадан ортиқ кўчат, 5 минг дона қаламча ва 880 килограмм уруғ харид қилинди. Бу майдонда томчилатиб суғориш ишлари ҳам олиб борилди. Ушбу майдонлар ўрмон хўжалиги, инновациялар ва гендер мувозанатли барқарор ўрмон бошқарувидаги илғор тажрибаларнинг намунаси бўлиб хизмат қиласи. Шу кунларда “Экиш материаллари: лойиҳа майдонлари учун уруғлар, кўчатлар ва қаламчалар” мавзусида семинар бўлиб ўтди ва унда 100 дан ортиқ лойиҳа бенефициарлари иштирок этди. Семинар доирасида ФАО томонидан маҳаллий аҳолига ўз томорқаларида яшил майдонлар яратиш учун 4 минг тупдан ортиқ кўчатлар топширилди.

Лойиҳа доирасида фақат ўтган йилнинг ўзида жами 1220 гектар майдонда ўрмон плантациялари яратилиб, тўртта тажриба участкасига 265 мингдан ортиқ кўчат экилди.

# ОРОЛБҮЙИ АҲОЛИСИ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДА

Чорвачилик Қорақалпоғистоннинг Бўзатов тумани аҳолиси учун муҳим даромад манбаларидан биридир. Аммо шуни тан олиш керакки, ушбу ҳудуддаги қишлоқ аҳолисининг илфор технологиялар, таълим ва маслаҳат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари бирмунча чекланган. Айни пайтда, соғин сигирларни тўғри парвариш қилиш, сут маҳсулотлари олишда санитария-гиgiene меъёрларига риоя қилиш, йирик ва майдада шохли молларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш бевосита соҳанинг самарадорлигига таъсир қиласди. Маҳаллий аҳолининг ушбу муҳим масалалар бўйича билим ва қўнималарини ошириш мақсадида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқатва қишлоқхўжалиги ташкилоти (ФАО) ва Ўзбекистон «Аграр соҳа аёллари» уюшмаси билан биргаликда 25-26 январь кунлари чорвачилик бўйича тренинглар ўтказилди. Уларда 50 нафарга яқин, асосан, Бўзатов туманидаги қишлоқ аёллари ва ёшлари, ижтимоий заиф гурухлари вакиллари иштирок этишди. Тренингларда мутахассислар билан биргаликда чорвачилик касалликларининг олдини олиш, самарали озуқа рационларини яратиш, сутни уйда сақлаш ва қайта ишлаш қоидалари ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди. Ушбу ташаббус маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-куvvatланди.

Тренинглар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик Жамғармаси ҳамда ФАОнинг Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларининг иқтисодий муаммоларини ҳал этишваозиқ-овқатхавфизилигинитаъминлашга қаратилган қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Қўшма лойиҳа БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфизилиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида "траст фонди" томонидан молиялаштирилади.

— Биз қишлоқ хўжалигидаги инновацион

тажрибаларни уй хўжаликлари даражасида тарғиб қилишга, Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш учун илфор тажрибани жорий этишга интиласиз. Тренинглар давомида олинган билим ва қўнималар иштирокчиларга ўз хўжалигини янада самарали бошқариш ва кўпроқ фойда олиш имконини беради, деган умиддамиз, - дейди ФАОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринbosари Шерзод Умаров.

Шунингдек, 2022 йил 27 январь куни 25 киши иштирокида сувни тежовчи технологиялар мавзусида ҳам тренинг ташкил этилди. Тренингда аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларида томчилаб суғориш технологияларини жорий этиш, эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш тизимини аҳоли томорқаларида тўғри ишлатиш йўллари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг бошқа масалалари каби мавзулар ёритилди. Шунингдек, иштирокчилар ўз шахсий ёрдамчи хўжаликларида сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун моддий-техник ва молиявий ресурлар билан таъминлаш борасида мамлакатимизда яратилган имконият ва имтиёзлар билан таништирилди.

Аввалроқ, ушбу лойиҳа доирасида ФАО миллий ҳамкорлар билан биргаликда, Бўзатовда боғдорчилик, балиқчилик ва тупроқни муҳофаза қилувчи қишлоқ хўжалиги амалиётлари мавзулари бўйича тренинглар ўтказган эди. Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ ва Кўнғирот туманларида ҳам шундай тренинглар ўтказилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳа доирасида фермер хўжаликлари кўчатзорлар ва балиқ боқиш ҳавзаларини яратиш учун зарур ускуна ва жиҳозлар билан ҳам таъминланади. Буларнинг барчаси қишлоқ ёшлари ва хотин-қизлари даромадларини ошириш учун қулай шароитлар яратади.



## ЎЗБЕКИСТОН ЧҮЛЛАРИ МУҲОФАЗА ОСТИДА

Ўзбекистоннинг бепоён чўллари биологик хилма-хилликнинг муҳим марказлари ҳисобланади. Уларда кўплаб камёб ва йўқолиб кетиши хавфи остида турган ҳайвонлар ва қушлар турларининг ноёб яшаш жойлари, кўпайиш жойлари, миграция йўлаклари ва учиш йўллари мавжуд. CADI (Central Asian Desert Initiative) лойиҳаси ёки Марказий Осиё Чўллари бўйича Ташаббус табиий ресурслардан ҳаддан ташқари фойдаланиш ва кенг кўламли инфратузилма қурилиши туфайли бугунги кунда хавф остида қолган мўътадил минтақадаги чўлларни сақлаш ва улардан барқарор фойдаланишга йўналтирилган.

Германия хукумати томонидан молиялаштирилган CADI лойиҳаси 2016 йилдан бўён Грайфсвальд университети, Михаэл Зукков жамғармаси ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистондан ташқари Марказий Осиё чўллари бўйича ташаббуснинг мақсадли мамлакатлари Қозоғистон ва Туркманистон бўлиб, бу мамлакатлар ҳам ўзининг ноёб ландшафтлари ҳамда бой ҳайвонот оламига эга поёнсиз чўллари билан машхур.

2021 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси биносида CADI минтақавий котибияти офисининграсмий очилишмаросими бўлиб ўтди. Бундан бўён бу ерда чўлларни асраб-авайлаш, саксовул плантацияларини кенгайтириш ва трансчегаравий қўриқланадиган ҳудудлар яратиш, энг муҳими, мўътадил чўлларнинг оғир шароитида дехқончиликни ривожлантириш билан шуғулланаётган аҳолини қўллаб-

қувватлаш борасидаги муҳим вазифалар ҳал этилади.

— Янги ташкил этилган CADI минтақавий котибияти ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш, шунингдек, Марказий Осиёдаги мўътадил чўл экотизимларидан барқарор фойдаланиш бўйича CADI лойиҳасининг ишини давом эттириши ва кенгайтириши кутилмоқда. Котибият 2012 йилда Рио-де-Жанейрода қабул қилинган БМТ конвенциялари – Чўлланишга қарши курашиш Конвенцияси, Биологик хилма хилликни асраш Конвенцияси ва Иқлим ўзгариши Конвенциясига аъзо давлатлар томонидан амалга оширилишидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдиради, деган умиддамиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига CADI минтақавий котибиятини қўллаб-қувватлагани учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз, — деб таъкидлаб ўтди CADI лойиҳасининг Ўзбекистондаги миллий координатори Наримон Нишонов.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда CADI лойиҳасининг миллий котибияtlари мавжуд бўлиб, улар биохилма-хилликни сақлаш ва ушбу мамлакатларнинг мўътадил чўлларида экотизимлардан барқарор фойдаланиш бўйича муҳим вазифаларни бажармоқда.

*Гўзал Файзиева,  
БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги  
ташкилоти (FAO)нинг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси жамоатчилик билан  
алоқалар бўлими ходими*



# DOI O'ZI NIMA? UNI QANDAY OLISH MUMKIN?

## RRSA

Rus raqamli standartlashtirish agentligi (RRSA) — bu maqsadi Rossiya va MDH mamlakatlaridagi ko'plab ilmiy nashrlarni standartlashtirishga qaratilgan tashkilot. RRSA Krossref ro'yxatga olish agentligining homiy a'zosi, DataCitekonsortsium va ro'yxatga olish agentligining a'zosi hisoblanadi. RRSA tashkilotlarga raqamli obyekt identifikatorlarini (DOI) ro'yxatdan o'tkazishlari uchun DOI ning ajralmas qismi bo'lgan noyob prefiksci berish huquqiga ega. RRSA Rossiya va MDH davlatlarida DOI (Digital Object Identifier) standarti raqamli obyekt identifikatori paydo bo'lishiga hissa qo'shamdi. Tashkilotimiz DOI larni akademik raqamli ma'lumotlarga ularni tanib olish va undan iqtibos keltirishni yaxshilash uchun beradi. Ma'lumotlar RRSArepozitoriyalari va OAI ochiq kirish texnologiyasini qo'llab-quvvatlovchi bir qator global ma'lumotlar bazalariga joylashtiriladi.

## DOI NIMA?

DOI (Digital Object Identifier) - raqamli obyekt identifikatori (obyektning raqamli identifikatori, DIO iborasi ham ishlataladi) - bu tarmoqda taqdim etilgan ma'lumotlarni belgilash uchun standart. DOI - obyektning Internetdagi doimiy joylashish joyi, obyektning nomi va obyektni tavsiflovchi metama'lumotlarni belgilaydi.

## DOI NING ILMYI TADQIQOTLAR UCHUN AHAMIYATI

DOI o'zgarmaydi va maqola/tadqiqot/ma'lumotlar to'plamining eng aktual versiyasiga yo'naltiradi (hatto domen o'zgartirilgan bo'lsa ham)

- Jurnal/Ilimiy tadqiqot instituti/nashriyotning nufuzini oshirish
- Xalqaro ma'lumotlar bazalari bilan integratsiya (Scopus, WoS, EBSCO, DOAJ va boshqalar)

- Google Scholar kabi qidiruv tizimlari va ilmiy ma'lumotlar repozitoriyilari uchun ma'lumotlarning "ochiqligini" oshirish
- Maqolalar/ma'lumotlardan iqtiboslarni hisobga olish
- Altmetriklar, ORCID, ilmiy tadqiqotlar haqida ma'lumotlarini saqlash va boshqarish tizimlari (CRIS tizimlari), bibliografik menejerlar (Mendeley, Zotero) va plagiarism qidirish xizmatlari bilan integratsiya
- Dunyodagi barcha yetakchi noshirlar tomonidan qabul qilingan standart

## DOI NING FOYDALANUVCHI UCHUN AHAMIYATI

- Internetda ilmiy ma'lumotlarni tez va samarali qidirish
- Bir marta bosish orqali asl ma'lumot manbasiga o'tish
  - Internetda ma'lum bir maqola/tadqiqotning hozirgi joylashuvi kafolati
  - Adabiyotlar ro'yxatini tuzishda aniq havola
  - Ilmiy ma'lumotlarning bat afsil tavsifi.

## DOI QANDAY OBYEKT LARGA KERAK?

- Kitob, kitoblar seriyasi, alohida bob yoki kitob bo'limi
- Tadqiqot
- Jurnal, jurnalning alohida soni yoki jildi, alohida maqola, maqolalarga taqrizlar
  - Dissertatsiya
  - Konferensiylar materiallari, alohida ma'ruba
- Ilmiy hisobot
- Oldindan chop etilgan ma'lumotlar (qo'lyozma)
  - Ma'lumotlar bazasi, ma'lumotlar to'plami
  - Dasturiy ta'minot
  - Va boshqa turdag'i ilmiy nashrlar, shuningdek nashr qismlari, masalan, rasmlar, jadvallar, grafiklar

## DOI STRUKTURASI



Prefiks -bu RRSA ro'yxatga olish agentligi tomonidan mas'ul tashkilotga (masalan, nashriyotga) beriladigan noyob parametr. Suffiks -tashkilotning o'zi tomonidan belgilanadi, qoida tariqasida, jurnalning qisqartmasi va maqola ma'lumotlaridan iborat.

### DOI NI RO'YXATDAN O'TKAZISH UCHUN NIMA QILISH KERAK?

- Ro'yxatdan o'tgan ma'lumotlarda URL sahifasi bo'lishi kerak.
- Sahifaning URL manzili doimiy ravishda ochiq bo'lishi kerak.
- Agar u o'zgarsa, sahifaning URL manzili yangilanishi kerak.
- Metama'lumotlar cheklavlarsiz barcha foydalanuvchilarga taqdim etiladi. Bunday holda, to'liq matnning o'zi yoki fayl obuna ostida ochiq bo'lishi mumkin.
- Kerakli metama'lumotlar:
  1. Manba sarlavhasi (maqola yoki nashr nomi).

2. Mualliflar (olimlar, ushbu nashr mualiflari).

3. Noshir (arxivlarni saqlaydigan va tadqiqot ma'lumotlarini yetkazib beradigan tashkilot).

4. Nashr qilingan yil.

5. Bevosita DOI ning ahamiyati

6. DOI ro'yxatdan o'tkazilayotgan obyeqtning URL manzili.

### TAVSIYA ETILGAN METAMA'LUMOTLAR

1. Mavzu yoki kalit so'zlar.
2. Nashr qilingan sana.
3. Bog'liq identifikatorlar (DOI, ISSN, ISBN va boshqalar).

4. Annotatsiya yoki tavsif.

5. Geoma'lumotlar (joylashuvi va/yoki GPS koordinatalari).

6. ORCID

### IXTIYORIY METAMA'LUMOTLAR

1.Til.

2. Muqobil identifikator (Pubmed id, RSCI id va boshqalar).

3. Hajm.


4. Format.

5. Huquqlar.

6. Versiya.

7. Moliyalashtirish.

### RO'YXATDAN O'TISH JARAYONI



Интернет материаллари асосида тайёрланди

# ЯХШИЛИКШУНОС ОЛИМ, БЕНАЗИР УСТОЗ



Устоз — кекса журналист, Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг собиқ раиси Собир Курбонов ҳамда атоқли давлат ва жамоат арбоби, олимлар оқсоқоли, академик Оқил Салимов хузурида бўлиб, улар билан дийдорлашдик.

Мозийга саёҳат қиласар эканмиз, мулоқот давомида беихтиёр Оқил Умрзоқовичнинг матбуотда омма эътиборига ҳавола этилган “Она симфонияси” мақоласини эсладим... Дарҳақиқат, фарзанд неча ёшга кирса ҳам, у ота-онаси учун доимо бола бўлиб қолаверади, инсон неча ёшда бўлишидан қатъий назар, доим ўз ота-онасини қўмсайверади. Бола вояга етгунча – она унинг таянчи, ҳимоячиси, беминнат меҳр-мурувватли соябони. Бироқ, фарзанд вояга етгач, маълум сабабга кўра улардан узоқлашса, она буниям шодлик билан кутиб олади. Фарзандини мустақил инсон, ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир бўлган одам сифатида кўриб, қувонади. Она ва фарзанд ўртасидаги бундай “айрилиқ” уларнинг ўзаро муносабатига путур етказмайди, аксинча, бир-биридан куч олиб, соғинч оғушида бир-бирига муҳаббат бағишлайди. Инсоният яралибдики, ҳаёт ҳақида, ҳаёт бешиги – она ҳақида энг азиз, энг жозибали сўз айтгиси келади. Ваҳоланки, сўзниң ҳам, ҳаётниң ҳам, турмуш завқи, сурури ҳам онадан бошланади.

Она миллат таянчи, асоси. Миллат она туфайли мангу яшайди. У ҳеч қаҷон айнимайдиган, зангламайдиган олтин. Миллий қадриятлар ва ўзига хосликнинг бебаҳо гавҳари, юксак ахлоқ, эзгулик жавҳари. Авлодлар шажараси у туфайли давом этади. Миллат шаъни, орияти, фурури тимсоли. Она нафасида олам оҳангি, борлиқнинг мусиқаси мужассам, унинг илик, ёқимли сасида ҳаётбахш куч бор. Биз у орқали, фақат у орқалигина оламни кашф этамиз, унинг сирларини очамиз. Олам ичра олам бўлиб яшаймиз. Бир лаҳза бўлса-да, ундан узилолмаймиз. Ана шунда ўқтам, жасур, ботир,

*Ином Ғаззолий “Ҳамма тўғону бало-қазолар ҳаётимизни бузиш учун келмайди, уларнинг баъзилари йўлимизни тозалаш учундир” дейди. Шу маънода, кейинги йилларда кўрган-кечиргандаримиз – оғир синовлар бизни бир миллат сифатида бирлаштириди, ҳаётимизда учрайдиган бефарқлик, томир отиб кетган худбинлик каби иллатларнинг томирини қирқди, қалб-ларимизда бир-бirimизга нисбатан меҳрни парвариш этди, десам янгилишмаган бўламан”.*

*Кудратилла Рафиқов,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг  
аъзоси, сиёсатшунос*

мард ўғлонлар – учқур тулпорлар, қалби меҳрга тўла мушфиқ, меҳрибон, сувратиюсийратигўзал қизлар – шонли, шарафли, барқамол авлодни дунёга келтиришга умрини бағишлийдиган мўътабар оналар дунёга келади”.

Муаллиф мақолада истеъдодли шоира Шарифа Салимованинг она ҳақида ёзган куйидаги мисраларини тилга олган:

*Она шер қудрати унда мужассам:  
Ганим қўзин бир шаҳд ила ўяди.  
Гўдаги инграса, қалб қони билан  
Миллат жароҳатин боғлаб қўяди.  
Улуғ момоларин қутлуғ рўмоли  
Артар кўкрагида насллар доғин.  
У пок, озғин, нозик қўллари ила  
Ҳеч кимга бермайди миллат байроғин!  
Унинг алласидан уйғонар дунё:  
Миллат уйғонади, ҳалқ уйғонади.  
Асрлар қўнжисда мудраган караҳт  
Улуғ сўз уйғонар, қалб уйғонади.  
У гўё миллионлаб нур қуқунлари:  
Миллат дарди ила қулиб қўяди.  
У эркни падардек, оғадек суйиб,  
Жонида гўдакдек олиб юради.  
У – она, у – сабр, у – ишқ, у – вафо,  
У – табиб, у – ҳабиб, у – бутун баҳтдир,  
Аёл уйғонмаса, уйғонмас миллат,  
У тўрт фасл гуллаб турган дараҳтдир!”.*

Икки оқсоқол суҳбатлашар экан, юқорида баён этилганлар кўнглимдан ўтди. Оқил Умрзоқовичнинг “Она симфонияси” менга болалигини эслаган, кекса донишманднинг оналар ҳақида ёзган қасидасидек туюлди.

Етук олим, давлат арбоби,ベンазир устоз, эл-юрт, ота-онасининг дуосини олган ватандошимиз – Оқил Умрзоқович сингари инсонлар баҳтимизга доимо омон бўлсинлар!

*Носир Тоиров,  
сиёсатшунос*



## COLEOPTERAN (COLEOPTERA) ON THE ELM (ULMUS) TREES, SELECTION OF EFFECTIVE INSECTICIDES IN THEIR QUANTITY CONTROL AND ASSESSMENT OF THEIR EFFECTIVENESS

**Farukh Yakubov,**

Scientific researcher Department of Plant Protection,  
Tashkent State Agrarian University, Tashkent, Uzbekistan

**Abstract.** According to the results of the study, the results of the occurrence of Coleopterans (Coleoptera) species in the Elm tree (*Ulmus*) and their harmfulness are presented. In the Khorezm region of the republic, rare and many species of Elm trees were planted which turned out to be heavily infested with coleopteran pests. Studies have shown that Elm tree is infested by 15 species of coleopteran pests belonging to 4 families. Among the coleopteran pests were identified insects belonging to the family Chrysomelidae, Scolytidae, Buprestidae, Cerambycidae. The elm leaf beetle (*Pyrrhalta luteola* L.) has been listed as a species that is highly destructive and has a high population. Effective chemicals have been tested to combat it effectively and quickly. Of the 14 types of chemicals affected that 7 types (Bagira 20% water-soluble concentrate., Indox 15% suspension concentrate., Atilla 5% emulsion concentrate., Match 5% oil-suspension concentrate, Prokleym 5% water-soluble granules, Dva-trin 10% emulsion concentrate., Agrofos-D 55% emulsion concentrate) of chemicals were found to be highly sensitive to larvae and beetles of the elm leaf beetle. The developmental stages of larval death were mainly larvae aged 1–3 years with low susceptibility to adults (4–5).

**Key words.** *Ulmus*, pest, coleoptera, species, systematic analysis, harmfulness level, population quantity, biological properties, elm leaf beetle, chemicals, toxicity level, biological efficiency.

Терехин, Ярош ва б.) ҳамда тадқиқот давомида доривор годжи кўчатларининг фенологик кузатув ишлари, уруғнинг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланиши ўз вақтида дастур асосида кузатувлар олиб борилди ва дала дафтарларига қайд қилиб борилди. Тадқиқот ишлари 2021 йилда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг “Дархон” илмий-тажриба станцияси майдонларида ўтказилди. Тажриба майдонининг тупроқлари типик бўз тупроқлар бўлиб, еrosti сувлари 16-18 метрда жойлашган [3, 4, 5]

**Уруғидан кўпайтириш.** Жуда тез кўпаювчи доривор годжи ўсимлигини кўпайтиришда икки хил усулдан фойдаланиш мумкин: уруғдан ва қаламчалардан. Биз иkkala усулдан ҳам фойдаландик. Ушбу мақоламизда уруғдан кўпайтириш устида олиб борган тадқиқотларимизга тўхталиб ўтамиз. Итузумдошлар оиласига кирувчи кўп йиллик бута.



**1-расм.** Уруғидан кўпайтирилган годжи кўчатлари

Меваси қизғиш сариқ-қизил, майда, овалсимон, кузнинг ўрталарида оч сарғиши бўлиб пишади, яхши етилиб пишганда қизғиш-сариқ тусга ўзгаради. Годжи доривор ўсимлигининг кўчатларини кўпайтиришдаги илмий тадқиқотларимизнинг дастлабки

босқичи натижаларига кўра, бу ўсимликни уруғдан кўпайтириш жуда осон эканлиги маълум бўлди.

Уруғдан кўпайтиришда нав ўзининг хосса хусусиятларини сақлаб қолмаса-да, ўрмон ташкил қилишда уруғдан кўпайтириш энг

мақбул усул эканлиги тадқиқот жараёнида маълум бўлди. Бундан ташқари, ўрмон хўжалигининг тоғолди ҳудудларида сув эрозиясининг ва тупроқ кўчишининг олдини олишда фойдаланиш мумкин ва, шу билан биргаликда, доривор годжи мевасини териб олиш мумкин.

Лаборатория шароитида 1000 дона уруғининг оғирлиги ўлчангандা, ўртacha 0,07гр. ни ташкил қилди ва унинг лаборатория шароитида унувчанлиги аниқланганда, 55% эканлиги аниқланади.



### 3-расм. Кўп йиллик доривор годжи ҳосили.

Доривор годжи экинини 4 та вариантда 4 хил тупроқ шароитида уруғдан кўпайтириш устида тадқиқотлар олиб бордик. 1-вариантда табиий шароитдаги тупроққа уруғлар сепилиб, ургунинг унувчанлиги аниқланди. 2-вариантда эса биогумус 70% ва тупроқ 30% аралаштириб, уруғларнинг экиб унувчанлиги аниқланди. 3-вариантда ёғоч қипиғи 60%, тупроқ 40% аралаштириб экилди.

4-вариантда биогумус 60%, кум ва тупроқ 20% аралаштирилиб экилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, годжи ўсимлиги уруғлари 24 соат давомида стратификация қилиниб, очик дала шароитига уруғлар экилгандан кейин 7-8 кунда униб чиқиши 50-60% бўлганлиги аниқланди.

Доривор годжи уруғларини экиш учун пол олинниб, уруғи қўлда барча варианtlарга 205 гр. дан яхши саралаб олинган годжи уруғи сепилди. 1-вариантнинг майдони 6 м<sup>2</sup> бўлиб, шундан 1 м<sup>2</sup> майдондан 131 дона годжи ниҳоллари ундириб олинди. 2-вариантнинг майдони ҳам 6 м<sup>2</sup> бўлиб, бу вариантда эса 1 м<sup>2</sup> майдондан 233 дона годжи ниҳоли ундириб олинди. 3-вариантда энг кам годжи кўчати ундириб олинди. Бу вариантизмнинг майдони ҳам 6 м<sup>2</sup> бўлиб, 1 м<sup>2</sup> майдондан 74 дона годжи ниҳоли ундириб олинди. 4-вариантда биогумус, кум ва тупроқ аралашмасида ҳамда годжи уруғларини бир ҳафта давомида стратификация жараёнини уташи, шу билан биргаликда, годжи уруғининг униб чиқишига қулагай шароит бўлганлиги учун 6 м<sup>2</sup> майдоннинг ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонидан ўртacha 274 дона годжи ниҳолчалари ундириб олинди. Доривор годжи ўсимлигини уруғдан кўпайтиришда, 8 апрелда ер тайёрланиб, 9 апрель куни тажриба тизимиға асосан яхши тайёрланган тупроққа ҳар бир вариант 6 м<sup>2</sup> майдонга қўлда сочиб экилди.

### 1-жадвал

Уруғдан кўпайтирилган годжи кўчатининг мавсум бошидан мавсум охиригача бўлган ўзгаришининг фенологик кузатуви натижалари

т/р	Вариантлар	Бўйи ўртacha, см	Диаметри, мм	Барг узунлиги, см	Барг эни, см	Барг сони, дона
8.05.2021 йил						
1	Оддий дала шароитдаги тупроқ	4,66	0,89	2,82	0,5	6,3
2	Биогумус 70%, тупроқ 30%	5,44	1,01	2,95	0,5	6,2
3	Ёғоч қипиғи 60%, тупроқ 40%	3,13	0,93	2,26	0,4	4,7
4	Биогумус 60 % Кум 20 % Тупроқ 20%	11,03	1,12	4,22	0,6	13,8
04.09.2021 йил						
1	Оддий дала шароитдаги тупроқ	18,9	2,08	4,26	0,7	25,3
2	Биогумус 70%, тупроқ 30%	24,3	2,21	4,36	0,7	27,5
3	Ёғоч қипиғи 60%, тупроқ 40%	13,9	2,03	3,52	0,5	21,2
4	Биогумус 60% Кум 20%, Тупроқ 20%	45,7	2,4	4,85	0,5	45,7



Дастлабки маълумотларга кўра, годжи ўсимлиги тупроқقا ва тупроқдаги озиқ элементларига ўта талабчан эканлиги аниқланди, 8 май санасидаги фенологик кузатувларда аниқланишича, годжи ўсимлигига энг паст кўрсаткич ёғоч қипиғи 60% ва тупроқ 40% нисбатда аралаштириб экилганда 3,13 см баландликка эга бўлган бўлса, варианtlар орасида энг яхши кўрсаткич биогумус 60%, қум ва тупроқ 20% нисбатда аралаштириб экилганда, 11,03 см баландликка эга бўлди. Бу тенденция мавсум охиригача давом этди. Кузатув ишларимизда ёғоч қипиғи 60% тупроқ 40% нисбатда аралаштириб экилганда, энг кам кўрсаткич энг мақбул

вариант биогумус 60%, қум 20 % ва тупроқ 20% нисбатларда аралаштириб экилганда, годжи ниҳолларининг бўйи ва тана диаметри юқори натижа берди (1-жадвал).

**Хулоса.** Олиб борилган тадқиқотларимизнинг дастлабки йилидаги маълумотга асосан, годжи ниҳолларини ундириб олишда уруғнинг униш кучи жуда камлиги ва уруғнинг жуда кичиклигини ҳисобга олиб 7-10 кун давомида стратификация жараёнларини ўтагандан сўнг биогумус 60%, қум 20% ва тупроқ 20% аралашмаси билан 0,5-0,7 см қалинликда аралашма билан уруғ кўмилиб, лейка ёрдамида кунора суғориб турилса, яхши ва тўлиқ годжи кўчати олиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4901-сонли қарори.

2. Ахмедов Э.Т., Бердиев Э.Т. “Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси”. Тошкент-2017. -Б.126.

3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. /Б.А.Доспехов// Изд. Альянс, Москва, 2011. <https://search.rsl.ru/record/01005422754>.

4. Доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва хомашёсини тайёрлаш бўйича йўриқнома. Тошкент-2015 йил, 144 бет

5. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. В работе показаны способы ведения фенологических наблюдений в поле, приведены формы бланков и таблиц. Методические указания. - Новосибирск, Сибирское отделение, изд-во «Наука», 1974. - 155 с.

6. [https://fitomarket.ru/blog/novosti/yagody\\_godzhi\\_dlya\\_zdorovya\\_i\\_krasoty/](https://fitomarket.ru/blog/novosti/yagody_godzhi_dlya_zdorovya_i_krasoty/)

7. <https://glotr.uz/godzi-berri-godzi-mevasi-agody-godzi-dla-vasej-strojnosti->

8. <https://www.youtube.com/watch?v=Rw3mkBmdPxE>



## ЗАҲАРЛИ МОДДА — ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИГА ТАЪСИРИ

**Мирзамад Одинаев,**

қ.х.ф.ф.д. (PhD),

*mirzamad\_odinayev@mail.ru*

**Шахноза Холмухамедова,**

**Шахзода Элибоева,**

*ТошДАУ магистрантлари,*

**Аннотация.** Ушбу мақолада чорва ҳайвонлари учун кенг тарқалган озуқалардан заҳарланиш, микотоксикозлар, уларнинг этиологияси, замбуруғларга мансуб асосий токсинлар, ўсимлик ва ҳайвон организмида яшаб ўзидан токсин чиқарувчи паразит замбуруғлар, чорвачилик соҳасига микотоксинларнинг зарарли оқибатлари, микотоксикозларни ташхислаш усувлари ва амалий текшириши натижалари баён қилинган. Ушбу заҳарланиш жараёнида чорва ҳайвонларидан тайёрланган маҳсулотлар орқали чорва ҳайвонларининг ёш аъзолари ва инсонлар соғлигига салбий таъсири ҳам ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** Ҳайвонлар, микотоксинлар микотоксикозлар, токсинлар, афлотоксин, охротоксин, зеареленон, T-2 токсини, сатротоксинлар, аспергиллэз, фузариотоксикоз, стахиботриотоксикоз, ҳиди, ранги, микроскопик.

**Аннотация.** В статье описаны распространенные пищевые отравления домашнего скота, микотоксикозы, их этиология, основные грибковые токсины, самотоксичные паразитические грибы, обитающие в растениях и животных, вредное воздействие микотоксинов на домашний скот, методы диагностики микотоксикозов и результаты практических исследований. В процессе этого отравления изучается также негативное влияние животных на здоровье молодых органов и человека через продукты животного происхождения.

**Ключевые слова:** Животные, микотоксины, микотоксикозы, токсины, афлотоксин, окротоксин, зеареленон, токсин T-2, сатротоксины, аспергиллез, фузариотоксикоз, стахиботриотоксикоз, запах, цвет, микроскопия.

**Abstract.** The article describes common food poisoning in livestock, mycotoxicosis, their etiology, main fungal toxins, self-toxic parasitic fungi inhabiting plants and animals, the harmful effects of mycotoxins on animal husbandry, methods for diagnosing mycotoxicosis and the results of practical research. The negative impact of livestock products on the health of young animals and humans through animal products in the process of poisoning is also studied.

**Keywords:** Animals, mycotoxins, mycotoxicoses, toxins, aflatoxin, oxrtoxin, zearelenone, T-2 toxin, satratoxins, aspergillosis, fusariotoxicosis, stachybotriotoxicosis, smell, color, microscopy.

**Кириш.** Маълумки, ҳар бир чорвачилик хўжаликларида мўл-кўл, тўйимли ва сифатли ем-хашак базасини яратиш чорва молларидан юқори сифатли маҳсулот олишнинг гарови ҳисобланади. Ҳайвонларга бериладиган кундалик озуқалар турли тўйимли моддалар, витаминалар ва минералларга бой бўлиб, ҳайвонлар организмининг талабини қондириши, уларнинг соғлиги, ўсиши ва ривожланиши ҳамда маҳсулотлари сифатига салбий таъсир қилмаслиги лозим. Чунки, ҳайвонлар учун

бериладиган кундалик озуқалар уларнинг маҳсулдорлиги, серпуштлиги, саломатлиги, ўсиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Чорва моллари, паррандалар ва балиқлар учун мўлжалланган озуқаларни ўз вақтида белгиланган тартибда тайёрлаш, йиғишириши, ташиш, сақлаш каби тегишли технологик жараёнларни белгиланган тартибларда амалга оширмаслик, уларнинг озуқавий сифатига салбий таъсир кўрсатади. Ўсимликларни ҳимоя

---

қилиш учун мўлжалланган турли хил кимёвий моддаларни қўллаган ҳолда, ўсимликларни парваришлаб, улардан чорва моллари учун ем-хашак жамғариш орқали ёки турли озуқаларни нокулай шароитларда нотўғри сақлаш натижасида пестицидлар ёки микотоксинлар билан ифлосланишига, бу эса, ўз навбатида, ҳайвонларнинг заҳарланишига сабаб бўлади. Чорвачилик, паррандачилик хўжаликларида мавжуд озуқаларни нотўғри сақлаш натижасида ҳайвонларнинг микотоксикозлари, яъни микротоксинлардан заҳарланиш холатларига олиб келиши мумкин.

Микотоксинлар турли патоген замбуруғлар ҳаёт фаолияти маҳсулоти бўлиб, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалар, уй ҳайвонлари, шунингдек, инсонлар учун ҳам хавфли заҳар ҳисобланади. Микотоксинлар грекча *mukos* – замбуруғ, *toxikon* – заҳар сўзларидан олинган бўлиб, микроскопик мөғор замбуруғлари томонидан ишлаб чиқариладиган паст молекуляр, иккиласми метаболитлар табиатига эга бўлган токсинларга айтилади. Бу касалликлар микотоксинлар билан заарланган озуқалар омухта-ем, пичан, селос, сенаж каби озуқалар орқали чорва ҳайвонлари организмига тушиши натижасида пайдо бўлади.

Микотоксикозларга сабаб бўлувчи замбуруғлар:

Паразит замбуруғлар - ўсимлик ва ҳайвон организмида яшаб, ўзидан токсин ажратиб заарлайди. Сапрофит замбуруғлар - атроф-муҳитда кенг тарқалган бўлиб, ҳайвонларга бериладиган озуқаларни нотўғри сақлаш, озуқалардаги намлик миқдорининг меъёрдан юқори бўлиши натижасида, замбуруғлар ҳаддан зиёд кўпайиб кетади. Замбуруғларнинг бундай кескин кўпайиб кетиши натижасида, улардан ўзига хос токсинлар ажrala бошлайди, натижада, бундай озуқалар яроқсиз ҳолга келади ва уларни озуқа мақсадларида қўллаш

мумкин эмас. Замбуруғлар ва уларнинг токсинлари билан заарланган бундай озуқаларни юқори ҳароратда қиздириш орқали замбуруғлардан тозалаш мумкин, бироқ улар томонидан ажратилган токсинларни эса бу усулда йўқотиб бўлмайди.

Замбуруғларни ташқи муҳитда кўпайиб ривожланиши учун ҳарорат ва намлик энг керакли омиллардан ҳисобланади. Агарда қуруқ масса ҳолатига эга бўлган сомон, похол, пичан сингари озуқаларда намлик 16% дан кам бўлса, замбуруғлар кўпая олмайди. Аксинча, озуқалар таркибида намликнинг 16% кўп ва ҳароратнинг 15°C-37°C атрофида, оптималь ҳарорат эса 26°C - 32°C бўлиши уларнинг гуркираб ривожланишига сабаб бўлади.

Ёруғлик нури эса замбуруғларнинг кўпайиши варивожланиши учун аҳамиятсизdir.

**Микотоксинлар.** Микотоксинлар замбуруғлар томонидан ишлаб чиқарилиб, бир нечта турларга бўлинади.

**Афлотоксинлар** — поликетидлар синфига кирувчи ўта хавфли микотоксинлар гуруҳи бўлиб, *Aspergillus* замбуруғлар авлодининг *A. flavus* ва *A. parasiticus* турлари томонидан ишлаб чиқарилади. Бу замбуруғлар асосан намгарчилик юқори бўлган минтақаларда, шу жумладан, юртимизда ўсимликларнинг донларида, уруғларида ва меваларида ривожланади.

**Охратоксинлар** — микотоксинлар гуруҳи бўлиб, *Aspergillus* ва *Penicillium* авлодига мансуб замбуруғлар томонидан ажратилади. Охратоксинларнинг қўйидаги турлари мавжуд: охратоксин A, охратоксин B, охратоксин C ва охратоксин D. Улардан энг кўпроқ заҳарлиси охратоксин A ҳисобланади. Организмга тушган бу токсин мушак тўқимасида 2 ҳафта, жигарда - 3 ҳафта, буйракларда - 4 ҳафтагача сақланади.

**Зеареленон** - замбуруғларнинг *Fusarium* авлодига кирувчи *F. graminearum*, *F. tricinctum* турлари томонидан ажаратилади, резорцил

кислотасининг лактон гуруҳи қаторига кириб, анаболик ва эстроген таъсири билан таърифланади.

**T-2 токсини** - моғор замбуруғларининг *Fusarium* авлодига мансуб турлари томонидан ажратилади. T-2 токсини органик бирикма трихотеценли микотоксин бўлиб, ҳайвонлар ва одамлар учун кучли заҳар ҳисобланади. T-2 токсини иссиқ ҳароратга чидамли, унинг эриш ҳарорати 151-152°C ни ташкил этади. Заҳарланиш моғорлаган ғалла ёки уни истеъмол қилиш оқибатида юзага чиқади.

**Сатротоксинлар** (A, H ва G, роридин E, веррукарин-1 ва бошқа токсинлар) *Stachybotrys alternans* моғор замбуруғи томонидан ажратилади. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларида оғир, ўткир кечувчи стахиботриотоксикоз заҳарланиш касаллигини келтириб чиқаради. Ҳайвонлар *St. alternans* замбуруғлари билан зарарланган озуқаларни истеъмол қилиши ёки зарарланган тўшамалар орқали касалланади.

#### **Микотоксикозлар ва уларнинг ҳайвон организмига таъсири.**

Микотоксикозлар — бу қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг озуқадан заҳарланиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар гуруҳи бўлиб, бундай касалликлар ҳайвонлар организмига микроскопик замбуруғларга мансуб заҳарларнинг тушиши натижасида вужудга келади. Бунда замбуруғларнинг ўзлари ҳайвон организмидаги паразитлик қилмайди.

**Аспергиллёз.** Аспергиллёз одам ва ҳайвонларнинг *Aspergillus* авлодига мансуб замбуруғларнинг токсинларидан заҳарланиши натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳисобланади. Бронхопульмонал аспергиллёз, ноинвазив аспергиллёз ва ўпкаларнинг инвазив аспергиллёзи касалликнинг кўпроқ тарқалган шаклларидан ҳисобланади. Замбуруғ 16-30% бўлган намлиқда яхши кўпаяди ва токсин ажратади. Замбуруғ токсинлари озуқалар орқали алиментар йўл билан ҳайвон

организмига кириб, қонга сўрилади. Натижада, организмда оқсил ва нуклеин кислота синтези бузилиб, ишқорий фосфотазанинг фаоллигини ошади. Аспергиллёз касаллигини чақиравчи токсинларга ёш моллар, шу жумладан, жўжалар жуда сезгир бўлиб, катта ёшдаги бўрдоқига боқилган ҳайвонларнинг сезгирилиги эса паст бўлади.

Заҳарланган ҳайвон организмининг кўзғалувчанлиги вақтинча ошади. Мувозанат бузилиб, мускуллар қалтираши, ошқозон-ичак тизими физиологик ҳолати издан чиқади. Ич кетиши содир бўлади, юракда тахикардия кузатилади, касалланган ҳайвонда пульс ва нафас олиш сони камаяди. Бўғоз ҳайвонларда бола ташлаш ҳолати қайд қилинади.

**Охратоксикоз.** Охратоксикоз охратоксинлар билан зааралangan озуқаларнинг ҳайвонлар организмига тушиши натижасида вужудга келади. Охратоксикоз касаллиги шиллиқ пардалар яллиғланиши, иштаҳа йўқолиши билан намоён бўлиб, ҳайвон қонида оқсил, ишқорий фосфотаза, мочевина активлиги ошади. Айниқса, охратоксинлар буйракларга жиддий таъсир кўрсатади, жумладан, буйрак тўқималарининг некрозига олиб келади. Шунингдек, охратоксикоз билан касалланган бўғоз ҳайвонларда бола ташлаш ҳолати кузатилади.

**Фузариотоксикоз.** Фузариотоксикоз замбуруғларнинг *Fusarium* авлоди томонидан ажратиладиган микотоксинлар билан зарарланган озуқалар билан боқилган қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларда учрайдиган касаллик. Замбуруғлар кўпинча дала ва боғда қор тагида қолган, қуриган ўсимликлар, пичан, хашаклар, донли емишларда ривожланади ва токсин ажратади. Чорва моллари орасида яйловларда ана шу микотоксинлар билан зарарланган озуқаларни истеъмол қилиши натижасида заҳарланишлар рўй беради. Микотоксинга барча турдаги

---

ҳайвонлар, паррандалар, қушлар ва ҳаттоғи одамлар сезгирдир. Бу касаллик, асосан, кеч куз ва эрта баҳорда күпроқ учрайди. Ҳайвонларда касаллик ўткир, яримўткир, сурункали шаклларда кечади. Асосан, иштаҳа йўқолиши, ич кетиши, умумий титроқ билан намоён бўлади, нафас олиш ва юрак уриш сони ошади, мувозанат йўқолади. Агар ветеринария ёрдами кўрсатилмаса, ҳайвон нобуд бўлади.

**Стахиботриотоксикоз.** Стахиботриотоксикоз ҳайвонларнинг *Stachybotrys alternans* заҳарли замбуруғлар билан заарланган озуқаларни қабул қилиши натижасида пайдо бўлувчи оғир, юқумсиз заҳарланиш касаллиги бўлиб, геморрагик, шиллиқ пардаларининг некрози, ошқозон ичак йўли функциясининг бузилиши билан намоён бўлади.

Замбуруғлар асосан намлик миқдори меъёридан юқори даражада бўлган ҳолларда силос, сенаж, дағал хашак, сомон, похол, омухта ем, макка жўхорини зааррлаб, уларнинг сиртини қора рангга бўйяди. Касаллик отларда оғир формада кечади, табиий шароитда қорамол, кўй, эчки, чўқалар камроқ касалланади. Касалланган ҳайвонларнинг сути орқали, уларнинг сутини қабул қиласидиган ёш ҳайвонлар ҳам заҳарланади.

Токсинлар ҳайвон организмининг марказий нерв системасига таъсир кўрсатади, шиллиқ қаватларда яллиғланиш ва некроз ҳолатларини чақиради, қон қуюлишлар, бурун ва оғиздан шиллиқлар оқиши кузатилади. Ҳайвонлар озуқа қабул қилишга қийналади, иштаҳаси йўқолади, тана ҳарорати дастлабки пайтларда меъёрида бўлиб, кейинчалик кўтарилади.

#### **Лабораторияда озуқаларни микотоксинларга текшириш усуллари таҳлили.**

Шунингдек, чорва моллари, паррандалар ва балиқларни боқиш учун ишлаб чиқарилган ёки омухта ем корхоналаридан келтирилган озуқа маҳсулотлари ишлатишдан

олдин, даставвал, лаборатория текширувидан ўтказилиши керак. Давлат ветеринария хизмати тизимиға кирувчи ташхис марказларининг токсикология лабораторияларида, шунингдек, корхона ва хўжаликларнинг хусусий лабораторияларида ҳайвонлар озуқасини органолептиқ, микроскопик, микологик, биологик усулларда текшириш йўлга қўйилган бўлиши шарт.

**Органолептиқ усул.** Даствлаб озуқаларнинг барча тўри кўздан кечирилади ва уларни сақлаш шароити ўрганилади, сўнgra лаборатория текширишлари учун алоҳида намуналар дастлабки ҳамда ўртача намуналар сифатида танлаб олинади. Намуналарнинг ташқи кўриниши, консистенцияси, намлиги, сочиувчанлиги кўздан кечирилади. Озуқа маҳсулотлари органолептиқ усулда текширилганда, уларнинг ҳиди ва рангига алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳиди — текшириладиган озуқадан 20 гр намуна олиниб, чинни (фарфор) идишга солиниб, устидан 60-70°C сув қуйилади. Сўнgra 2-3 дақиқа ўтгач, сув тўкиб ташланиб, ҳидлаб кўрилади. Агар намунада айниган, чириган, мөғор ҳиди бўлса, унда замбуруғ борлиги тахмин қилинади.

Ранги — куруқ озуқа намунаси оқ қоғозга солиб кўрилади. Агар намуна таркибида замбуруғ бўлса қора, унда кўк, яшил ранглар кўрилади. **Стахиботриослар** — қора, фузариумлар — хира қора рангли, баъзан пушти, қизил-қўнғир рангли, аспергилус ва пинитсилиум — яшил, кулранг, кўкимтири рангда бўлади. Ҳар доим ҳам озуқа маҳсулотларини органолептиқ усулда текшириш аниқ ташхис қўйишга имкон бермайди. Шунинг учун, намуналарни бошқа усулларда текшириш давом эттирилади.

**Микроскопик усул** — озуқа намунасида зааррланиш жойлари ёки шубҳали ўчоғлар топилганда, замбуруғли пленкалар олинади ва предмет ойнасидаги физиологик эритма ёки сув

---

томчисига аралаштирилади, ёпқич шиша билан ёпилади ва микроскоп остида қаралади. Бунда микроскоп остида замбуруғлар спорасини күриш мумкин.

**Микологик усул** — намуналарни микологик усулда текшириш учун улар тегишли озуқа мұхитларига әкиб күрилади. Замбуруғларни унли ва донли озуқалардан бирламчи ажратиб олиш учун бирламчи экмалар әкилади. Бирламчи экмалар учун одатта Чапек агарли мұхити, кейинчалик Сабуро мұхитлари ишлатилади. Замбуруғлар турлари ва хилларини дифференциация қилиш мақсадида, ҳар бир алоқида ҳолатда экма әкишнинг махсус усул ва техник приёмлари қўлланилади. Бу усул орқали озуқада айнан қандай замбуруғ борлигини, уларнинг дифференциациясини, озуқа мұхитларга әкиб улардан култура ажратиш орқали аниқ ташхис қўйиш мумкин.

**Инфузорияларда аниқлаш.** Келтирилган намунадан 20 гр тегирмонда майдалаб колбагасолинадиваустига 100 мл дистилланган сув қўйиб, 15 дақиқа чайқатилади. Сўнгра 20 дақиқа тиндирилади. Тиндирилган экстрактни фильтр қофоздан ўтказиб, махсус чуқурчали буюм ойначасига 3 томчи томизилади. Сўнгра инфузориялар авлодига мансуб парамециялар сақланаётган сувдан 3 томчи томизилади.

Микроскоп орқали парамециялар ҳолати

текширилади. Уларнинг ўлиши ёки тирик қолишига қараб токсин бор ёки йўқлиги аниқланади. Бу тезкор усул бўлиб, 3-4 соат давомида таҳлил натижаси чиқади. Бу усулнинг камчилиги хона ҳарорати паст даражада, яъни совуқ бўлганда, парамециялар караҳт ҳолатга тушади, уларнинг ҳаракати сусаяди. Микроскопда кузатилганда, бу ҳолат уларнинг ўлган ҳолатига ўхшаб кўринади. Бундай ҳолатда аниқ ташхис қўйиб бўлмайди. Шунинг учун текшириш ўтказилаётган хона ҳарорати илиқ даражада бўлиши талаб этилади.

**Хулоса.** Хавфсиз чорвачилик соҳасини ривожлантиришда, чорвачилик озиқ-овқатларини, белгиланган талаблар асосида сақлаш, намлик миқдорини стандарт талаблар бўйича 16% дан ва ҳароратнинг 150С-370С атрофида бўлишини таъминлаш лозим. Чорвачилик ҳайвонларига етиштириладиган озуқабоп ўсимликларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган турли хил кимёвий моддаларни қўллаган ҳолда ўсимликларни парваришлаб, улардан чорва моллари учун ем-хашак жамғариш орқали ёки турли озуқаларни нокулай шароитларда нотўғри сақлаш натижасида пестицидлар ёки микотоксиналар билан ифлосланишига йўл қўймаслик, бу эса, ўз навбатида, ҳайвонлар заҳарланишининг олдини олиш имкониятини яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Арестов И.Г., Толкач Н.Г. Ветеринарная токсикология. - Минск "Ураджай", 2000. – 344 с.
2. Антонов Б.Й., Федотова В.И., Сухая И.А. Лабораторные исследования в ветеринарии. Под ред. Антонова Б.И.М.: Агропромиздат, 1989. 319 с.
3. Жуленко В.Н., Рабинович М.И., Таланов Г.А. Ветеринарная токсикология. М.: Колос, 2001.
4. Ветеринарная токсикология / В.Н. Белявский // Учебно-методическое пособие к проведению лабораторно-практических занятий. – Гродно, 2006. -80 с.
5. Вильнер А.М. Кормовые отравления. Л.: Колос. 1974. – 408 с.
6. Гусынин И.А. Токсикология ядовитых растений. Л.: Сельхозгиз. 1962. – 624 с.
7. Кондрахин, И.П. Справочник ветеринарного терапевта и токсиколог: справочник / И.П. Кондрахин, В.И. Левченко, Г.А. Таланов; под редакцией проф. И.П. Кондрахина. – М.: Колос С, 2005. – 544 с.
8. Котик А., Труфанов О. В., Труфанова В. А. Словарь токсикологических терминов, Харьков: НТМТ, 2006.— 100 с.

# СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚНИНГ СУВ ЎТКАЗУВЧАНИЛИГИ

**Нормамат Намозов,**

*ТошДАУ Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти, қ.х.ф.ф.д. (PhD),*

**Сардор Хасанов,**

*ТошДАУ Умумий дехқончилик, пахтачилик кафедрасининг таянч докторанти,*

**Кувондиқ Гулимов,**

*ТошДАУ Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси*

*Агротупроқшунослик ва агрофизика (тупроқ агрофизикаси) мутахассислиги 2-босқич  
магистранти*

**Аннотация.** Мақолада суғориладиган типик бўз тупроқларнинг 15 минутдаги ўртacha сув сарғи ва умумий сув ўтказувчанлик миқдорларини 0-158 см қатлам чуқурлигида аниқланганлиги ҳақида маълумот берилган.

**Таянч сўзлар:** типик бўз тупроқ, қатлам чуқурлиги, сув ўтказувчанлик, см<sup>3</sup>, см/соат.

**Аннотация.** В статье приведены сведения о среднем расходе воды и общая водопроницаемость за 15 минут, определённые при орошении типичных сероземов при глубине слоя 0–158 см.

**Ключевые слова:** типичный серозем, мощность слоя, водопроницаемость, см<sup>3</sup>, см/ч.

**Annotation.** Typical gray soils irrigated in the article it was reported that the average water consumption and total water permeability per 15 minutes were determined at a layer depth of 0–158 cm.

**Keywords:** typical gray soil, layer depth, water permeability, cm<sup>3</sup>, cm / h.

**Кириш.** Маълумки, тупроқнинг макро ва микроагрегатлари сувни юқори қатламлардан қабул қилиб олиб, пастки қатламларга ўтказиш хусусияти сув ўтказувчанлик деб аталади. Бу тупроқнинг муҳим физик хусусиятларидан бўлиб, тупроқ қатламларининг намланиш даражаси ва ўсимликларнинг зарур миқдорда сув билан таъминланиши айнан шу кўрсаткичга боғлиқ, деб баҳоланса тўғри бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, сув ўтказувчанлик жараёни икки босқичдан иборат бўлиб, бунда, аввало, тупроқ сувни ушлаб тўйиниши, сўнгра сувнинг пастки қисмларига силжиши, яъни фильтрация жараёни намоён бўлади.

Худуд тупроқларининг физик-кимёвий, сув-физик хоссаларини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс равишда ўрганиш бу — тупроқ унумдорлигининг алоҳида кўрсаткичлари бўйича, яъни миқдорий ўзгаришларга доир башорат қилишга имкон яратади.

Бу, ўз навбатида, тупроқ ҳолатларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришларига, тупроқлар диагностикаси, классификацияси масалаларини ҳал этишда, айниқса, тупроқлар ҳолатини яхшилашда, уларни унумдорлигини ошириш тадбирларини белгилашда кўл келади.

В.Р.Вильямс (1951) айтишича, тупроқ-

ларга асосий ишлов беришдан мақсад уни юмшатиши ва ундан кесакчали – буғдоисимон структура ҳосил қилиш, бунинг учун фақат тупроқ етилган ҳолатда ҳайдалганда эришилади. Аммо ҳайдаш билан ҳосил қилинган юмшоқ қатлам кўп вақт сақланмайди, чунки ўз оғирлиги, атмосфера ёғин-сочинлари таъсирида аста-секин ҳамда биринчи навбатда кескин тупроққа ишлов берувчи асбоблар кўлланилиши таъсирида зичлашади ёки чўкади.

С.Н.Рижов, М.В.Мухамаджоновларнинг (1968) таъкидлашича, структура ўз-ўзидан ўсимлик учун қуляй шароит яратади, аксинча, энг яхши физик шароитни ва тупроқларни ишлаб чиқариш қобилиятини, унинг зичлик қатлами, умумий ғовак тавсифини белгилайди. Бундан ташқари, тупроқнинг сув-физик хусусиятларидан унинг сув ўтказувчанлиги суғориш технологияси элементларини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан биридир.

Бинобарин, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги меъёрида бўлганда унинг намланиши зарур бўлган қатлами тез намланади ва эгатларда сув сатҳини ошириш имконияти пайдо бўлади.

Шу сабабли, сувнинг оқовага чиқиб кетиши камаяди. Шунингдек, ўқариқлар орасидаги масофани тўғри белгилаш, далани

бир текис сүфориш ва сувдан фойдаланиш коэффициентини ошириш имкони яратилади.

Таъкидлаш жоизки, маданий ҳолатига қараб, бир типга мансуб тупроқларда ҳам турли сабаблар таъсирида сув ўтказувчанлик турличи бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, тупроқقا берилган ишловлар ва қўлланилаётган турли озиқалар тупроқнинг сув ўтказувчанлигига ижобий таъсир этади.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги сувни сингдириб олиши, сўнгра тупроқ қатламларининг пастки қисмига ўтказиши билан белгиланади. Агар тупроқнинг ҳажм массаси ортиб, ғоваклиги камайса, пастки қатламларга шимилиши ҳам пасаяди.

#### Тадқиқот обьекти ва услублари.

Тадқиқотлар Тошкент вилояти Оққўргон

туманида тарқалган типик бўз тупроқларнинг агрофизиковий хоссаларига турли ишлов бериш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида дала тажрибалари ЎЗПИТИ олимлари томонидан ишлаб чиқилган “Дала тажрибаларини ўтказиши услублари” қўлланмаси (2007) ва Э.И.Зауровнинг “Дехқончиликдан лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар” қўлланмаси (1979) бўйича олиб борилган.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Бизнинг изланишларимизда тупроқнинг 0-40 см қатлам чуқурлигидан ҳар 15 дақиқа давомида сизиб ўтган сувнинг ўртача сув сарфи  $12,0 \text{ см}^3$  бўлган бўлса, умумий сув ўтказувчанлик  $13,9 \text{ см}/\text{соатни}$  ташкил этди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Типик бўз тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги

Тупроқнинг номи	Қатлам чуқурлиги, см	Найчалар нинг кесишиш сатхи, $\text{см}^2$	Сув ўтказув чанлик, $\text{см}/\text{мин}$	15 мин.даги ўртача сув сарфи ( $Q$ ) $\text{см}^3$	Сув ўтказувчанлик, ( $Q_4$ ) $\text{см}/\text{соат}$
Типик бўз	0-40	3,46	3,48	12,0	13,9
	40-70	3,46	2,34	8,1	9,37
	70-110	3,46	2,71	9,4	10,8
	110-130	3,46	2,36	8,1	9,44
	130-158	3,46	2,15	7,4	8,60

Қолган қатламларда ҳам айнан шу қонуният сақланиб қолди ва 15 дақиқадаги ўртача сувнинг сарфи  $7,4-9,4 \text{ см}^3$  бўлиб, умумий сув ўтказувчанлик  $8,60-10,8 \text{ см}/\text{соат}$  бўлганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, типик бўз тупроқларда ҳар 15 дақиқада юқори қатламлардан тупроқнинг пастки қатламларига сизиб ўтган сувнинг ўртача миқдори  $9 \text{ см}^3$  ни ташкил этган бўлса, умумий сув ўтказувчанлик ( $Q_4$ )  $0-40 \text{ см}$  қатлам чуқурлигига  $13,9 \text{ см}/\text{соат}$ ,

$70-110 \text{ см}$  қатлам чуқурлигига эса  $10,8 \text{ см}/\text{соат}$  бўлиб, бу кўрсаткич  $130-158 \text{ см}$  қатлам чуқурлигига бориб бироз камайганлиги кузатилган.

Тупроқقا сув ўтказувчанлиги жиҳатидан баҳо беришда Н.А.Качинскийнинг классификациясидан фойдаланилган ҳолда бу тупроқларнинг сув ўтказувчанлик хусусияти қониқарсиз деб топилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

- М.Ботиров, Г.Усмонхўжаева, Ш.Алишеров. Оралиқ муддатда беда парваришлишнинг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсири // “AGRO ILM” журнали. – Тошкент, 2019. -№4. 85-86-Б.
- Вильямс В.Р. Почвоведение с основами земледелия. Соч., т. VI, М., 1951, с. 423-474.
- Мансуров А. Такрорий экин турларининг тупроқ агрофизик хоссалари, ғоваклиги ва сув ўтказувчанлигига таъсири // “AGRO ILM” журнали. – Тошкент, 2012. – №1(21). 25-26-Б.
- Рыжов С.Н., Мухамеджанов М.В. – Агрономическое значение структуры и сложения почвы. Кн. «Теоретические вопросы обработки почв». Вып. 1, Л., 1968, с. 53-60.
- Тиллаев Р.Ш. Қишлоқхўжалиги экинларини самарали навбатлаб экишнинг илмий асослари // “Дехқончилик тизимида зироатлардан мўл ҳосил етиштиришнинг манба ва сув тежовчи технологиялари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. – Тошкент, 2010. 98-101-Б.



# САБЗАВОТ ХРИЗАНТЕМАСИ, УНИНГ ОЗИҚАВИЙЛИК ВА ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТИ

**Лобар Шомирова,**  
Тошкент давлат аграр университети  
Мева-сабзавот ва узумчилик кафедраси,  
сабзавотчилик ихтиносслиги таянч докторанти.

**Аннотация.** Ушбу мақолада республика аҳолиси учун нотаниш бўлган сабзавот хризантемасининг биологик хусусиятлари, озиқавийлик ҳамда дориворлик аҳамияти баён этилган.

**Таянч сўзлар.** Сабзавот хризантемаси, нав, кучли шохланувчи, етишириш, марказ, озуқавийдоривор, витаминалар, антиоксидантлар.

**Аннотация.** В данной статье описаны биологические свойства, пищевая и лечебная ценность овощной хризантемы, которая неизвестна населению республики.

**Ключевые слова.** Овощная хризантема, сорт, сильное ветвление, выращивание, центр, питание, витамины, антиоксиданты.

**Annotation.** This article describes the biological properties, nutritional and medicinal value of vegetable chrysanthemum, unknown to the population of the republic.

**Keywords.** Vegetable chrysanthemum, variety, strong branching, cultivation, center, nutritional, vitamins, antioxidants

**Кириш.** Ер юзида аҳоли сонининг ортиб бориши ер ҳамда сув захираларининг чегараланганлиги, турли хилдаги экологик муаммоларнинг келиб чиқиши озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини олдинги ўринга олиб чиқмоқда. Маълумки, мева-сабзавотлар инсон саломатлиги учун зарур бўлган витамин, фитонсидлар, микро ва макроэлементларга бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Шунингдек, улар фақат озиқ-овқат маҳсулоти бўлиб қолмай, балки кўплаб дориворлик хусусиятларига ҳам эгадир. Шунинг учун уларни "саломатлик сарчашмалари" деб ҳам аташади.

Ҳозирги вақтда сабзавотчиклик билан шуғулланувчи кўпчилик мамлакатларнинг илмий марказлари дастурида юқори озуқавийдориворлик хусусиятларига эга бўлган аҳоли учун нотаниш, ноанъанавий сабзавот экин турларини кўпайтириш бўйича йирик дастур амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда Ўзбекистонда ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Маълумки, мамлакатимизда сабзавот етишириш йилдан-йилга ортиб, ҳозирги кунда аҳоли жон бошига 250-300 кг сабзавот тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич сабзавот етиширувчи йирик мамлакатлар кўрсаткичларига тенг.

Бироқ, ҳозирги кунда республикамизда сабзавот экин турларини кўпайтириш тақозо этилмоқда, чунки бутун сабзавот экиладиган майдонлар 270 минг гектарни ташкил этса, бу майдонларда асосан 5 ёки 6 турдаги сабзавот 70-80% майдонни эгаллайди. Лекин сабзавот экин турлари жуда кўп.

Сабзавот хризантемаси биологик фаол моддаларга бой, лекин нотаниш сабзавот экин турларига киради. Сабзавот хризантемаси (*Chrysanthemum coronarium*) - Астралар оиласига мансуб, бир йиллик, ўтсимон, тез ўсадиган сабзавот ўсимлик ҳисобланиб, кучли шохланувчи пояга эга, баландлиги 1 м га етади. Ўз ватанида сабзавотли хризантема кўплаб навлар билан ифодаланади. Улар бир-бирларидан баргларининг шакли, гулларининг ранг баранглиги, гуллаш даври ва гулсаватининг катталиги билан фарқланади.

Ушбу экин тури мамлакатимизда ҳозирги кунда ўрганилмаган бўлиб, у Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида кенг тарқалгандир. Бугунги кунга келиб АҚШда тобора оммалашиб бормоқда. Япония ва Хитойда бир йиллик тожли хризантема машхур бўлиб, озиқ-овқатда, ҳамда дори воситаси сифатида кенг қўлланиладиган экин ҳисобланади. Сабзавот



хризантемасининг барглари оқсиллар, ёғлар ва углеводларни ўз ичига олади. Сабзавот хризантемаси барглари ва гуллари таркибида, иммунитетни оширувчи бета-каротин ва провитамин А нинг юқори миқдори (мос равишда 3,4-4,6 мг/%) туфайли қадрланади. Унинг таркиби В1, В2, РР, С витаминалари ва Са, К, Р, Fe, Na каби элементларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, хом барглари ва гуллари таркибида витамин С миқдори анча юқори бўлиб, 21 мг/% га етади.

Сабзавотли хризантема етиштириш, асосан, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш ва тупроқни юмшатишдан иборат. Сабзавот хризантемаси касаллик ва заарқунандаларга чидамли бўлиб, қурғоқчиликка нисбатан чидамли. Хризантема қурғоқчиликка бардош берса-да, унинг барглари дағаллашиб қолади, бу эса унинг таъми ўзгаришига олиб келади.

Қадимги Хитойда олимлар хризантемани энг қадрли ўсимликлардан бири деб ҳисоблашган, у шифобахш хусусиятлари учун жуда қадрланган.

Хризантеманинг фойдали хусусиятлари ҳақидаги энг қадимги маълумотлар гиёҳлар ҳақидаги энг қадимги рисолалардан бири Шен Нонгнинг "Илдизлар ва гиёҳлар ҳақидаги рисола"сида айтилган. Ушбу қадимий ўсимлик ҳақидаги китобда хризантема энг

яхши қаришга қарши ва ҳаётни узайтирувчи восита сифатида тасвирланган. Шунингдек, олимлар сабзавотли хризантемада инсон учун зарур бўлган биологик фаол моддалар юқори миқдорда эканлигини аниқлашди. Улардан юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва енгил лаксатиф сифатида, унинг гулбарглари ва баргларидан салат сифатида истеъмол қилишни тавсия қиласидар, бундан ташқари, сабзавот хризантемаси таркибида биоантиоксидантларни сақлайди. У овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, асаб тизимларига таъсир қиласидар. Бош оғриғи, томоқ оғриғи, кўз инфекциялари, жигар касалликлари учун ишлатилади.

Хризантема салат экини сифатида истеъмол қилинади ёки унинг таркибидаги ўзига хос аччиқ таъми, таомга ўзига хос нозик ва ёқимли ҳид беради. Хризантеманинг ёш барглари салатларга оз миқдорда қўшилади ва каттароқлари шўрвага ўзига хос таъм бериш учун қўйилади, поялари буғланади ёки қовурилиб истеъмол қилинади.

**Хулоса.** Демак, сабзавот хрезантемасини озиқавийлик ва дориворлик аҳамиятидан келиб чиқиб, уни етиштириш усулларини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Балаян С.А. «Новые овоще-зеленые-мир новых вкусов». 2001. С. 584-585.
2. Масленникова С.А Разработка технологических приёмов выращивания хризантемы овощной сорта Узорчатая в условиях центрального района Нечерноземной зоны России. (Автореф. на соис. учен. степени кан. с/х. наук).
3. Масленникова С.А. Демьянова-Рой. Актуальные проблемы науки в АПК. //Материалы 59-ой меж. научн.-прак. Конференции. Кострома КГСХА. 2008. С. 51-52.
4. Пиварова Н.П., Кононкова П.Ф., Никульшин В.П. «Овощи-новинки на вашем столе». Москва 1995 г. С. 96-99.
5. [www.sotki.ru](http://www.sotki.ru) (komm@sotki.ru)
6. <http://www.florets.ru/>

# КЛАСТЕРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Эркин Ботиров,**

Тошкент давлат аграр университети,  
“Агроиқтисодиёт ва туризм” кафедраси доценти, и.ф.н.

**Аннотация.** Ушбу мақолада аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида мева-сабзавотчиликни молиялаштиришнинг замонавий тизимини яратиш орқали соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришлар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** молиялаштириш, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, аграр соҳа, агрокластер, тайёр маҳсулот, ички ва таўқи бозор.

**Аннотация.** В данной статье анализируются, проводимые экономические реформы и социальные изменения в развитии аграрного сектора путем создания современной системы финансирования плодоовощной отрасли в процессе реформирования аграрного сектора.

**Ключевые слова:** финансирование, плодоовощная продукция, аграрная сфера, агрокластер, готовая продукция, внутренний и внешний рынки.

**Annotation.** This article analyzes the ongoing economic reforms and social changes in the development of the agricultural sector through the creation of a modern system for financing the fruit and vegetable industry in the process of reforming the agricultural sector.

**Key words:** financing, fruits and vegetables, agrarian sector, agrocluster, finished products, domestic and foreign markets.

**Кириш.** Глобал миқёсда Ўзбекистонимизнинг юқори ресурс салоҳиятига эга эканлиги, қулай иқлум шароитлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларининг амалий тажрибаси мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш тармоғида устуворлик мавжудлигини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиш борасида изчил чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан боғдорчилик тармоғи хўжаликларида бошқарув тизимини яхшилаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, мева-сабзавотчиликда кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурстежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди [1].

Мева-сабзавотчилик соҳасида юқори кўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш,

фойдаланишдан чиқсан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишини кўпайтириш, шунингдек, боғ, токзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида, соҳада янгича молиялаштириш тизими жорий этилмоқда.

**Тадқиқот усуллари ва материаллар.** Илмий изланиш жараёнида республикамиизда мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш ва соҳани инновацион йўллар билан молиялаштириш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар ҳамда нисбатларни ўрганишга тизимли ва диалектик таҳлил, қиёсий ва комплекс баҳолаш, статистик ва динамик ёндашувдан, гурухлаш усулларидан фойдаланилди.

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, жамғарма маблағлари ҳисобидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этган, майдони 35 гектардан зиёд боғларда сув

чиқаришучун бурғиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини куриш мақсадида боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларига субсидиялар берилиши йўлга кўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кичик тадбиркорлик субъектларига интенсив боғлар ва иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш учун тижорат банклари кредитлари бўйича кредит суммасининг 50% игача, аммо 5 млрд. сўмдан ошмайдиган миқдордаги маблағ учун кафиллик беради.

Боғдорчиликка ихтисослаштирилган туманларда «ишлаб чиқариш - тайёрлаш - сақлаш - қайта ишлаб - қадоқлаш (тара) - ташиб - ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш» тамойили асосида занжир шакллантириши назарда тутувчи мева савдологистика марказлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, стратегик импортёр давлатлар ҳудудида улгуржи тақсимлаш марказлари қошида савдо корхоналари ташкил этилмоқда.

Кластерлар ролини кучайтириш, кооперациянинг янги механизmlарини жорий этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчиларни кенг миқёсда молиялаштириш ва қишлоқ хўжалиги хизматлари кўрсатилишини кенгайтириш мазкур тизимнинг асосини ташкил этади.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Бугунги кунда республикамизда пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда. Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан: узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали эҳтиёжманд оиласарнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд. Аҳолининг

даромад топишга қаратилган тадбиркорлик ташабbusларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда дехқон хўжаликларининг улушкини ошириш ва қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш орқали озиқовқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, ерларни ижарага бериш, кичик агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, ажратиладиган кредит маблағларини имтиёзли шартлар асосида, кулаг муддатларда, маъкул фоиз ставкаларида ҳамда молиялаштириш жараёнида янгича тизимни жорий этиш йўлга кўйилди.

Янги тизим шартларининг маълум бир қисми, яъни экин майдонларини кенгайтириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчиларга ер ажратиш тартибидағи ўзгаришлар; интенсив боғлар, узумзорлар барпо этиш, шунингдек, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва дуккакли экинлар етиштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш манбалари, ҳажми ва механизми; йигим-теримдан кейинги хизматлар кўрсатадиган корхоналарнинг молиялаштириш тартиби Президентнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавот ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида дехқон хўжаликларининг улушкини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20сон қарори билан тасдиқланган.

**Хуноса.** Олиб борилаётган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнига қуйидагиларни киритишими мумкин:

- ички ва жаҳон бозорларида мева-сабзавот маҳсулотларига талабнинг юқорилиги;
- кичик агрологистика марказлари фаолияти йўлга қўйилаётганлиги;
- имтиёзли кредитлар тақдим этилаётганлиги;
- суғурталаш жараёнидаги ўзгаришлар;
- соҳада инновацион ва инвестицион лойиҳалар жорий этилаётганлиги.

Мева-сабзавотчилик кластерларининг молиялаштириш тизимини такомиллаштиришдан асосий мақсад, ишлаб чиқарувчилар ва давлатнинг ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотларини сотишдан тушумини оширишdir. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мева-сабзавотчиликда интенсив усулдаги экин майдонларини кўпайтириш;



- пахта ва ғалладан бўшаган экин майдонларида мева-сабзавотчилик экинларини экишда экин майдонининг тупроқ, табиий-иқлим шароитларини илмий асосда ўрганиш;
- минтақаларда ерлардан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорлиги паст бўлган боғ ва токзорларни янгилаш;
- мева-сабзавотчилик соҳасида маркетинг тадқиқотларини олиб бориша электрон маълумотлар базасини шакллантириш;
- мева-сабзавотчилик маҳсулотлари

етиштириш соҳасида кадрларнинг молиявий саводхонлигини мунтазам ошириб бориш.

Шуни айтиш мумкинки, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган мева-сабзавотчилик тармоғида молиялаштириш тизимини таомиллаштиришилабчиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлашга ҳамда тармоқнинг жаҳон озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувига хизмат қиласди.

---

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-52-сонли Қарори.

3. Рыжкова. С. М. Развитие рынка плодоовоощной продукции в Российской Федерации. / С.М.Рыжкова. – Москва: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К". 2015 г. – 164 с.

## ХУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ

**Савол:** *Фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари билан шартномалар алдов ёки босим ўтказиш йўли билан тузилган тақдирда бундай шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш мумкини?*

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддасига асосан фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндиrlар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи ушбу Кодексда, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари хўжалик шартномалари тузишнинг эркинлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 123-моддасига асосан алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Мазкур асосга кўра, фермер хўжалиги ёки бошқа тадбиркорлик субъекти шартнома шартларига рози бўлмаса, шартнома тузишга мажбур ҳисобланмайди. Агар, қайд этилган ҳолатлар асосида шартнома тузилган тақдирда ҳам шартнома ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бунинг учун белгиланган тартибда судга даъво ариза билан мурожаат қилиши лозим бўлади.

**Савол:** *Кам таъминланган оиласарга деҳқончилик билан шуғулланиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси олиш учун танловда иштирок этишда қандай имтиёзар мавжуд?*

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарори билан тасдиқланган регламент талабларига кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари очиқ электрон танлов орқали ижарага берилади.

Мазкур регламентга мувофиқ очиқ электрон танловда иштирок этиш учун

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги гаров пулни операторнинг маҳсус депозит ҳисобварагига киритади. Бирок, айrim талабгорларнинг моддий имкониятидан келиб чиқсан ҳолда «Темир дафтари», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган талабгорлар ушбу тўловдан озод қилинади.

**Савол:** *Фермер хўжалигимиз тегишли қайта ишловчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома тузди. Шартномадан ортган ер майдонини бошқа фуқароларга беришим мумкини ва қанча муддатга?*

**Жавоб:** Ер кодексининг 242-моддасига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етишириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага берилиши (уларни учинчи шахсларга бериш хуқуқисиз) мумкин.

Бунда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари иккиламчи ижарага ихтиёрийлик асосида иккиламчи ижарага берувчининг ташабbusi билан иккиламчи ижарага оловчининг розилигига кўра фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш мақсадида берилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари оралиқ қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун юридик ва жисмоний шахсларга бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилади.

**Савол:** *Олий таълимда таҳсил олаётган кам таъминланган ёки муҳтоҷ оила фарзандларига тўлов-контракт масаласида қандай имтиёз ёки енгилликлар бор?*

**Жавоб:** Сизнинг саволингизга жавобан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтоҷ қизлар, бокувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 сентябрдаги 585-сон қарори иловаси ҳисобланган “Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтоҷ қизлар, бокувчиси йўқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни эътиборингизга ҳавола қиласиз:

**Савол:** *Олий таълимда таҳсил олаётган кам таъминланган, бокувчисини йўқотган ёки муҳтоҷ оила фарзандларига тўлов-контракт суммасини тўлашда қандай имтиёз ёки енгилликлар бор?*

**Жавоб:** Ота-онаси ёки уларнинг биридан

айрилган мұхтож қызлар, боқувчиси йүқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан құллаб-қувватлаш мақсадида базавий тұлов-контракт миқдори тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимліклари ҳамда давлат олий таълим муассасалари томонидан тұлаб берилиши мүмкін.

Тұлов-контракт суммасини тұлаб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 585-сон қарори билан тасдиқланған Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мұхтож қызлар, боқувчиси йүқ ёлғиз аёллар олий таълим олишини моддий жиҳатдан құллаб-қувватлаш тартиби тұғрисида низом билан тартибга солинган.

Ушбу низомга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимліклари ҳар йили ўзларининг ҳудудларидан ўқишига кирған 25 нафардан ҳамда 2-4-құрсларда таҳсил олаётган 75 нафар (ҳар бир курсдан — 25 нафардан), жами 100 нафар хотин-қызлар учун маҳаллий бюджетнинг құшимчы манбалари ҳисобидан базавий тұлов-контракт суммасини түрт ўқув йилининг яқунланишига қадар тұлаб беради.

Бунда талабгорларнинг иккінчи ва ундан кейинги ўқув йиллари учун ўз ҳудудларидаги тижорат банклари томонидан таълим кредитлари расмийлаштирилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимліклари ўз ҳудудларидаги талабгорлар учун үчинчи шахс кафиллігіни беради ҳамда ўқиши тамомлагандан сүңг уларни иш жойи билан таъминлайды.

Талабгорларни танлаб олиш қуйидаги мезонлар асосида амалға оширилади: а) тұлықсız оиласда тарбияланаётган, яғни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган мұхтож қызлар; б) боқувчиси йүқ ўқтиёжманда ёлғиз аёллар.

Ушбу мезонларға мос келувчи хотин-қызлар тест натижалари эълон қилинган кундан бoshлаб ижтимоий ҳолати тұғрисидаги маълумотноманы (хужжатни) ҳар йили 10 календарь кун ичіда олий таълим муассасаси қабул комиссиясига тақдим этади.

Ҳар битта давлат олий таълим муассасаси белгиланған мезонлар асосида талабгорлар рўйхатини шакллантириб, уларнинг доимий яшаш жойи бўйича ҳокимлікларга ёзма равища маълумотларни юборади.

Ҳокимліклар доимий яшаш жойи бўйича барча давлат олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилган талабгорлар

рўйхатини белгиланған тартибда кўриб чиқади, талабгорлар рўйхатини давлат олий таълим муассасалари ёзма равища киритади ва белгиланған тартибда шартномаларни расмийлаштиради.

Бунда, талабгорлардан 100 нафарини танлаб олишда биринчи навбатда уларнинг ижтимоий ҳолати, эҳтиёжмандлиги, тұплаган баллари, ҳудудлардаги таълим йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда таҳсил олаётган босқичлари инобатга олинади.

Давлат олий таълим муассасалари молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ҳокимліклар томонидан кўриб чиқилиб, тавсия этилмаган талабгорлар орасидан ўзларининг кенгашлари қарори билан танлаб олинган 50 нафаргача бўлган хотин-қызларни биринчи ўқув йилида бюджетдан ташқари тұлов-контракт маблағлари ҳисобидан бепул ўқитиши таъминлайди. Бунда биринчи навбатда тўлиқсиз оиласда тарбияланаётган, яғни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган мұхтож хотин-қызларга эътибор қаратилади.

Давлат олий таълим муассасалари:

2022/2023 ўқув йилидан бoshлаб ҳар йили 1 сентябрға қадар иккінчи ва ундан кейинги ўқув йиллари учун таълим кредити олиши зарур бўлган талабгорлар рўйхатини;

2024/2025 ўқув йилидан бoshлаб ҳар йили 1 августга қадар ўқиши тамомлаган ва иш жойи билан таъминлаш лозим бўлган талабгорлар рўйхатини доимий яшаш ҳудуди бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлікларига ёзма равища тақдим этади.

Бунда, ҳокимліклар танлаб олинган талабгорларнинг ўқиши учун зарур маблағларнинг белгиланған тұлов-контракт миқдорининг камида 25 фоизини ҳар йили 15 сентябргача ёки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланған муддатларгача, 50 фоизини - 1 январгача, 75 фоизини - 1 апрелгача ва 100 фоизини — 1 июлгача улар талабаликка тавсия этилган давлат олий таълим муассасаларининг тегишили шахсий ғазна ҳисобваражларига ўтказиб беради.

*Саволларга Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Юридик  
бошқармаси бош ҳуқуқшунос маслаҳатчиси  
Раҳмон Султанов жавоб берди.*



# ХАМ ФЕРМЕР, ИХТИРОЧИ, ТАДБИРКОР

**— Дилноза опа, сұхбатимиз бошида, авваламбор, ўзингиз ҳақингизда қисқача айтиб берсангиз.**

— Мен 1986 йил 11 ноябрда Тошкент вилоятининг Чиноз тумани Йўлтушган маҳалласида туғилганман. Тумандаги 9-сонли мактабни тамомладим. Оиласвий шароитим сабабли олийгоҳга ўқишга кирмаганман. Мактабни тугатганимдан кейин қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб пахта чопганман, пахта терганман, буғдой ўримидан сўнг араваларда сомон ташиб, чорва молларимиз учун қишига ғамлашда иштирок этганман. Ҳозирда сомонни майдалаб, иссиқҳоналарда фойдаланяпмиз, улар помидор, бодринг етиштиришда қўл келяпти. Жамоа хўжалигида ишлаб, режага мувофиқ турли сабзавотлар, иссиқҳонада қўчатлар етиштириб яхши даромад олардик... Орада 3 фарзандимни дунёга келтириб, мактаб ёшига етгунларига қадар уларнинг тарбияси билан шуғулландим ва 2018 йил фермер хўжалиги ташкил қилдим.

**— Ўз характерингизни қандай таърифлаган бўлар эдингиз?**

— Характерим дангалчи, ҳазилкаш, оптимист, ишонувчан, аммо ушлаган жойимдан кеса оладиган шижаотли аёл, меҳрибон она, вафодор ўртоқман.

**— Айнан шу фазилатларингиз буғунги кунда қўл келаётган бўлса ажаб эмас...**

— Шубҳасиз. Менга ажратилган ер майдони ташландиқ, шўр ҳатто зовурлари қарийб чорак асрдан бери қазилмасдан

текис бўлиб қолган ҳолатда эди. Ишни зовур қаздиришдан бошладим. Янги қўшимча зовурлар икки қайтариқда қазилди. Шу йили баҳорда ерни қўл меҳнатида этакларни тақиб олиб, 15-20 та ишчилар ёллаб, 10 гектар майдонни 8 кун ичидаги ахлат ва ёввойи ўтлардан тозалаб чиқдим. Шу ишлар жараёнида мени у ерда кўплаб ўсиб чиққан ажриқ ўтларининг илдизлари қизиқтириб қолди. Шунинг учун ажриқ илдизларини алоҳида йифиб, салқин жойга ўраб қўйдим. Бал бонитети жуда паст бўлган бу ер майдонининг биринчи йил ҳосилдорлиги мен кутгандай бўлмади. Агротехника тадбирларини талаб даражасида бажарган бўлсам-да, ер анча муддат ташландиқ ҳолда ётганлиги сабабли мен режалаштирган даромадни ола олмадим. Кейинги йили яна бир бор зовурни янгидан қаздириб, яна турли сабзавотлар эқдим. Бу йил сармоя қилиб тиккан маблағимни зўрға чиқардим. 2018 йил мен яхшигина зарар кўргандим, шунинг учун оила аъзоларим: — “Энди таслим бўл ва ерни топшириб юбор, жуда қийналиб кетдинг,” — дея ундашди. Лекин ерга бўлган меҳр-муҳаббатим ортга қайтишга йўл қўймасди. Мен уларга: — “Шўр бўлсаям майли, ерни вақти-соати келиб яхши ер тоифасига ўтказаман” — деб ерни топширмадим. Яқинларим менинг бу қароримдан норози эдилар, фарзандларим жуда ёш, далада қийналишди, ўзим ҳам жуда қийналдим. 2020 йил яна дуо қилиб, Худодан барака тилаб, катта куч-ғайрат, яхши ниятлар билан иш бошладим. “Бу сафар мен, албатта,



даромад қиласан,” деб, йил бошидан түғри стратегиялар ишлаб чиққанлигим сабабли йил якунида юқори даромад олдим. Шу йили тракторни ўзим ҳайдашни ўргандым ва күнглимдагидек қилиб ерларни ҳозирга қадар ўзим ҳайдайман. Сувларни ёрдамчи сувчилар билан биргаликда ўзим тарайман. Ҳозирда замонавий томчилатиб суғориш тизимиға ўтядынан, бу тизим ҳам менинг вақтимни тежайди, ҳам ҳосилдорликнинг ошишига хизмат қиласи. Ҳар бир оддий ишнинг бошида ҳам ўзим туриб, ҳеч кимга ишонмай, астойдил меҳр-муҳаббат билан ер билан тиллашиб, экинларим билан гаплашиб иш юритаман. Экмоқчи бўлган экинларимни кўчатлик давридан бошлаб ўзим тайёрлаб, далага келиб экилгунча фарзандим сингари муомала қиласан, натижада, ўша берган меҳр-муҳаббатим ўзимга қайтади, юқори ҳосилдорликка эришаман. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қиласан, ҳозирда менга ажратилган ер майдонининг атрофлариға терак, тут кўчатлари экиб парваришлийман, бу менга куч-ғайрат, завқ бағишлийди. 2021 йил яхши даромад олдим ва иккита иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳолидан хабар олишни одат қилдим.

— Айтганларингиздан кўриниб турибдики, сизда доимо билимга, янгиликка қизиқиши жуда кучли бўлиб келган...

— Иш жараёнида мен билим етишмаётганлигини сеза бошладим, шу сабабли, бугунги кунга қадар 10 та ўқув курсларида ўқиб, уларни рисоладагидек тамомладим. Жумладан, Савдо-саноат палатаси курсини, психология курсини, бизнес мактабни, Вестминстер олийгоҳи ҳузуридаги 7 кунлик бизнес бошқаруви курсини, фермерлар мактабини муваффақият билан тамомладим, ҳозирда бухгалтерлар курсида таҳсил олмоқдаман. Шунингдек, “Тадбиркор аёл” ўқув-семинарларида бир неча бор қатнашиб, сертификатлар олдим. Ҳар бир инсоннинг мақсади бўлади, менинг ҳам мақсадларим бисёр, уларни амалга оширишим учун билим, тажриба талаб этилади, деб ўйлайман.

— Орзу-мақсадларингиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз...

— Мақсадларимни режа асосида биринкетин амалга ошириб келяпман. Вестминстер олийгоҳида тадбиркор аёл ассоциацияси томонидан 7 кунлик курс тўлиқ ўқитилди. Бизнес бошқаруви ва раҳбар тадбиркор аёл



биринчи ўринда бошлаётган бизнесида түғри стратегия билан бошлаш керак эканлиги, олдиндан анализ ва прогнозини ҳисоблаб күриб, кейин бошлишини тавсия қилардим, чунки бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз учун сармоя талаб қилинади. Раҳбар, албатта, кўп соҳада тажрибали бўлиши керак, шунда кўплаб келиб чиқадиган тўсиқларни енгиб ўта олади. Мен ўзимдаги камчилик бўлган томонимни билимлар олиб тўлдириб келяпман. Ютуқларим ҳақида айтадиган бўлсанам, мен 2018 йил «Йилнинг энг яхши инновация ғояси» номинацияси ғолибаси бўлганман. Дунёда биринчи марта «Ажриқ томиридан кофе» ихтирочиси бўлдим, юртимиздаги нуфузли танловларда энг яхши инновацион ғоя, «Инновацияларни ҳаётга жорий қилганлиги» ва кўплаб фестиваллар ғолибаси бўлдим. Парҳезбоп бўтқа (каша) ишлабчиқаришни йўлга қўйдим. Бу менинг тўрт йиллик фаолиятим

натижасидир. Весминстер олийгоҳида олган билимларим менинг фикрлашим, иш юритишимга катта таъсир кўрсатди деб ўйлайман. Ҳозирда фермерлар мактабида 2 ойлик курсда беш хил модул бўйича билимларимни мустаҳкамлаб, янгича технологияга ўтиш кераклиги тўғрисида дарс жараёнлари бўляпти. Қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар, янгилик сари қадамларни тезлик билан босиб ўтиш кераклигини тушуняпман. Интенсив боғлар, узумчилик, гидропоника усулида иссиқҳоналар барпо этиш ва кўчатларни соғлом етиштириш усулларини ўргандим. Мен чорвачилик, паррандачилик, узумчилик, иссиқҳона ва молиявий саводхонлик бўйича билим олаётганимдан беҳад мамнунман.

— Биздаги маълумотларга кўра, сиз экин экиш, ҳосил олиш билан бир қаторда шеърлар ҳам машқ қиласар экансиз...

— Дарҳақиқат, бўш вақтларимда шеърий китобларни ўқишни, ўзим ҳам қоғоз қоралашни яхши кўраман. Дунё шунчалар қизиқ, яшаш эса бир мўъжиза, яхши ҳаёт, яхши яшаш, тажриба орттириш, кўпроқ билим олиб, ҳаётнинг моҳияти нимада эканини англаб яшаш мен учун жуда муҳим.

— Дилноза опа, Сизга қизиқарли ва мазмунли сұхбатингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдирап эканман, Сизни ҳам Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март ҳамда умумхалқ байрами Наврӯзи олам билан муборакбод этаман. Хирмонингиз бунданда баланд, дастурхонингиз бунданда кут-баракали бўлсин.

**Жўрабек Сироҗиддин ўғли,**  
ўз муҳбиришим.



## УРУШНИ ОҚЛАБ БЎЛМАЙДИ

*Шуҳрат Рўзиев,  
журналист*

Қишининг охирида бошланиб, баҳорнинг илк кунларида давом этаётган Россия ва Украина давлатлари ўртасидаги низони фақат икки давлат ўртасидаги келишмовчилик десак, у қадар ўринли бўлмайди. Ноўрин жойи шундаки, дунё ҳамжамиятига қўшилган давлат борки, у ёлғиз эмас, давлатлараро тилда айтганда нейтрал эмас. Ҳатто, инсонлар узокдаги, яъни бошқа мамлакатлардаги кишилар билан борди-келди қилгач, ўзаро муносабатлари олди-бердига ўтиши билан дастлаб ижобий, агар бу келишувлар бузилса, салбий муносабатлар шаклланиши табийи.

Қолаверса, тарих унуглилар майди, деган гапнинг ҳам ҳақлиги кўринаяптики, қадимда ота-боболар ўртасида бўлиб ўтган низоларнинг шундай кезларда эсга тушиши уруш оловига сув ўрнига ёқилғи бўлиб сепилмоқда.

Очиғи, бирор ҳақида, у инсон ёки давлат бўлишидан қатъий назар, бирон жўяли фикр айтиш учун аввало, холис ахборотга, маълумотга эга бўлиш керак. Акс ҳолда, фикр ҳам холис бўлмайди. Шунинг учун мазкур уруш ҳолати ҳақида тарқалаётган хабар ва маълумотларнинг асосий қисми ёлғондан иборат бўлганлиги туфайли, бу борада фикр айтиш жуда оғир.

Ёлғонлиги шундаки, бир манбада чечен элита полки батамом йўқ қилинди, дейилса, бошқасида бир киши ҳалок бўлди дейилаяпти. “Бизни ўлдига чиқаришиб, медаллар беришибди. Медалини пишириб есин” дейишяпти бошқа манбада ўлдига чиқиб ўлмаган аскарлар.

Ўзбекистонга келтирилган ҳамюртимиз уларнинг ёлғонидан қолишмайдиган қилиб “2000 одам кўз олдимда ўлди-я”, деса бўладими?

Афғонда хизмат қилиб келган бир акамиз “Хизматга борганимда 5 нафар сафдошимизнинг ҳалок бўлганини кўриб, уч кун ўзимни билмай, госпиталда ётганман, жойимдан тура олмаганман”, деган эди.

Майли, Украинадан келган бу инсоннинг юраги балки, тошдир, аммо бир тасаввур қилинг: 2000 минг одам қанча бўлади? Бир одам уларни кўра олармикан. Ахир, бу ҳар бирига 50 та одам жойлашадиган 40 та автобусдаги одамлар дегани. Атиги 3-4 автобус одамнинг ўртасида турган одам тўртинчи автобусдаги одамни кўра олармикан?

“Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир” деб бежиз айтишмаган, ахир. Тирикни лоф қиласа ярашар, аммо ўлганларни лоф қилиб бўлмас-ов. Шунча ўликни кўриб, кўмишга ёрдам бермаган бу киши Худога нима деб жавоб берар экан? Астағфируллоҳ.

Дарҳақиқат, ислом динида, агар икки киши урушиб қолса, каттаси айбдор, агар улар тенг ёшда бўлса, ақллиси гуноҳкор бўлади, дейилган гапдан хабарим бор. Албатта, бу қоидага кўра, урушни бошлаган томон сифатида айблар Россияга

қўйилаётганига қўшилса бўлади. Аммо низонинг келиб чиқиши учун Россияни айблаб бўлармикан?..

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбарияти нейтрал позицияда туриб, “Бу иш – уларнинг иши” деди ва жуда тўғри, оқилона йўлни тутди.

Энди бизга кўринган ҳолатларга назар солсак. Ҳалқимизда “Етимнинг отаси кўп, ёнига фойдаси йўқ”, деган мақол бор. Украина президентининг аксар ҳатти-ҳаракатлари етимнинг ишига ўхшайди. Ундан, бундан маслаҳат сўрайди, ёрдам сўрайди. Аммо улар биз сенга отамиз, дейишади-ю, амалига келганда юзини терс ўгиради.

Энди, келинг, пешонамиздаги икки кўзимизга эмас, қалб кўзимизга, онгу шууримизга қараб ҳам бир холоса қилайлик. Бунгача ер юзидағи қанчадан қанча давлатларга қўшни ёки бошқа иккинчи бир давлат томонидан уруш очмади дейсиз?! Ажабланарлиси, Ироқ, Сурғия, Афғонистон давлат ёки ҳалқ эмасмидики, дунё бу қадар безовта бўлмаган эди?

Нима, Украиналик одам-у, ироқлиқ, суряялик ёки афғонда яшаётганлар одам эмасмиди? Нима эмиш, аҳоли яшаш жойлари вайрон бўлаётган, одамларга қаратади ўқ узаётган эмиш. Мазкур давлатларда улар молларга қаратади ўқузишганмиди? Ёки моллар яшайдиган биноларни хонавайрон қилишганмиди. Урушнинг қоидаси – ўлдириш, йўқ қилиш, хонавайрон қилиш. Молми, одамми, биноми, фарқи йўқ. Буни суратлар кўрсатиб турибди.

Урушнинг яна бир қоидаси бор. Ҳийла, бу – ёлғон ишлатса, алдаса бўлади, дегани. Аммо ёлғонни икки тараф бир-бирига нисбатан ишлатиши мумкин, учинчи тараф эса холис бўлмоғи зарур. Акс ҳолда, берилаётган хабар у, ёки бу тарафнинг манфаатларини кўзлаган бўлади. Шунинг учун ҳар қандай қаламкаш, айниқса, ахборот тарқатувчи манбаларнинг бу масалага холис ва адолатли ёндашуви урушнинг тез тугашига, акс ҳолда, эса чўзилишга сабаб бўлади.

Ёш бола эдим. Ён-атрофимизда яшайдиган қўшниларнинг икки аёли ўзаро урушиб кетди. Эргаш бобо (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) мендан каттароқ набирасига бир чеълак сув бериб, “Бор, шу сувни уларнинг ўртасига сепиб юбор” деди. Самидин ака югурниб бориб, сувни уларнинг иккаласига сепиб юборди. Сесканиб кетган аёллар, кўйлаклари баданига ёпишиб қолганидан уялишиб, уй-уйларига кириб кетишиди. Бамаъни кекса бир отахоннинг маслаҳати билан ўз ўрнида кўрилган тадбир сўнгида авж олиши мумкин бўлган қўшнилар ўртасидаги низонинг олди олинди ва даҳанаки жанг бартараф этилди. Қанийди, инсоният цивилизациясининг энг юқори нуқтасига қадам қўйилаётган бугунги кунда бегуноҳ инсонлар қони тўқилишига сабаб бўлаётган давлатлар ўртасидаги мантиқсиз, бемаъни урушларга ҳам “бир чеълак сув сепсанг-у”, уларнинг ўрталаридағи низолар барҳам топса!



## МНОГОГРАННЫЙ УЧЁНЫЙ-ИССЛЕДОВАТЕЛЬ

Даже краткое изложение деятельности профессора Ташкентского государственного аграрного университета Алевтины Григорьевны Кожевниковой, без преувеличения, характеризует её как многогранного исследователя, человека энергичного, глубоко эрудированного и доброжелательного. Она находится в постоянном поиске методов, подходов, прикладных разработок, развиваемых ею фундаментальных исследований. Её многолетняя работа по глубине анализов, оригинальности теоретических исследований и практических обобщений – важный вклад в развитие защиты растений.

Исключительно важное значение А.Кожевникова придаёт исследованиям в области морфологии, биоэкологии, систематики и естественных врагов сосущих вредителей сельскохозяйственных культур. Работы по указанным проблемам имеют большое значение для развития теории энтомологии. Они необходимы и для практики, поскольку лежат в основе усовершенствования диагностики и изучения вредителей. За годы исследований она выпустила около 600 научных и методических работ, в том числе более 400 научных трудов, 5 монографий, 6 учебников, 2 учебных пособия, имеет 2 изобретения и 4 инновации, 50 рекомендаций, свыше 100 методических указаний и др. Под ее руководством подготовлены более 130 выпускных работ, 17 магистерских диссертаций и 2 докторские диссертации.

А.Кожевникова постоянно печатается в международных и республиканских научных журналах. С результатами проведённых

исследований регулярно выступает с докладами на различных международных, республиканских и региональных конференциях.

За время своей трудовой деятельности работала ассистентом, старшим преподавателем, заместителем декана заочного и очного отделений, деканом заочного факультета, заведующей кафедрой «Защита растений», «Агрохимии, почвоведения и защиты растений», «Защита растений и карантин», затем профессором кафедры, проводила занятия на государственном языке и в международных группах.

Особое внимание она уделяет изучению устойчивых новых сортов и линий к насекомым-вредителям и болезням. Основными задачами исследований в области защиты растений является разработка методов экспресс диагностики вредителей, освоение природных ресурсов энтомофагов и разработка на этой основе новых биологических средств защиты растений. Исследования в области разработки методов экспресс диагностики вредителей проводятся с широким выбором различных видов сосущих вредителей, склонных к массовым размножениям.

Редакция журнала искренне поздравляет Алевтину Григорьевну с Международным женским днём – 8 Марта и праздником «Навруз», желает ей крепкого здоровья, семейного благополучия и успехов в научно-педагогической деятельности.

**Азамат Таиров,**  
наш корр.

# МҮЙТАБАР УСТОЗ — МУКАДДАС АЁЛ



*Аёл борки, унинг зиммасига тозалик ва озодалик, мезбонга ҳурмат, меҳмонга мулозамат қўрсатиш, бола тарбияси, овқат тайёрлаш каби ўнлаб уй-рўзгор юмушлари юкланади. Шунга қарамасдан, улар жамият ҳаётида фаол қатнашиб, ишлабчиқарши соҳасида, илм-фанда ҳам улкан ютуқларга эришимоқдалар. Бизнинг ҳикоямиз айнан шундай аёллардан бири, Тошкент давлат аграр университети “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги” кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) Гўзал Рўзиевна Холмуродова ҳақида.*

Гўзал Холмуродова 2001-2002 йилларда Тошкент давлат аграр университетида катта лаборант, 2002-2012 йилларда Ўзбекистон Фўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим, катта илмий ходим, 2009-2014 йилларда Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида доцент, 2014-2019 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида лойиҳа раҳбари, етакчи илмий ходим вазифаларида ўриндош сифатида фаолият қўрсатган. Тошкент давлат аграр университетининг Қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедрасидаги фаолиятини 2014 йилда доцент вазифасидан бошлаган. Ҳозирда эса ушбу кафедранинг фахрли профессор-ўқитувчиларидан саналади.

У ўзининг меҳнат фаолияти давомида вазифасига жиддий ёндашиши, маъсулиятлилиги, ўз билими ва маҳоратини муттасил ошириб бориши билан ажralиб туради. Айниқса, унинг илмий-амалий, илмий-фундаментал лойиҳаларда мунтазам иштирок этиши, маъруза ва амалий машғулотларни илмий тажрибаларга таянган ҳолда олиб бориши дарс жараёнларига ижобий таъсирини қўрсатади ва талабаларда катта қизиқиши ўйғотади. У педагогик фаолиятини илмий тадқиқотларга боғлаган ҳолда, сайёр дарслар тарзида – илмий-тажриба майдонларида, дала шароитларида,

уругчилик лабораторияларида илмий-амалий кўнникмалар билан олиб бораётганлиги диққатга сазовор. Шунингдек, уталабалар гадарсларни замонталабига жавоб берадиган янги педтехнологиялар асосида, интерактив ҳолатда олиб боради.

Соҳа юзасидан Гўзал Рўзиевна томонидан олиб бориладиган очиқ маърузалар барчада қизиқиши ўйғотади. Чунки ушбу маърузаларда бугунги кунда соҳада юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар, видеороликлар, тақдимотлар ўз аксини топиши билан бир қаторда, тингловчилар билан фикр алмашинув, таклиф-мулоҳазалар, қизғин баҳслар тарзида ўтказилиши барчанинг эътиборини тортади. Бу эса талабаларнинг соҳани ўзлаштиришида жуда қўл келади.

2018 йилда Г.Холмуродова илмий раҳбарлигида 1 нафар тадқиқотчи қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертациясини ёқлаган бўлса, бир қатор бакалавриат талабалари ўзларининг битириув малакавий ишларини, 7 нафар магистрант эса магистрлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишди. Ҳозирда у кишининг илмий раҳбарлиги остида 4 нафар докторант (PhD), 3 нафар мустақил изланувчи (PhD) ва 1 та мустақил изланувчи (DSc) ҳамда 4 нафар магистр самарали фаолият олиб бормоқда.

Г.Холмуродованинг илмий изланишлари ва ўқув-педагогик фаолияти



натижаларини мужассамлаштирган маҳаллий ва чет эл нашрларида 150 дан ортиқ илмий мақолалари билан бир қаторда ҳозирга қадар 4 та дарслик, 6 та ўқув қўлланмаси, 3 та монография, 4 та тавсияномалари ҳам чоп этилган. 5 та янги ғўза навига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан патент олинган, СП-7303 ғўза нави истиқболли нав сифатида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат реестрига киритилган. Унинг ҳаммуаллифлигига яратилган янги ғўза навлари республикамизнинг пахта майдонларида экилиб, юқори самарали ҳосил бермоқда.

Г.Холмуродова айни пайтда, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида ўриндошлиқ асосида етакчи илмий ходим сифатида ҳам фаолият кўрсатар экан, доимо ўзининг меҳнатсеварлиги, интилувчанлиги, тўғрисўзлиги, камтарлиги, ўз устида тинимсиз ишлаши билан ажralиб туради. Ўзининг илмий-амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасидаги фаолияти давомида олиб борган қатор илмий изланишлари натижасида бугунга келиб тан олинган кўпгина истиқболли навларнинг ҳаммуаллифи ҳисобланади.

Гўзал Рўзиевна янги ва нисбатан бой ирсиятга эга навларни мураккаб дурагайлашга жалб этиш асосида хўжалик учун қимматли белгиларни ўзида мужассамлаштирган бошланғич ашё яратиш бўйича олиб борган

изланишларини 2003 йиллардан бошлаган. Бу даврда илмий лойиҳаларда ижрочи илмий ходим, кейинчалик лойиҳа раҳбари сифатида иштирок этиб, ғўза навлари селекциясида конвергент дурагайлашнинг самарасини очиб берди. Илмий-тадқиқот ишларининг натижаси ўлароқ, дастлаб қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлиги, кейинчалик қишлоқ хўжалиги фанлари доктори даражасига эришган, 2010 йилга келиб, катта илмий ходим унвонини ќўлга киритган Г.Холмуродова жамоадошлари олдида ўз ўрнига эга бўлган, билимли, тажрибали ва масъулиятли устоз, шу билан бирга, камтар, юқори салоҳиятга эга мутахассис эканлигини кўрсатди.

У генетика ва селекция услубларини, шунингдек, статистик-математик ишлов усулларини мукаммал ўзлаштирган бўлиб, ўзининг педагогик фаолияти давомида ва олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларида кенг фойдаланиб келмоқда.

— Инсон доимо мақсади сари интилиб яшаши даркор,— дейди Гўзал Холмуродова.

Айнан шу интилувчанлик уни бошқараётган бўлса ажаб эмас...

Қаҳрамонимизни баҳорнинг қўшалоқ байрами билан табриклар эканмиз, унга сиҳат-саломатлик, Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз.

**Жўрабек Сироҷиiddинов,**  
ӯз мухбириимиз.



# ИЛМДА САРДОР, ИЖОДДА САРБОН

Яқинда кўплаб ихтиrolар, илмий ва бадиий нашрлар муаллифи, техника фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Тошболтаев 75 ёшга кирди. Бугунги кунда қаҳрамонимиз Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари лавозимида самарали фаолият юритмоқда. Журналиниз таҳририяти номидан уни ушбу табаррук ёш билан табриклар эканмиз, унга сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат, Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятида янгидан-янги зафарлар тилаймиз. Қуийда М. Тошболтаевнинг қаламига мансуб битиклардан намуналар келтирмоқдамиз.

*Таҳририят.*

## **Мақсад ноаниқ бўлса**

Инсоннинг олдига қўйган мақсади ноаниқ, мужсмал бўлса, қанчалик уринмасин унга элтадиган аниқ йўлни ҳам, воситани ҳам топаолмайди.

## **Изчил интилиш**

Ватан равнақи йўлида ҳаракат тезлигини ошириш керак.

## **Юкнинг оғирлиги қўтарганда билинади**

Бировларнинг юкини енгиллатмаганлар унинг оғирлигини қаердан билсин.

## **Кичик иш сеҳри**

Кўп гувоҳи бўлганман: кичик ишларини қойиллатиб юрганлар, аксарият ҳолларда катта ишларни ҳам уddeлаб кетадилар. Фақат катта ишларни бошқариб ўргангандар кичиклари қаршисида довдираб қоладилар.

## **Шакарнинг ҳам ози ширин**

Ортиқча мулозамат ҳам одамни хит қилиб юборади.

## **Ташига қарама, ичига қара**

Йўлнинг бошига маҳлиё бўлиб, унинг охир ҳам борлигини унумта.

## **Етти ўлчаб бир ... юр**

Ҳушёр бўл, сени “бу йўл тўғри” деб ишонтираётганларнинг ўзлари бу йўлдан юрмаган бўлишлари мумкин.

## **Ҳамнафаслик**

Давр билан ҳамнафас бўлиш учун шу даврнинг шижоатли, тадбиркор инсонлари билан “бирдек нафас олиш” керак.

## **Хомхаёллик**

Сувдан “қуруқ” чиқдим, тегирмондан ҳам бутун чиқаман.

## **Хатоликлар хатолардан келиб чиқади**

Ҳаётда йўл қўйилган хатоликлар сони хато кечирилган ҳаёт ийлларига мутаносибdir.

## **Йўллар, бу қадим йўллар**

Машина ҳайдовчиси ўнқир-чўнқирли йўлга дуч келиб қолса, уни четлаб ўтади, ёнидаги равон йўлни танлаб юради ва манзилига етиб олади. Лекин ҳаёт, тақдир ийлларини четлаб бўлмайди: паст-баландми, тор ва кенгми, лойми-қуруқми, бари-бир босиб ўтишга тўғри келади. Ҳар бир инсон шунга тайёр турмоғи лозим.

## **Тўғри танланган йўл**

Қоқилмай юраоладиган йўлни бошиданоқ танлай билган инсонгина кўзлаган манзилига бешикаст етиб бораолади.

## **Уйланиш ва ўйланиш**

Уйланиш сари биринчи қадамни ўйлаб ташлаганлар ютадилар.

## **Оила фарзандлардан бошланади**

Янги оиласнинг нозик ришталарини дунёга келган янги чақалоқлар мустаҳкамлайдилар.



## ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ

**Андижон давлатуниверситетининг биринчи профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, "Халқлар дўстлиги" ордени ва қатор медаллар соҳиби Дубовский Григорий Карпович**

ҳаёт бўлганида, у 2022 йилнинг 12 февраль куни 100 ёш билан юзлашган бўлар эди. У умрининг охиригача Андижон давлат университетининг зоология кафедрасида фаолият кўрсатди.

Кўп йиллик бенуқсон меҳнат фаолияти, юқори малакали кадрларни тайёрлашда фаол қатнашганлиги, фан ривожига қўшган ҳиссаси учун у орден ва медаллар, "Маърифат аълочиси" нишони, Қори-Ниёзий номидаги медаль, Хукумат ва Республика Олий Совети, Маориф вазирлигининг фахрий ёрликлари билан мукофотланган.

Г.Дубовский 300 дан зиёд илмий асарлар чоп этган, 4 та ўқув дарслеклари, 4 та илмий ишлар монотематик тўпламлари, 3 та ўқув қўлланмаларини нашрдан чиқарган, шу жумладан, ўзбек тилида 3 томлик "Зоологиядан ўқув қўлланмаси"ни тайёрлаган. Умрининг сўнгига ушбу китобнинг 4-томини якунига етказган.

У республика Маориф вазирлиги хузуридаги ўқув-услубий кенгашининг биология секцияси раисининг ўринbosари, университет танлов комиссиясининг раиси, илмий ва илмий-услубий кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатган. Бир неча бор Ўрта Осиё Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти хузуридаги фан номзодлиги ва докторлик диссертацияларини ёқлаш бўйича Maxsus Кенгашида расмий оппонент сифатида иштирок этган.

Г.Дубовский 1947 йилда Самарқанд университетининг (у пайтда Ўзбек давлат университети (ЎзДУ) деб номланган) биология факультетига ўқишига кирган. Ўқишини тамомлаганидан кейин университетнинг «Умуртқасизлар зоологияси» кафедрасида асистент этиб қолдирилган. 1957 йилда у илмий ишини муваффақиятли ёқлаб, биология фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлган.

1957 йилнинг ноябрь ойидан умрининг охиригача у Андижон давлат педагогика институти (ҳозирда Университет)да олдинига "Зоология" кафедраси катта ўқитувчisi, 1958 йилнинг июлидан эса кафедра мудири лавозимида фаолият юритган. 1962 йилнинг сентябрь ойida докторлик диссертациясини якунига етказиши учун катта илмий ходим лавозимига ўтказилган.

1966 йилда «Цикадовые Ферганской долины» номли монографиясини нашрдан чиқарган. 1968 йилнинг февраль ойida илмий ишини муваффақиятли ёқлаб, биология фанлари доктори илмий даражасини, 1970 йилда эса кафедра профессори илмий унвонини олишга сазовор бўлган.

1983 йилда Г.Дубовский «Цикадовые Каршинской степи» номли иккичи монографиясини нашрдан чиқарган.

Г.Дубовский кўп йиллар мобайнида "Зоология"

кафедрасига мудирлик қилган. Ўша пайтда Андижон давлат университетининг ректори бўлиб ишлаган профессор С.Зайнабиддиновнинг айтишича, "Григорий Карпович бор кучи, чуқур билими, бой педагогик тажрибасини бўлажак ўқитувчи ва илмий ходимларга улашарди". Унинг раҳбарлигидага 10 та фан номзодлиги ва фан докторлиги диссертациялари тайёрланган ва муваффақият билан ёқланган. Григорий Карпович, шунингдек, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўз тадқиқотлари натижалари бўйича у мунтазам равишда турли халқаро симпозиумлар, республика ва минтақавий анжуманларда маърузалар билан иштирок этарди. Бунда у энтомология билимларини тарғиб қилишга, уларнинг мамлакатимиз фаровонлигини юксалтиришдаги аҳамиятини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратарди.

Профессор Т.Мадумаров айтишича: «Григорий Карпович Дубовский ўзининг меҳнатсеварлиги, принципиаллиги, юқори даражадаги масъулияти билан ажralиб турарди». Шогирдлари доцент К. Зокиров ва доцент Х.Сулайманов уни катта ҳурмат билан эслашар экан, бундай дейишади: "Катта олим, ажойиб устоз ва инсон Г. Дубовскийнинг ёрқин хотираси унинг шогирдлари, дўсту биродарлари қалбида абадий сақланиб қолади".

Г.Дубовский цикадовийларнинг 500 дан зиёд турини ўрганиб чиққан, 10 та фан номзоди ва докторларини тайёрлаган. Умрининг охиригача у Андижон давлат университетининг "Зоология" кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатган.

Г.Дубовский илмий фаолиятининг асосий йўналишлари бу фундаментал энтомологик илмий тадқиқот ишларини ўтказиши, зарарли ва фойдали турларни, шунингдек, ҳашаротлар ва улар тарқатадиган касалликларнинг қишлоқ хўжалик экинларига таъсирини ўрганишдан иборат эди. Бундай илмий тадқиқотлар нақадар муҳим эканлигига изоҳ бериш ортиқча деб ўйлайман.

— Мен отам изидан борар эканман, олдинига Ўрта Осиё Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти аспирантурасига кирдим, — дейди Г.Дубовскийнинг қизи, айни пайтда Тошкент давлат аграр университетининг профессори Алевтина Григорьевна Кожевникова. — Машхур олим, академик С.Алимухамедов раҳбарлигидага олдинига фан номзодлигини, кейин эса, 2000 йилда докторлик диссертациясини ёқладим. Мен қишлоқ хўжалиги экинлари учун зарарли бўлган цикадовийларнинг 70 дан зиёд янги турларини аниқладим, уларга қарши қаратилган ҳимоя чораларининг илмий асосларини ишлаб чиқдим.

Энтомология соҳасида ва қишлоқ хўжалиги экинларини ҳимоя қилишда Г.Дубовскийнинг илмий тадқиқотлари табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни сақлаш, юқори ҳосил олиш, давлат миқёсидаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Буюк олимнинг хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**М. Тоиров,**  
журналист.

**Севгида қуёш каби бўл.**

**Дўстлик ва қардошлиқда оқарсув каби бўл.**

**Бирорларнинг хатоларини ёпишда кеча каби бўл.** Хикматлар

**Тавозуда тупроқ каби бўл.**

**Ғазаб онида ўлик каби бўл.**

**Ҳар не бўлсанг бўл -**

**ё аслинг каби кўрин,**

**ё кўринганинг каби бўл.**

**Жалолиддин Румий**



Тилингдан олдин қалбингни тарбия қил. Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан чиқади.

• Эй, дил! На битмас хазинасан, на давосиз дард.

• Минг йил ўқисаму, мендан «нимани билдинг», деб сўрасалар, «ҳаддимни билдим» дейман.

• Дедиларки, қўздан йироқ қўнгилдан йироқ. Дедимки, қўнгилдаги қўздан йироқ бўлса не наф?

• Ишқ азоби тортмаган юрак ё телбанинг, ё мурданинг юрагидир.

• Эй, ёр! Биз ишқузумининг шингиллари эдик-ку! Бошқа шишаларга шароб бўлибмиз, бошқа хаёлларда ҳароб бўлибмиз.

• Гулнинг гўзаллиги уруғидан; инсоннинг ҳусни эса қалбидандир.

• Кўнглингни покламабсан-ку, тинмай таҳорат олганинг нимаси?!

• Одамлар суратини безатса, сен сийратингни беза. Одамлар бошқалар айбидан сўз очса, сен ўз қусурингни ўйла.

• Поктийнат кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлмоқ, подишоҳлар бошига тож бўлмоқдан афзалdir.

• Ҳожат эмас, ҳаммасини сўзла баён қилмоқча, бир боқмоқ минг сўздан яхшидир англаганга.

• Ўйларинг сўзларингга, сўзларинг феълингга, феълинг тақдирингга нуқс этади. Гўзал ўйла, гўзал яша.

• Ҳар ҳолни хайр, ҳар кечани қадр, ҳар келганни Ҳизр бил.

• Инсон табассуми билан тарбиясини,

нимага кулгани билан савиясини намоён қиласди.

• Эй, дўст! Мен Мажнун эмасман, аммо чақирсанг чўли биёбонга боришга ҳам тайёрман.

• Кўнгил боғ, қўзлар булатдир. Булат ийғласа боғлар яшнагай.

• Шамдек ёш тўк, қўнгил уйинг чароғон бўлсин.

• Биз севсак гар, ер бўламиз, биз севсак гар, сел бўламиз. Биз севсак гар, лол бўламиз, биз севсак гар, жон бўламиз.

• Модомики, ҳамманинг гуноҳини бекитолмайсан, ўз қўзингни юмиб қўя қол.

• Дили ва тили бир бўлмаган инсон юз тилни билса ҳам тилсиз саналгай.

• Бизни билган билади, билмаган ўзи билади.

• Дўст деб ачиқ гапирганга эмас, ачиқни ширин гапирганга айтилади.

• Дунё тузоқдир, дони ҳою-хавасдир.

• Гўзал кунлар келишини кутма. Унга томон бормоғингни унутма.

• Китоб ўқишидан олдин ўзимизни ўқишини ўрганайлик.

• Ҳаёт уйқудир, ўлимла уйғонур инсон. Сен шошил, ўлмасдан аввал уйғон.

• Гайратинг қанотингдир.

• Адолат дараҳтни суғормоқ, зулм эса тиканга сув тўқмоқдир.

Турк тилидан **Маъруфжон Йўлдошев**  
таржимаси



**Махмудхон ТОИРОВ (Махмуд Абдуллаев),  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси,  
шоир, таржимон, публицист**

### НАВРЎЗИМ

Сен менинг Наврўзимсан,  
Баҳоройнинг элчиси!  
Қалбимга оро берган  
Ризқ-рўзимиз куйчиси.

Қучоқ-қучоқ гул тутган  
Сен-ку менинг баҳорим.  
Кўнглимнинг туб-тубидан  
Қайнаб чиқар илҳомим.

Дарё бўлиб сен бугун  
Тоғдан ошиб тушасан.  
Тошда чечак ундириб,  
Ҳаёт бўлиб тошасан!

Кўк сомсалар талашган,  
Бағримдаги боламсан.  
Сумалаклар улашган,  
Менинг баҳтили бекамсан!

Асрларнинг бағридан  
Омон қайтган Наврўзимсан.  
Элу юртга файз берган  
Жигарсўзсан, ризқ-рўзсан.

Сен билан яшнар элим,  
Сен ўша Кумуш гулим.  
Ташрифингдан олам шод,  
Гул сайлин хушлар дилим.

### ШАРҚ АЁЛИГА ЭҲТИРОМ

Олам гўзал эрур Сиз билан асли,  
Кўйлар майинлиги Синздандир, Она.  
Қучоғини очса менга баҳт фасли,  
Унинг тайинлиги Сиздандир яна.

Чеҳрангиз порлайди ёрқин нур бўлиб,  
Этдингиз умримнинг онин чароғон.  
Яшайсиз қалбимда инжу дур бўлиб,  
Бу дурни асрагум доим, Онажон!

### “УМР БАҲОРИ”

**Шоир Бобир Бобомуроднинг “Эссиз одам”  
китобини ўқиб дилдан ёғилган мисралар**

Шеърларингиз ўқиб бирма-бир,  
Мен ҳам бўлдим бир Мажнун, бир бек.  
Бўлган бордир, биродар Бобир!  
Дегим келди ҳайқириб шердек.

Бир муҳаббат ўтида ёндим,  
Армонларда қолдирди орзу.  
Гоҳ дўстликдан тондирди, тондим,  
Бир баҳс учун туғилди мавзу!

Шоир қалби кетганмиди дарз,  
Бўлганмиди хаёл чилпарчин?  
Ҳеч кимларга қилмайди у арз  
Қалбидадир Кумушу Барчин.

Бухорои шариф фарзанди  
Ўзбекистон фахри у бугун.  
Тиллога тенг шеърлар ҳар банди  
Ярим қалблар бўлади бутун!

Ойлар ўтар, йил, умр ўтар,  
Инсон ўтар, бўлмас тақорори.  
Бўлмагандай ҳеч унум “Ўртар”  
Унутилмас “Умр баҳори”!

\*\*\*

Оққан сувлар қуриб қолар баҳилликдан,  
Қалб чашмаси сув ичади сахийликдан.  
Мурувватдан эл кўкарап, дил кўкарап,  
Бу дунёning дунёлиги яхшиликдан.

\*\*\*

Шам йиғиси дийдаси қотгунчадир,  
Ҳақни ноҳақ енгиши вақтинчадир.  
Жоҳишлик дунёга бўлолмас устун,  
Зулмат ҳукми фақат тонг отгунчадир.



**Шукуржон ЖАББАРОВА (Жозиба)**  
Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси, шоира, журналист

**БАХОР**

Тоғ ортидан ўрмалаб бутун  
Күёш юзин тўсди булатлар.  
Шамол билан ёмғир ёқсан кун  
Тўкилади дув пишган тутлар.

Хаёлларим чўчитди баҳор  
Оқ гулларга сир айтди боғлар.  
Мажнунтолга ташлагач назар  
Анҳор юзин томчилар безар.

Майсаларнинг қулоғи қайнаб  
Ифор билан сўйлайди отин.  
Булатларнинг карвони бўйлаб  
Турна келар силкиб қанотин.

Қалдирғоч жисм, момақалдироқ  
Кўрқитмасин дейди боламни.  
Пана жойни топар қарға-зоғ  
Шоир олар қўлга қаламни.

Куну тунни қамчилаб Ёмғир  
Ер юзига тим-тим сочилар.  
Дафтар узра томчилайди шеър  
Боғда тутлар дув-дув тўкилар.  
\*\*\*

Эшигимни қоқади баҳор  
Қиши ойининг сўнгги кунида.  
Келдим дейди мана мен тақрор  
Күёшли тонг ойнинг ўрнида.

Наҳот ўтди оппоқ қорли қиши  
Дейман толнинг япроғин ўпид.  
Ях ер юмшаб майса урад ниш  
Сув бўйидарайхон қўз очиб.

Эшикларни очиб қўй энди  
Бу кечада турланар олам.  
Турналарнинг сафи кўринди  
Борлиқни уйғотар кўк қўлам.

Ҳали Наврўз, ҳали бу гулрўз,  
Лолаларнинг сайли ҳам ҳамрозд.  
Баҳор билан кел тоғларни кез,  
Илиқлиқда дунё кенг сўзсиз...

**КЎНГИЛ**

Зоримни кўриб баҳор гуллади,  
Титраган қуёш ҳам нурлар таради.  
Анҳор четида майса қўклиди,  
Манзилингни айтгил, дилрабо энди?

Дарёлар қирғоққа ургандга бошин,  
Далалар уйқусин бузар бир эпкин.  
Субҳидам ичиди ёнмоғим тайин  
Манзилингни айтгил, дилрабо энди?

Тушим, хушимда, бошда борини  
Муҳаббат ғами, кўнгил зорини  
Бирлаштирир ёр ишқнинг торини  
Манзилинг айтгил, дилрабо энди?  
\*\*\*

Баҳорнинг тушига кирибман кечада  
Кийган кўйлагимдай товланар башанг.  
Ёшлик хотираси уйғонди ўша  
Маҳзун оқшомларга поёндоz тўшанг.

Юракнинг хонишин тинглабман кейин  
Ошино айлади, гулга булбулга.  
Ўзимни дунёда севганим сайин  
Айланиб қолибман серсоз бир дилга.

Тўхтама энди сен гулладинг оппоқ  
Оппоқ туйғу тўйкин сўлим боғларга  
Ўрик гули билан уйғун сочда оқ  
Йиғлама, бу боғлар кетса тоғларга...

Баҳорнинг тушига кирибман кечада  
Баҳордек эдим мен, сен эдинг қуёш.  
Бугун иккимизни топмаган ўша  
Баҳорлар бағрига тўкасан бардош...

Сочимни майли сен силайвер  
Иккимизни оқшом ўғирлар.  
Ой, юлдуздек ҳайрон боқавер  
Йўлимизни имкон тўғирлар.

Тергамай кўйсин бас ошиқлар  
Йўқ бизда ўзга ишқ муҳаббат.  
Яшайди бу оқшом муштоқлар  
Менсиз сизга келмас Садоқат.

**Muassis:**

Toshkent davlat agrar universiteti

Jurnal O'zbekiston Respublikasi  
Innovatsion rivojlanish vazirligining  
"Ilmiy maqolalarning milliy iqtibos  
indeksini va ilmiy nashrlarning  
bibliografik ma'lumotlar bazasini o'z  
ichiga olgan platformasi"ga kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi  
Prezidenti huzuridagi Axborot  
va ommaviy kommunikatsiyalar  
agentligi tomonidan 2021-yil  
24-iyunda 1191-tonli guvohnoma  
bilan qayta ro'yxatdan o'tkazilgan.

Jurnal respublika bo'yicha  
tarqatiladi, sotuvda kelishilgan  
narxda. Jurnal sahifalarida  
chop etilgan materiallardan  
foydalanylqanda "Agro Inform"  
jurnalidan olindi, deb ko'rsatilishi  
shart. PR belgisi bilan berilgan  
maqolalar tijorat maqolalari  
hisoblanadi.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar muallifiga  
qaytarilmaydi.

ISSN 2181-2411 (Print)  
ISSN 2181-2519 (Online)

Veb-sayt: agro-inform.uz  
Telegram: agroinform\_uz  
E-mail: agroinform@mail.uz

Nashr indeksi: 1020

Tahririyat manzili:  
100140, Toshkent viloyati,  
Qibray tumani, Universitet  
ko'chasi, 2-uy.  
Tel/faks: +99895 195-52-52.

Bosmaxonaga topshirildi:  
17.03.2022

Qog'oz bichimi 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>.  
Ofset usulida bosildi.  
Buyurtma № 346.  
Adadi: 1300 nusxa.

«Eco textile product» MCHJ  
bosmaxonasida chop etildi.  
Toshkent sh., Uchtempa tum,  
Katta xirmontepa va Shirin  
ko'chalari kesishuvi, 47-A.

# MUNDARIJA

<b>III. Рўзиев.</b> Наврўз – дехқон ва чорвадорлар байрами .....	2
<b>Т. Саттаров.</b> Аграр соҳа тараққиёти — бугунги кун талаби .....	4
<b>М. Турсунов.</b> Мақбуллаштириш – таълимнинг маъқул тизими .....	6
<b>Р. Турдибоева.</b> Ёшлар – келажагимиз эгалари .....	9
<b>А. Ташматов.</b> "Таълимнинг қулаши-миллатнинг қулаши" .....	13
<b>С. Рустамов.</b> Мутаносиб овқатланиш тамойиллари .....	18
<b>Ш. Дурходжаев.</b> Ижтимоий қўллаб-кувватлаш — бош мақсадимиз .....	21
Дараҳт экинг – ўрмонни асранг .....	24
Оролбўйи ахолиси қишлоқ хўжалигидаги инновацияларни ўзлаштиромоқда .....	25
Ўзбекистон чўллари муҳофаза остида .....	26
Doi o'zi nima? Uni qanday olish mumkin? .....	27
<b>Н. Тоиров.</b> Яхшиликшунос олим,ベンазир устоз .....	29
<b>F. Yakubov.</b> Coleopteran (coleoptera) on the elm (ulmus) trees, selection of effective insecticides in their quantity control and assessment of their effectiveness .....	30
<b>B. Haydarov, M. Juraev.</b> Agrotechnology for growing spring crops on rainfed lands of Uzbekistan .....	39
<b>K. Kholjigitovna, B. Madartov, N. Nurmurodova, O. Z. Eshdavlatov.</b> Study of organoleptic, physical and chemical indicators of honey in Tashkent region .....	43
<b>A. Кожевникова.</b> Пенница philaenus spumarius (L.) — Многодный вредитель .....	52
<b>Н. Муллабаев, Ж. Собиров, Г. Уринова, М. Юлдашов, Б. Камилов.</b> Утилизация субпродуктов переработки цыплят в кормлении афри- канского сома (claritas gariepinus) в садках в условиях Узбекистана .....	55
<b>З. Артукметов, Д.Мустафақулов, М. Орифова.</b> Сточные воды от птицефабрик и их пригодность для орошения сельскохозяйственных культур .....	59
<b>М. Алланазаров, Т. Халмуродов.</b> Механико-технологические основы обработки почвы .....	64
<b>З. Худоёрёв.</b> Сунъий ёмғирлатишни татбиқ этишдаги муаммолар ва сув томчисининг тупроқ юзасига босими .....	67
<b>Э. Ботиров.</b> Мева-сабзавотчилик кластерларини қўллаб-кувватлашнинг янгича тизими .....	71
<b>А. Юнусов, Ш. Холтўраев, У. Рузметов.</b> Ўзбекистон шароитида доривор годжи (goji) ўсимлигини уруғдан кўпайтириш усули .....	74
<b>М. Одинаев, Ш. Холмуҳамедова.</b> Чорвачилик озуқаларида учрайдиган заҳарли моддалар турлари ва уларнинг чорва ҳайвонларига таъсири .....	78
<b>Н. Намозов, С. Хасанов, Қ. Гулимов.</b> Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги .....	83
<b>Л. Шомирова.</b> Сабзавот хризантемасининг озиқавийлик ва дориворлик хусусиятлари .....	85
<b>Э. Ботиров.</b> Аграр ислоҳотларни амалга оширишда мева-сабзавотчилик кластерларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш .....	87
Ҳукуқшунос маслаҳати .....	90
Ҳам фермер, ҳам ихтирочи, ҳам тадбиркор .....	92
<b>Ш. Рўзиев.</b> Урушни оқлаб бўлмайди .....	95
<b>А. Таиров.</b> Многогранный учёный-исследователь .....	96
<b>Ж. Сирожиддинов.</b> Мўътабар устоз – муқаддас аёл .....	97
Илмда сардор, ижодда сарбон .....	99
<b>А. Тоиров.</b> Ибратли умр соҳиби .....	100
Ҳикматлар .....	101
Ижод бекати .....	102